There are increased level of requirements for the general culture, literacy and eloquence of the doctor. The basics of the peculiarities meeting these demands are taught in the higher education institutions. It is noteworthy to mention that it is necessary nowadays the peculiarities needed for doctor are not given full attention in the higher educational institutions. Thus, given the fact that the doctoral profession is considered within the framework of jobs "subject-subject" relations it is essential that the doctor should gain the good culture of eloquence. However, in our higher medical institutions it is necessary to mention that this problem is a case.

Even though the doctor has not gained an eloquence skills, while engaging in the dialogue he/she has to know the basics of the art of persuasiveness. According to our observations one of the reasons of absence of results of the treatment practice is the lack of eloquence in the doctor. As it was mentioned before, the doctor impacts and treats the sick person with his words and pills. However, the doctor who cannot use the proper words has little impact on the doctor. Considering it, we propose that it is necessary for the higher medical institutions to introduce the *"Basics of Eloquence skills"* and *"Psycholinguistics"*. Here it is necessary to pay attention to the formation of the speech skills that are needed to be engaged in the individual dialogue with the ill person. The obtaining of the basics of these sciences maintains the efficiency of corresponding influence on the consciousness and unconsciousness of the human.

While considering the professional mastery and success I.S.Yakimanskaya introduces besides to the knowledge, skills and aptitude on the psychology, followed by the exact imagination of significance and role of psychology in the doctoral activity, the proper usage of the knowledge about the psychology in the medical treatment of patients.

Compliance is the main case in the organization of the doctor –patient relations. If the compliance is not optimal, the efficiency of the treatment is reduced drastically. The formation of the optimal compliance is one of the main guarantees of maintaining the efficiency of this process. After feeling the satisfaction from the first meeting with the doctor, he/she makes a first step towards being in good physical shape.

https://buxdu.uz

Not only the higher medical institutions in Uzbekistan, but also in the higher medical institutions of most of the other countries do not pay enough attention to the communicative competence of doctors. It would be a great idea to open special courses, training facilitating the formation of the competence.

One of the qualities needed to organize the optimally shaped compliance is the communicative competence. Such competence is formed during the mutually undergoing influence with the ill persons, the obtaining of the knowledge related with the psychology of dialogue, and expertise in diverse ways. Considering that in the organization of the compliance the communicative competence has a significant role, its degree of dependence has been analyzed in a special manner. This analysis shows the existence of definite correlation between the communicative competence of the doctor and his years of expertise.

The results of the mathematic-statistical analysis of the correlation between the working expertise of the doctors of the Bukhara region and ability to organize the compliance(n=60).

Table № 1.

x / y	1	3	4	N_y
1	8	5	3	16
2	5	8	7	20
3	2	9	13	24
N_x	15	22	23	60

Here X is the level of eloquence: 1- is lower level, 2 is the average level, 3 is the high level. Y – Working experience: 1-5 years, 2-10 years, 3-10 years.

The results of the mathematic-statistical analysis of the correlation between the working expertise of doctors of the Navai region and ability to organize the compliance(n=56).

Table № 2.

x / y	1	3	4	N_y
1	**7**	**5**	**3**	**16**
2	**5**	**7**	**7**	**19**
3	**2**	**9**	**11**	**22**
N_x	**14**	**21**	**21**	**56**

Here X is the level of eloquence: 1- is lower level, 2 is the average level, 3 is the high level. Y – working experience: 1-5 years, 2-10 years, 3-10 years.

The hypothesis put forward prior to the beginning of the test on the study of the dependence between the working years and the level of eloquence has confirmed the accuracy of the existence of the serious dependence between these levels. In the study among those respondents from the Bukhara region, there were 13 people out of sample of 60 having 10 and more years of expertise. In addition, this makes more than 60 percent of those having high eloquence levels. At the same time there were 2 people having low level of eloquence among those having 10 and more years of working experience, that's 8 percent. At the same time there were 2 people having high level of eloquence among those who had experience up to 5 years. As it can be revealed from the abovementioned data, we can say that there is a direct correlation between the level of eloquence and the working years, but this correlation is not strict. Because there are doctors who are well eloquent among doctors having less than 5 years of experience. In addition, the existence of the doctors who have the low level of eloquence among those who have 10 or more years of experience confirms this fact.

https://buxdu.uz

According to the medical science and practice which has a thousand years of history, when the relations between the doctor and the doctor are constructed on the trust, if is maintained with the corresponding compliance the treatment may give efficient results.

When most of practicing doctors working nowadays were studying in the higher medical institution there was a lack of attention to the development of the knowledge, skills and the theoretical type of the thought of doctor on the compliance. It is necessary to remove the necessities occurred in the higher educational institution by teaching them in the in-service institutions and courses. But, the analyze of the curricula and the programs of the in-service institutes and courses shows the need for the development of the knowledge, skills and the theoretical type of thoughts related with the compliance of doctor. Considering this it is necessary to introduce the courses and training forming the knowledge and skills related with the compliance of doctor in the higher medical institutions and in-service training institutes and courses.

Also, among the characteristics of the professional mastery of the doctor knowing the skills of psychodiagnostics and their proper usage play an important role. The analyses of the curricula of the higher medical institutions in our country indicate the non-allotment of the necessary information to the forthcoming doctors. The following conclusion can be drawn: most of the doctors graduating from the medical institutions and practicing do not possess the ability and skills of psychodiagnostics, we have evidences that they even do not have imaginations about them. We consider that this case should be settled. In order to achieve this the themes related with the psychodiagnostics should be introduced into the medical higher institutions, in-service training facilities and courses.

The introduction of market relations into the medical sphere and the intensification of this process in our country needs a lot of requirements into the personality of the doctor. These demands are related with the formation of the competition among doctors. Contemporary doctor besides to his skills should doctors should have the skills of attracting new patients, to withhold the existing ones, the defining the optimal ratio of the cost and price of treatment. This requires the peculiarities such as the knowledge of his specialty, constant perfection of his professional capabilities having the entrepreneurial skills.

Among the qualities of the doctor maintaining the professional mastery of doctor the psychological properties, psychological knowledge and aptitudes have important role. The professional mastery of doctor is experienced correspondingly to the development of the level of psychological properties, psychological knowledge and mastery.

The application of the systematicality, the introduction of the system analysis to his/her activity are the main directions of development of the weltanschauung of the doctors. The approach to the human as not the "biosocial" one, but as the "biopsychological" being requires the teaching of the practicing doctors with the sciences related with the human biology, psychology and the knowledge related to his/her social aspects. While the sciences related with the human biology and physiology and social sciences are taught in the medical high schools at the sufficient level the sciences related with the human psychology are not taught in sufficient level. The fact that most of the illnesses are of the psychosomatical nature it demands the perfection of the psychological development of doctors.

References:

1. The decree of President of the Republic of Uzbekistan on further development of the private sector in the health care system, – № PQ-2863 from 01.04.2017.
2. Abramova G.S. Yudchits Yu.A. Psikhologiya v meditsine; Uchebnoye posobiye. M.: Kafedra-M.: 2008.
3. Dyorner K. Khoroshiy vrach. – M.: Aleteya, 2016. – P.73.
4. Karimova V.M. Salomatlik psixologiyasi. – T.: Yangi asr avlodi, 2005. – P. 72.
5. Solojenkin V.V. Psikhologicheskiye osnovi vrachebnoy deyatelnosti. – M.: Akademicheskiy proyekt, 2003. – P.74.
6. Mukhtorov E.M. Vrach kasbiy mahorati va psixodiagnostikasi samardadorligi. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2016.

https://buxdu.uz



Собирова Дилафруз Абдурозиқовна,
Бухоро давлат университети “Психология” кафедраси доценти, Халқаро Психология Фанлари Академияси мухбир аъзоси

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИНГ ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация: *ушбу мақолада тиббиёт ходимларининг социал интеллектини эксперт баҳолаш натижалари ва уларнинг илмий таҳлили ўз ифодасини топган.*

Калит сўзлар: *социал интеллект, социал малака, мослик кўзгуси, касбий компетентлик, мулоқот, мимика, эксперт баҳолаш.*

Аннотация: *в этой статье обсуждается взаимосвязь между соиальным интеллектом, профессионализмом и компетентностью медицинского персонала.*

Ключевые слова: *социальный интеллект, профессиональная компетентность, профессиональные навыки, профессиональное положение, познавательная, эмоциональная, социальная гибкость.*

Abstract: *the article discusses the relationship between social intelligence, professionalism, and the competence of medical personnel.*

Key words: *social intelligence, professional competence, professional skills, professional position, cognitive, emotional, social flexibility.*

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда бутун дунёда глобаллашув жараёнининг кечиши ўзига хос ижтимоий тараққиёт тамойилларига мос кадрлар тайёрлашни ва шахсга ижтимоий-психологик таъсир этишни таъминловчи тиббиёт ходимлари социал интеллектига бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Зеро, барча давлатларда ўзига хос тарзда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббиёт ходими фаолиятига қўйиладиган талаблар унинг касбий, шахсий ва интеллектуал фаолияти билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Маълумки, ижтимоий психология фанида айнан социал интеллект муаммосига бағишланган ва унинг барча омилларини батафсил баён этишга қодир илмий адабиётлар етарли бўлмаса-да, бугунги кунда фан оламида ва жамият тараққиётида социал интеллект муаммосининг зарурлигини кўрсата олувчи ва унинг методологик илдизларини асослаб бера олувчи илмий тадқиқотларни алоҳида қайд этиш мумкин. Мазкур адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, улардаги социал интеллект методологиясига тааллуқли айрим умумий жиҳатларни ижтимоий психология фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилишимизга тўғри келади [1].

Социал интеллектнинг табиатини ёритишда интеллект бўйича мавжуд психологик ёндашувларнинг умумий ҳолатини таҳлил этар эканмиз, бугунги кунга қадар мавжуд ёндашувларнинг қуйидаги тартибдаги интеллект ёндашувлари сифатида қайд этиш мумкинлигига яна бир бор амин бўлдик).

Интеллектнинг таркиб топиши ва шаклланиши бўйича муайян ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар бир қатор илмий манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, интеллектга феноменологик ёндашув; интеллект онг мазмунининг асосий шакли сифатида қаралса, (В.Келлер; К. Дункер; М. Вертгеймер; Дж. Кемпион ва бошқалар) интеллектга генетик ёндашувда эса интеллект инсоннинг ташқи олам билан ўзаро таъсирлашувининг табиий шароитидаги ўраб турган муҳит талабларига қийин мослашуви оқибати сифатида талқин этилади (У.Р. Чарльзворт; Олпорт; Ж. Пиаже)[2]. Айни пайтда, интеллектга социо-маданий ёндашув тарафдорлари интеллект инсоннинг ижтимоийлашуви, шунингдек, маданиятнинг мақсадли таъсири натижаси деган ғояни илгари сурса, (Дж. Бруннер; Л. Леви-Брюль; А.Р. Лурия; Л.С. Выготский ва бошқалар.) интеллектга жараёнли-фаолиятли ёндашувда, интеллект инсон фаолиятининг асосий шакли сифатида баён қилинган (С.Л. Рубинштейн; А.В. Брушлинский; Л.А. Венгер; К.А. Абульханова-Славская ва бошқалар)[4]. Интеллектга таълимий ёндашув вакиллари эса, интеллект мақсадга йўналтирилган таълимнинг маҳсули деб эътироф этсалар, (А. Стаатс; К. Фишер; Р.Фейерштейн ва бошқалар.) интеллектга ахборот ёндашуви намоёндалари, интеллектга

https://buxdu.uz

ахборотларни қайта ишлашнинг элементар жараёнлари мажмуи сифатида қарайдилар (Г. Айзенк; Э. Хант; Р. Штернберг ва бошқалар). Интеллектнинг функционал-даражавий ёндашувида, интеллект ҳар хил даражадаги билиш жараёнларининг тизими сифатида кўрсатилса, (Б.Г.Ананьев; Е.И. Степанова; Б.М.Величковский ва бошқалар) интеллектнинг регуляцион ёндашуви: интеллект психик фаолликни ўзини ўзи регуляция қилиш омилидир дея таъкидлайди (Л.Л. Терстоун ва бошқалар).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, социал интеллект муаммоси ижтимоий психологиянинг турли объектларида, турли хил илмий мақсадлар асосида ўрганилган бўлиб, уларда социал интеллект феноменининг умумий табиати, фанда қўлланилиши ва ўзига хос амалий-тадбиқий йўналишлари очиб берилган. Шундай бўлса-да, тиббиёт ходими социал интеллектининг психологик асосларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан, мазкур муаммо бўйича етарли даражада илмий тадқиқотлар олиб борилмаганлигини эътироф этиш мумкин.

Жумладан, социал интеллект – тиббиёт ходими касбий компетентлигини таъминловчи муҳим ижтимоий-психологик омил сифатида алоҳида ўрганилмаган; тиббиёт ходими фаолиятида яққол намоён бўлувчи, айни пайтда шахсий ва касбий камолот уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи социал интеллект омиллари, кўрсаткичлари ва улар орасидаги корреляцион муносабатлар эмпирик жиҳатдан таҳлил этилиб, тегишли илмий хулосалар қилинмаган; соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритувчи тиббиёт ходимларини касбий самарадорлигини бевосита таъминловчи социал интеллект омиллари ва мазкур омилларни изоҳловчи кўрсаткичлар кўлами ўртача-умумий ва қиёсий-типик жиҳатдан ўрганилиб, бугунги кун талабларига мос равишда тадқиқ этилмаган. Буларнинг барчаси ижтимоий психология фанида тиббиёт ходими социал интеллектининг психологик асосларини янада такомиллаштириш механизмларига хизмат қилувчи назарий ва эмпирик тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

Шу боисдан ҳам замонавий фаолият жараёнида тиббиёт ходимлари фаолиятининг самарадорлигида социал интеллект таъсири масаласини тадқиқ этиш янги психологик тадқиқот мавзусига сабаб бўлади. Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари касбий камолотида социал интеллект ролини ўрганишга қаратилган муҳим жиҳатлардан бири, уларнинг касбий компетентлигига социал интеллектнинг таъсири масалаларини ўрганишдан иборат эди.

Юқорида келтирилган психологик-педагогик адабиётларнинг назарий таҳлилидан келиб чиқиб тадқиқотимизда тиббиёт ходимларининг социал интеллектини ўрганишда муаллифлик сўровномасидан фойдаландик. Ушбу сўровномада тиббиёт ходимларининг социал интеллекти бешта шкала бўйича аниқланди: «бошқаларни тушуниш қобилияти», «социал интеллект», «муомала сирларидан хабардорлик», «мулоқотнинг мақсадли йўналтирилганлиги», «мослик кўзгуси». Тиббиёт ходимларида социал интеллектнинг шаклланганлик даражасини эксперт баҳолашда ҳамкасблар ҳамда даволанувчилар жалб этилди.

Методика. “Социал интеллектни эксперт баҳолаш” сўровномаси.

Йўриқнома: Ҳурматли респондент сизга тақдим этилаётган бандлар бўйича ҳамкасбингизга (даволовчи шифокорингиз) хос бўлган сифатларнинг мослигини 5 балли шкала бўйича баҳоланг. Сифатларнинг жуда мос келмаганлигини 1 балл ва жуда мос эканлигини 5 балда ифодаланг.

Жуда тўғри – 5 балл
Тўғри – 4 балл
Билмайман – 3 балл
Тўғри эмас – 2 балл
Умуман тўғри эмас – 1 балл.

Танлаган жавоб вариантингизни сўровноманинг жавоблар варақасида қайд этинг. Жавобларингиз учун сизга олдиндан ташаккур билдирамиз!

https://buxdu.uz

№	Саволлар	1	2	3	4	5
1.	Бошқаларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолатига сезгир					
2.	Жамоа, гуруҳ аъзолари билан ҳамкорлик қила олади					
3.	Ўзаро фойдали муносабатлар (ҳамкорлик) ўрнатишга қобилиятли					
4.	Ўз мулоқотини аниқ мақсадга йўналтира олади					
5.	Шахслараро муносабатда ўз хатти ҳаракатларини (гавда тузилиши, қўл-оёқ харакатлари, мимика) тўғри бошқара олади					
6.	Яхши тингловчи					
7.	Атрофдагилар назарида ишончли ва масъулиятли					
8.	Ҳар хил босқич инсонлар орасида ўзини тута билиш қобилияти					
9.	Мақсадли мулоқотга интилади					
10.	Шахслараро муносабатда ўз нутқига (овоз тони, гапириш маромі) катта эътибор қаратади					
11.	Инсонларнинг туйғуларини тез илғайди					
12.	Одамларга муносабатини тўғри амалга оширади					
13.	Инсоний муносабатларни ўрнатиш малакасига эга					
14.	Мулоқотнинг ўзаро тушуниш тамойилига амал қилиш даражаси					
15.	Муносабатда қадриятларга риоя қилиши					
16.	Инсонларнинг ҳаракати, овоз тони, сўзи орқали эмоциясини ўқий олади					
17.	Ҳамкорлик ҳаракатларини онгли амалга оширади					
18.	Муомала қоидаларини амалга оширишга шайлиги					
19.	Мулоқотни ҳамсуҳбат кимлигига кўра ўрнатади					
20.	Муносабатга эҳтиёжмандлик ва уни амалга оширишга тажрибага эгалиги					

Жавобларингиз учун ташаккур билдирамиз!

Шкалалар:

Бошқаларни тушуниш қобилияти	Социал малакалар	Муомала сирларидан хабардорлик	Мақсадли мулоқотга йўналтирилган	Мослик «кўзгуси»
1,6,11,16	**2,7,12,17**	**3,8,13,18**	**4,9,14,19**	**5,10,15,20**

Тадқиқотимиз натижаларининг эмпирик жиҳатдан таҳлили ва эксперт баҳолаш натижалари юзасидан олинган натижалар қуйидагича акс этган («1-жадвалга қаранг»).

Тиббиёт ходимларининг социал интеллектини эксперт баҳолашда умумий кўрсаткичларда, экспертларнинг натижаларида ўзига хос тафовутлар кузатилди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўладики, экспертларнинг баҳоларида социал интеллектни ифодаловчи кўрсаткичлар ўртачадан юқори қийматларга эга бўлса-да, аммо уларнинг қийматларида Стьюдент t-мезонига кўра фарқлар ишончлилиги кузатилди. Эксперт баҳолашда тиббиёт ходимларининг «бошқаларни тушуниш қобилияти» (даволанувчилар 6,65 балл ва ҳамкасблар − 7,0 балл билан) баҳолаган бўлиб, фарқлар ишончлилиги $p<0,05$ қийматни кўрсатди. Экспертларнинг ушбу шкала бўйича баҳолари ҳамкасбларнинг ўзга инсонларни эмоциясига нисбатан сезгирлиги, уларнинг кечинмалари ва кайфиятларини тезда сезишга, суҳбатдошни ва бирор бир масала юзасидан мурожаат қилган кишига нисбатан эътиборли ва яхши тингловчи эканлигидан далолат беради. Бундан кўринадики, даволанувчилар шифокорларни ушбу қобилиятини бевосита даволаниш жараёнини кузатишдаги; ҳамкасблари эса улар билан бевосита иш жараёни, касбий фаолият ҳамда кундалик турмуш юмушлари билан боғлиқ муносабатларидаги таассуротлари орқали баҳолаганлар. Тиббиёт ходимлари даволанувчилар билан муолажа жараёнидаги муносабатларида зарур ўринларда субординация сақлашга ҳаракат қилиши беморларни мазкур шкала бўйича қийматлари ҳамкасбларига қараганда пастроқ бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

https://buxdu.uz

Шкалалар бўйича энг юқори ўринга эга бўлгани сизнинг социал интеллектингиздаги етакчи омилларни белгилайди

Бошқаларни тушуниш қобилияти	**Бундай типдагилар бошқаларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолатига жуда сезгир, яхши тингловчи, инсонларнинг туйғуларини тез илғайди ва инсонларнинг ҳаракати, овоз тони, сўзи орқали эмоциясини ўқий оладиган инсонлар ҳисобланади**
Социал малакалар	Бу типдагилар жамоа, гуруҳ аъзолари билан ҳамкорлик қила олади, атрофдагилар назарида ишончли ва масъулиятли, одамларга муносабатини ҳамкорлик истаги орқали тўғри ва онгли амалга оширади
Муомала сирларидан хабардорлик	Бундай инсонлар ўзаро фойдали муносабатлар (ҳамкорлик) ўрнатишга қобилиятли, уларда ҳар хил инсонлар орасида ўзини тута билиш қобилияти юқори даражада бўлганлиги боис инсоний муносабатларни ўрнатиш малакасига эга ва ўз муносабатини муомала қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширади
Мақсадли мулоқотга йўналтирилган	Ушбу типга мансуб инсонлар ўз мулоқотини аниқ мақсадга йўналтира олади, мақсадли мулоқотга интилади, мулоқотнинг ўзаро тушуниш тамойилига амал қилади, ҳамда ўз мулоқотини ҳамсуҳбат кимлигига кўра ўрнатади
Мослик «кўзгуси»	Бундай шахслар шахслараро муносабатда ўз хатти ҳаракатларини (гавда тузилиши, қўл-оёқ ҳаракатлари, мимика) тўғри бошқара олади, ўз нутқига (овоз тони, гапириш маромі) катта этибор қаратади, муносабатда қадриятларга риоя қилиши ва муносабатга эҳтиёжмандлик ва уни амалга оширишга тажрибага эгалиги билан алоҳида ажралиб туради

Тиббиёт ходимларининг «социал малакалари» бўйича кўрсаткичларда ҳам ҳамкасбларнинг берган баҳоси юқорироқ кўриниш олган (6,86 балл). Ушбу ўринда, тиббиёт ходимларининг умумий қийматларида уларнинг жамоа, гуруҳ аъзолари билан ҳамкорлик қила олиши, атрофдагилар назарида ишончли ва масъулиятли, одамларга муносабатини тўғри амалга ошира олиши, ҳамкорликни онгли амалга ошириши касбий сифатларга мансуб эканликларини кўрсатмоқда. Тиббиёт ходимлари бу орқали беморлар ва ҳамкасблари билан муносабатида социал малакалари шаклланганлигидан далолат берса-да, уларнинг касбий камолот босқичларида бу малакалар тафовутланиши мумкинлигини англатади.

Тиббиёт ходимларининг «муомала сирларидан хабардорлиги» шкаласи кўрсаткичлари ҳам даволанувчилари ва ҳамкасблари томонидан бошқа шкалаларда кузатилган манзарани акс эттирмоқда (даволанувчилар − 5,82 балл ва ҳамкасблар − 7,17 балл, фарқларнинг ишончлилиги − $p<0.001$).

Шкала қийматлари асосида экспертлар тиббиёт ходимлари социал интеллектининг ушбу қиррасида уларни ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатишга, ҳар хил босқич инсонлар орасида ўзини тута билишга, инсоний муносабатларни ўрнатишга ва муомалани қоидали амалга оширишга қобилиятли эканликларини билдирганлар.

Бу эса тиббиёт ходимларининг касбий фаолияти жараёнида беморлари билан ўзаро муносабатда, даволаниш жараёнида ва ҳамкасблари билан ҳамкорлик фаолиятида жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни ижобий таркиб топтиришда масъул эканликларини кўрсатмоқда.

Жадвал № 1

Тиббиёт ходимларининг социал интеллектини эксперт баҳолаш натижалари

№	Шкалалар	Даволанувчилар n=89		Ҳамкасблар		T
		X	Σ	χ	σ	
1.	Бошқаларни тушуниш қобилияти	6,65	1,10	7,0	0,82	-2,23*
2.	Социал малакалар	5,70	1,56	6,86	1,06	-6,07***
3.	Муомала сирларидан хабардорлик	5,82	1,45	7,17	0,93	-7,66***
4.	Мулоқотнинг мақсадли йўналтирилганлиги	5,56	1,26	7,41	0,95	-10,98***
5.	Мослик «кўзгуси»	5,26	1,40	6,88	0,91	-9,42***

https://buxdu.uz

Изоҳ: *p<0.05; ****p<0.001

Тиббиёт ходимларининг «мулоқотни мақсадли йўналтириш»га қобилиятлари экспертлар томонидан қуйидагича баҳоланди: даволанувчилар − 5,56 балл ва ҳамкасблари − 7,41 балл; кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишончлилиги - p<0,001. Бу қийматлар тиббиёт ходимлари социал интеллектида инсонлар билан мулоқотни аниқ мақсадга йўналтира олиши, мулоқот мақсадига эришишга шайлиги, мулоқотда шахслар билан ўзаро тушуниш тамойилига амал қилиши, мулоқотда суҳбатдошга кўра мувофиқлаштира олиш ҳусусияти хослигини кўрсатмоқда.

Навбатдаги «мослик «кўзгуси» шкаласига кўра экспертлар қийматлари қуйидагича кўриниш олди: даволанувчилар − 5,26 ва ҳамкасблар − 6,88 балл; кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишончлилиги −p<0,001. Бу шкала ёрдамида тиббиёт ходимларида шахслараро муносабатда гавдани, хатти-ҳаракатларни тўғри тутади, шахслараро муносабатда овоз тонини тан олади, муносабатда қадриятларга риоя қилиши, муносабатга эҳтиёжмандлик ва уни амалга оширишга тажрибаси мавжуд эканлигини билдиради. Аммо, ушбу қобилият, социал кўникма ва сифатлар барча тиббиёт ходимларига хос дейишга, шунингдек, юқорида таҳлил этилган мезонларни ўзаро алоқадорликда ривожланганлиги бир оз сўроқ остида қолаётганлиги ҳам сир эмас.

Социал интеллектни тадқиқ этишнинг назарий таҳлилида келтириб ўтилган маълумотлар эмпирик натижаларни шарҳлашда методологик асос сифатида хизмат қилиши хусусида юқорида мулоҳаза юритган эдик. Ўз навбатида тиббиёт ходимлари социал интеллектини касбий фаолият билан боғлаб тадқиқ этиш бугунги кун психологиясининг долзарб муаммоларидан бири сифатида танлаб олинишида ҳам фаолият самарадорлиги касбий кўникма ва малакаларга мувофиқ ижтимоий тажриба, шахслараро муносабат, кўникмалар, «субъект−субъект» муносабат тизимида ўз−ўзини назорат қилиши, ҳамкасблар ва атрофдагиларни тушуниши, уларнинг кайфиятига мос муомалани амалга ошириши диққат марказимизда бўлади.

Хулоса. Юқоридагиларга асосланиб, баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда тиббиёт ходимлари социал интеллектини эксперт баҳолаш бўйича қуйидагилар аниқланди:

1. Тиббиёт ходимларининг касбий компетентлиги аниқ мезонли ва тизимли, илмий асосланган тадқиқот методикаси асосида аниқланди. Бу унинг социал интеллект билан мазмуний боғлиқлигини тушунтириш имконини берди.

2. Тиббиёт ходимлари социал интеллектини умумий интеллект, эмоционал интеллект, эмпатия, эксперт баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда ўрганилганлиги натижалари сингари социал-психологик компетентлик кўрсаткичларида ҳам кузатилди.

3. Тиббиёт ходимларининг касбий компетентлиги аксарият ҳолларда социал интеллектни юқори бўлишини таъминловчи социал интеллект омиллари ва компонентлари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Бу эса тиббиёт ходимлари касбий фаолият самарадорлигига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Социал интеллект билан касбий компетентлик ўртасидаги корреляцион муносабатлар эса тиббиёт ходимларининг фаолиятини ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Собирова Д.А. Социал интеллект: назария ва амалиёт. – Тошкент.: Фан, 2013. – 160 б.
2. Олпорт Г. Становление личности. Избранные труды. – М: Смысл, 2002 – 329 с.
3. Терстоун Л.Л. Характер интеллекта. – М.: Педагогика, 1924. – 230 с.
4. Айзенк Г.Ю. Интеллект: новый взгляд, Вопросы психологии. 1995. – М.; – С. 111–131.
5. Mayer J.D., Salovey P., Caruso D.R. Mayer–Salovey–Caruso Emotional Intelligence Test (MSCEIT) user's manual. – Toronto, Canada: MHS Publishers, 2002.
6. Куницина В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение/ Учебник для ВУЗов. – СПб.: Питер, 2002 – 322 с.

https://buxdu.uz

Қодиров Обид Сафарович
Қарши давлат университети
“Психология” кафедраси мустақил изланувчиси

ЎСМИРЛАРНИНГ ЖИНОИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОРТТИРИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

Аннотация: *ушбу мақолада тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашнинг ижтимоий психологик асослари кенг ёритилган. Унда дастлаб, тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи асосий ижтимоий психологик сабаблар: Шахснинг биологик нуқсонлари; шахснинг психологик камолотидаги камчиликлар; шахснинг тарбиясидаги нуқсонлар; шахснинг билим олиш фаолиятидаги нуқсонлар; мактаб таълим ва тарбиясидаги камчиликлар; мактабдан ташқари муҳитдаги нуқсонлар асосида юзага келиши эмпирик тадқиқотлар асосида ўрганилиб, тарбиявий психологик изоҳлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *конституция алифбоси, ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқшунослик, юридик тушунчалар, фуқоролик, ўсмир, жиноят мотивлари, носоғлом муҳит, тан жароҳати, фирибгарлик, ҳуқуқбузарлик, талончилик, терроризм, экстремизм, тушкунлик, махфий сирлар, гоялар тўқнашуви,қонуниятлар кризиси, ҳимоя механизми, ҳаётий стратегия, ижтимоийлашув, ўзини-ўзи англаш, профилактика.*

Аннотация: *в данной статье изложены социально-психологические основы работы с подростками. Вот некоторые из основных социальных и психологических причин, которые ведут к трудновоспитуемым подросткам: Биологические дефекты человека; отсутствие психологического совершенства личности Личные недостатки; недостаток личной информации; недостатки школьного образования и обучения; основан на экспериментальных исследованиях на основе недостатков внешкольной программы и отражает педагогические интерпретации.*

Ключевые слова: *конституционный текст, правовые знания, юриспруденция, правовые концепции, гражданское право, несовершеннолетние, преступные мотивы, нездоровая среда, физические увечья, мошенничество, грабеж, грабеж, терроризм, экстремизм, депрессия, конфиденциальная тайна, конфликт идей, защитный механизм, жизненная стратегия, социализация, самосознание, профилактика.*

Abstract: *the article outlines the socio-psychological foundations of working with adolescents: Here are some of the main social and psychological causes that lead to difficult teenagers; human biological defects; the lack of psychological perfection of the individual; personal flaws; lack of personal information; disadvantages of school education and training. The study is based on experimental studies based on the shortcomings of an after-school program and reflects pedagogical interpretations.*

Key words: *constitutional text, legal knowledge, jurisprudence, legal concepts, civil law, minors, criminal motives, unhealthy environment, physical injuries, fraud, robbery, terrorism, extremism, depression, confidential secrecy, conflict of ideas, defense mechanism , life strategy, socialization, self-awareness, prevention.*

Мавзунинг долзарблиги. Малакатимиз ҳаётида юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги туб ўзгаришлар кўп жиҳатдан ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун зарур барча шарт-шароитларни яратишга йўналган давлат сиёсатидаги устувор вазифалар сифатида қаралмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”, “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”дек муҳим вазифалар белгиланган.

https://buxdu.uz

Бугун юртимизда барча жабҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бундан кўзланган пировард мақсад юртимизнинг тинчлигини, осойишталигини таъминлаш, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, халқимизни рози қилишдан иборат. Мамлакатимизда ёшларнинг билими ва маънавий дунёсини бойитиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида кўпгина ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида мамлакатимизда таълим тизимидаги Қонун ва фармонларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган бир қатор илмий-тадқиқотлар асосан вояга етмаганларнинг жиноят мотивлари шаклланишининг психодиагностикаси ва психокоррекциясига қаратилган бўлиб, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилган комплекс психологик таъсир кўрсатиш муҳим омил сифатида кўриб чиқилмаган.

Илмий тадқиқотлар натижасида ўқувчиларда ҳуқуқий тушунчалар шаклланганлигини изоҳловчи натижаларнинг умумий ҳолати қуйидаги жадвалларда келтирилган. Тажрибада ўқувчиларнинг қийматларини ҳар бир мезон бўйича кўриб чиқарилганда, ушбу ҳолатлар намоён бўлди:

Ўқувчиларда юридик тушунчаларнинг шаклланганлик ҳолатини дастлабки иккита мезон, яъни тушунчаларни санаб бериш (6,34 балл; 6,04 балл ва 6,64 балл) ва тушунчаларни таърифлашда (5,19 балл; 5,54 балл) натижалар умумий ва жинсий фарқлар бўйича ҳам ўртачадан юқори қийматларга эга экан. Бу эса қолган мезонлар бўйича ўқувчиларда тушунчаларнинг шаклланиш кўрсаткичларига ўртачадан паст қийматлар билан чекланиш мавжудлиги аниқланди.

Жадвал № 1.

Ўқувчиларда юридик тушунчаларнинг шаклланганлик ҳолатини ўрганиш кўрсаткичлари (Умумий жадвал)

№	Мезонлар	Умумий		Ўғил		Қизлар		t
		M	σ	M	σ	M	σ	
1.	Тушунчаларни санаб бера олади	6,34	1,36	6,04	1,45	6,64	1,20	-2,31*
2.	Тушунчани таърифлай олади	5,19	1,38	4,84	1,40	5,54	1,28	-2,62**
3.	Тушунчаларни таҳлил қилиш	4,58	1,32	4,16	1,05	5,00	1,44	-3,63***
4.	Тушунчани таққослаш	4,42	1,28	4,30	1,37	4,54	1,19	0,98
5.	Тушунчаларни умумлаштириш	4,14	1,10	4,20	1,14	4,08	1,06	0,956
6.	Тушунчаларни амалий қўллашни билиш	3,65	1,25	3,62	1,24	3,68	1,26	-0,262

***p≤0,05; **p≤0,01; ***p≤0,001**

Ўқувчиларнинг жинсий тафовутлар бўйича қийматларида ҳам учта баҳолаш мезони бўйича фарқлар кузатилди ва улар статистик аҳамиятлилик кўрсаткичига эга бўлди. Ушбу кўрсаткичларда қизларнинг қийматлари ўқувчи болаларнинг қийматларига нисбатан анчагина етакчилик қилди.

Ўқувчи қизлар юридик тушунчаларни ўзлаштирганликларини ифодалашда- 6,64 балл ва ўқувчи болалар -6,04 балл билан чекланган. Уларнинг қийматлари ўртасидаги статистик фарқ - t=-2,31, p≤0,05 ишончлилик даражасига эга бўлди. Ўқувчи қизларда тушунчаларнинг шаклланиши имкониятлари бўйича тажриба кўрсаткичларида ҳам устуворлик кузатилганди. Бу ҳолат ўқувчи қизларнинг таълим жараёнида хотирасининг имкониятидан самарали фойдаланишга эришишлари, ҳуқуқшунослик фани бўйича ўзлаштириш кўзда тутилган билимларни эгаллашга мақсадли ёндашганлар дейиш мумкин. Ўқувчи ўғил болаларда бу кўрсаткичлар эса нисбатан паст бўлди.

Ўқувчиларнинг тушунчаларни таърифлаши бўйича берилган топшириқ натижаларида ҳам бошқа мезонларга солиштирлган ўртачадан юқори қийматга эга - 5,19 балл. Бу эса ўқувчилар

https://buxdu.uz

юридик тушунчаларни айтиб бериш билан бир қаторда, уларнинг мазмунини анализ ва синтез қилишлари мумкинлигини билдиради. Ўқувчилар юридик тушунчаларни таърифлашда мактаб курсида ўзлаштирган билимларига таянишга ҳаракат қилдилар. Ўқувчи қизлар ва болаларнинг иккинчи мезон кўрсаткичлари ўртасида ҳам статистик жиҳатдан фарқлар кузатилди. Ўқувчи қизларнинг тушунчаларни таърифлаш бўйича жавоблари - 5,54 балл, ўғил болаларда - 4,84 баллни ташкил этди. Қийматлар ўртасидаги фарқлар – t= -2,62, p≤0,01 ишончлилик даражасини ифодалади.

Ўқувчи қизларда юридик тушунчаларни ўзлаштиришдаги имкониятларида хотира билан бир қаторда тафаккур операциялари ҳам етарлича намоён бўлди. Улар "ҳуқуқ", "ҳуқуқий маданият", "ҳуқуқий меъёр", "конституция", "конституциявий ҳуқуқ", "давлат", "давлат шакллари", "ҳокимият", "сайлов", "бурч" тушунчаларини номлаш билан бир қаторда, уларнинг моҳиятини изоҳлашга ҳам муяссар бўлдилар.

Тушунчаларни таҳлил қилишда ҳам фақат ўқувчи қизларнинг натижалари ўртача қиймат билан чекланди - 5 балл, ўғил болаларнинг натижалари билан солиштирганда қийматлар ўртасидаги фарқ - t= -3,63, p≤0,001 ишончлилик даражасига эга бўлди.

Ўқувчиларнинг тушунчаларни ўзлаштирганлик ҳолатини тадқиқ этиш борасидаги навбатдаги уринишларимиз баҳолаш мезонларининг ички муносабатлари ва алоқадорлик қонуниятларини ўрганишга қаратилди. Ўқувчиларнинг юридик тушунчаларни ўзлаштиришидаги баҳолаш мезонларининг ички боғлиқлиги муаммонинг ўрганилиши лозим бўлган бошқа қирраларини очишга хизмат қилиши мумкин.

Жадвал № 2.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий тушунчаларни шакллантирганлик ҳолатларини баҳолаш мезонлари ўртасидаги корреляция коэффициентлари (умумий натижа)

№		Тушунчаларни санаб бера олади	Тушунчани таърифлай олади	Тушунчаларни таҳлил қилиш	Тушунчани таққослаш	Тушунчаларни умумлаштириши	Тушунчаларни амалий қўллашни билиш
1.	Тушунчаларни санаб бера олади	1	0,206*	0,199*	0,091	0,062	0,005
2.	Тушунчани таърифлай олади		1	0,126	-0,006	0,161	0,103
3.	Тушунчаларни таҳлил қилиш			1	0,216*	0,082	-0,035
4.	Тушунчани таққослаш				1	0,051	0,011
5.	Тушунчаларни умумлаштириши					1	0,043
6.	Тушунчаларни амалий қўллашни билиш						1

***p≤0,05**

Ўқувчиларда юридик тушунчаларнинг шаклланганлик ҳолати мезонлари ўртасидаги ички боғланишларнинг таҳлили таълим жараёнида таълим олувчида психик билиш жараёнлари ва тафаккур операцияларининг ўзаро изчиллигини қандай таъминлаганда нималарга эришиш мумкинлигига аниқлик киритиб беради, дейиш мумкин.

Ўқувчиларда юридик тушунчаларнинг шаклланганлик ҳолатини акс эттирувчи қийматларига кўра корреляцион боғлиқликлар қуйидаги таҳлилий мулоҳазаларга олиб келди:

1. Ўқувчиларнинг тушунчаларни билиш ёки уларни номлай олиши бу тўлақонли хотиранинг маҳсули ҳисобланади. Шундай экан ўқувчилар хотирасининг самарали ишлаши тушунчаларни номлаш асосида тушунчаларни таърифлашни - r=0,206; p≤0,05 ва тушунчаларни

https://buxdu.uz

мазмунан таҳлил қилиш - r=0,206; p≤0,05 хусусиятларини ривожлантириш мумкин экан. Бу ерда ўқувчиларда юридик тушунчаларни мазмунан таҳлил қилишларини такомиллаштириш ҳисобидан тушунчаларни умумлаштириш, классификациялаш ва системалаштириш операцияларини шаклланишига олиб келиши мумкин бўлади. Тафаккурнинг бу операцияларни ўқувчиларда етарлича намоён бўлмаётганлиги юриспруденция соҳасидаги масалалар ва уларнинг таҳлилий жиҳатларининг мураккаблиги билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

2. Ўқувчиларда тушунчаларни таҳлил қилишнинг ривожланиши ҳисобидан тушунчаларни таққослаш операциясининг ўсишига эришишлари мумкин экан - r=0,216; p≤0,05. Шу боис, Э.Ғ.Ғозиев тафаккурнинг таққослаш операцияси хусусида сўз юритар экан, "инсоннинг ижтимоий фаолиятида, билимларнинг ўзлаштирилишида, воқеликни тўлароқ акс эттиришида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар тафовути, шунингдек, бир-биридан фарқ қиладиган томонлари ўртасидаги ўхшашликликни топишдан иборат фикр юритиш операциялари катта аҳамиятга эга. Таққослаш – шундай бир тафаккур операциясидирки, бу операция воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади", деб мулоҳазалаган.

Тадқиқот натижаси ва таққослаш операцияси хусусидаги мулоҳазалар асосида ўқувчиларда юридик тушунчаларни шакллантиришда таққослаш операциясининг ўрнини янада ошириш фойдадан холи бўлмайди.

Жадвал № 3.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий тушунчаларни шакллантирганлик ҳолатларини баҳолаш мезонлари ўртасидаги корреляция коэффициентлари (ўқувчи болалар)

№		Тушунчаларни санаб бера олади	Тушунчани таърифлай олади	Тушунчаларни таҳлил қилиш	Тушунчани таққослаш	Тушунчаларни умумлаштириши	Тушунчаларнинг амалий қўллашни билиш
1.	Тушунчаларни санаб бера олади	1	0,216*	0,203	0,075	0,007	0,065
2.	Тушунчани таърифлай олади		1	-0,134	-0,038	0,186	0,186
3.	Тушунчаларни таҳлил қилиш			1	0,093	0,041	0,109
4.	Тушунчани таққослаш				1	0,052	0,140
5.	Тушунчаларни умумлаштириши					1	0,083
6.	Тушунчаларни амалий қўллай олади						1

***p≤0,05**

Касб-ҳунар коллежи ўқувчи болаларининг бу йўналишдаги қийматлари орасида битта аҳамиятли кўрсаткич кузатилди. Бу ҳам бўлса, тушунчаларни номлаш билан тушунчаларни таърифлаш мезонлари ўртасидадир - r=0,216; p≤0,05. Бу ўқувчи болалар тушунчаларни номлашда хотира имкониятларидан фойдаланганлар, аммо уларни мазмунан таҳлил қилиш, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таққослаш, умумлаштириш операцияларини етарлича намоён эта олмаганлигини кўрсатмоқда.

https://buxdu.uz

Жадвал № 4.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий тушунчаларни шакллантирганлик ҳолатларини баҳолаш мезонлари ўртасидаги корреляция коэффициентлари (ўқувчи қизлар)

	Тушунчаларни санаб бера олади	Тушунчани таърифлай олади	Тушунчаларни таҳлил қилиш	Тушунчани таққослаш	Тушунчаларни умумлаштириши	Тушунчаларнинг амалий қўллашни билиш
Тушунчаларни санаб бера олади	1	0,301*	0,325*	0,334*	0,165	-0,077
Тушунчани таърифлай олади		1	0,199	-0,021	0,177	0,008
Тушунчаларни таҳлил қилиш			1	0,295*	0,159	-0,156
Тушунчани таққослаш				1	0,061	-0,139
Тушунчаларни умумлаштириши					1	0,004
Тушунчаларни амалий қўллай билиш						1

Ўқувчи қизларнинг қийматлари эса миқдор ва сифат жиҳатдан бир оз устувор кўриниш олган. Улар юридик тушунчаларни шакллганлик ҳолатига эришишларида эсда олиб қолиш ва эсга тушириш билан бир қаторда тафаккурнинг операцияларини ўзлаштирганлар дейиш мумкин.

Ўқувчи қизлар тушунчаларни хотирада сақлаганликлари уларнинг таърифлаш хусусиятини намойиш этишига - $r=0,301$; $p\leq0,05$, тушунчаларни мазмунан таҳлил этишга- $r=0,325$; $p\leq0,05$; тушунчаларни таққослашга эриша олишаркан. Аксинча, хотиранинг маҳсулдорлиги тушунчаларни умумлаштириш ва тушунчаларни қўллаш хусусиятларини етарлича намоён этишларига хизмат қила олмас экан.

Айни дамдаги миқдорий қийматлар ўқувчи қизлар юридик тушунчаларни ўзлаштирганликлари, тушунчаларни таҳлил қилиш орқали, тушунчаларни таққослашга эришиб келаётган эканлар. Бундан кўринадики, ўқувчи қизлар “Ҳуқуқшунослик” фанидан тушунчалардан фойдаланганда таққослаш операциясидан фойдаланадилар. Аммо ўқувчи қизларда ҳам юридик тушунчаларни умумлаштириш, уларни қайси соҳаларда қўллаш билан боғлиқ ҳолатларда тайёр эмасликларидан далолат бермоқда.

Ўқувчиларнинг юридик тушунчаларни шакллганлик ҳолати билан уларнинг психик имкониятларини аниқловчи методикалари ўртасидаги муносабатлар тадқиқот вазифаларига янгича бир мазмун киритиши шубҳасиз. Шунинг учун тадқиқотимиздаги ҳар иккала йўналишдаги тадқиқотдан олинган қийматлар ўртасидаги ички муносабатларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ўқувчиларнинг тушунчаларни ўзлаштириш имконияти билан шакллганлик ҳолатини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш асосида бир қатор хулосаларга келишимиз мумкин.

Ўқувчиларда тушунчаларни шакллантириш имконияти билан шакллганлик ҳолатининг ички муносабатлари қуйидаги кўриниш олди:

https://buxdu.uz

Жадвал № 5.

Тушунчаларни шакллантириш имкониятлари ва шаклланганлик ҳолатининг умумий кўрсаткичлари

№		Тушунчаларни санаб бера олади	Тушунчани таърифлай олади	Тушунчаларни таҳлил қилиш	Тушунчани таққослаш	Тушунчаларни умумлаштириши	Тушунчаларни амалий қўллай билиш
1.	Пиктограмма	0,273*	0,283*	0,125	0,147	0,191	0,043
2.	Мураккаб аналогия	0,386**	0,176	0,145	0,137	0,307**	0,128
3.	Тушунчаларни таққослаш	0,177	0,164	0,168	0,196*	0,160	0,088
4.	Муҳим белгиларини ажратиш	0,198*	0,159	0,267**	0,162	0,072	0,115
5.	Мантиқий тафаккур	0,277**	0,098	-0,097	0,164	0,064	0,175
6.	Ортиқчасини ўчириш	0,352**	0,306**	0,108	0,170	0,165	0,131

***p≤0,05; **p≤0,01;**

Ўқувчиларнинг эсда олиб қолишдаги абстракт, конкрет тушунчаларни шакллантиришлари тушунчаларни санаб бера олиш билан - r=0,273; p≤0,05; тушунчаларни таърифлаш - r=0,283; p≤0,05га хизмат қилган. Ички боғланишлар ўқувчиларнинг тушунчалар ўртасидаги мураккаб ўхшашликларни ажрата олишлари ҳисобида уларни аниқ ифодалаб бериш (- r=0,386; p≤0,01) билан бир қаторда тушунчаларни умумлаштира олишга ҳам эришишлари мумкин экан (r=0,307; p≤0,01). Чунки, юриспруденциядаги кўпгина масалалар ҳодисавий характерга эга бўлганлиги сабабли ҳам ўқувчилар уларни конкрет предметлар сингари муҳим ёки номуҳим белгиларига асосланиб умумлаштиришда қийналишлари шубҳасиз. Шундай бўлса-да, ўқувчиларнинг ҳар иккала йўналишдаги натижалари таҳлил қилинганда бу ҳолатни кузатмаган эдик, аммо улар орасидаги ички муносабатларда эса боғланиш кузатилди.

Тадқиқотда ўзининг тасдиғини топган ҳолат иккала йўналишдаги "тушунчаларни таққослаш" имконияти ва шаклланганлик ҳолати ўртасида аҳамиятли боғланишнинг аниқланганлигидир -r=0,196; p≤0,05. Ушбу қийматлар ўқувчиларда юридик тушунчаларнинг шаклланишида тафаккурнинг таққослаш операциялари етарлича шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Ўқувчиларнинг муҳим белгиларни ажратиш хусусиятларини ривожлантиришлари орқали тушунчаларни номлаш- r=0,198; p≤0,05, тушунчаларни таҳлил қилишда - r=0,267; p≤0,01 ортиқча қийинчиликка дуч келмайдилар, деймиз. Тушунчаларнинг муҳим белгиларини фарқлай олган ўқувчида тушунчани эсда олиб қолиш ва ўрни келганда уни қайта эсга тушириши ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Бу фан бўйича илмий тушунчаларни қийналмасдан ўзлаштиришни таъминлайди.

Мантиқий тафаккурнинг шаклланганлиги ҳам ўқувчиларни тушунчалар билан ишлашга - r=0,277, p≤0,05; тушунчаларнинг хусусиятларини фарқлай олиш ҳисобида унинг хусусиятлари - r=0,352; p≤0,01 ва мазмунини таърифлашда ортиқча қийинчиликларга учрамасликларини ифодаламоқда.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаби кўпчилик ўсмирларнинг қаровсиз, назоратсиз қолганлигидир. Ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг аксариятининг ота-оналари хорижга ишлашга кетган. Борлари ҳам спиртли ичимликка ружу қўйиб, одамийлигини, оиласи ва фарзандлари олдидаги масъулиятни

https://buxdu.uz

унутганлардир. Бизнинг мақсадимиз ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олиш экан, аввало, жиноятга олиб борувчи омилларни бартараф этишимиз лозим.

Хулоса. Ушбу тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабаби оиладаги носоғлом муҳит. Шунинг учун ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашиши лозим. Ўсмирлик даврида суяги меҳнатда қотмаган, енгил-елпи, эмин-эркин ҳаётга ўрганган, эрка-тантиқ бўлиб ўсган бола безорилик ва фирибгарлик, ҳатто қотиллик жинояти содир этиши ҳолатлари хам учраб турибди. Фарзанднинг бу даражада тубанлашишига ким сабабчи? Биринчи навбатда, ота-онанинг ўзи, албатта. Қолаверса, бола ўсиб-улғаётган маҳалла фаолларининг, профилактика инспекторининг ҳам айби бор. Чунки оиладаги муҳит бирданига бу даражага етиб келмайди.

Сўнгги йилларда жамиятнинг барча соҳаларида (иқтисодий, сиёсий, маънавий) глобал ўзгаришлар содир бўла бошлади. Айниқса, бу даврда ёш авлоднинг, ўсмирларнинг кўпроқ хулқида ўзгаришлар содир этиб, уларда маънавий бўшлиқ ҳосил бўлишига олиб келади. Бундан ташқари ҳаракатларидаги тажовузкорлик, шафқатсизлик, алкоголизмнинг ўсиши, гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш, вандализм ва шунга ўхшаш ҳатти-ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлади.

Бугун бу каби жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан ўрганилиб, турли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бундай амалий руҳдаги ишлар келгусида, албатта, ўз самарасини беради.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олишда оила, таълим муассасалари педагоглари ва психологлари, маҳалла фаоллари ҳамда профилактика инспекторларининг ўрни жуда муҳим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «маҳалла билан профилактика инспектори ҳамкорлигини кучайтирмасдан жиноятчиликка қарши самарали курашиб бўлмайди». Агар ўз вақтида ёшлар тарбияси билан шуғулланилса, ҳуқуқий билимлар ўз вақтида онгига сингдирилса, уларнинг бандлиги таъминланса, бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун шароит яратилса, ўйлаймизки, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг кескин даражада камайишига эришамиз.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

5. Гозиев Э.Г. Умумий психология. – Т.: Университет, 2002.

6. Гозиев Э.Г. Фаолият ва хулк-атвор мотивацияси. – Т.: Университет, 2003.

7. Асадов Ю., Мусурманов Р. Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. – Тошкент. 2011.

8. Тулаганова Г.Қ. Девиант хулқнинг психологик коррекцияси. – Тошкент, Университет нашриёти, 2014. – 150 б.

9. Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси. Қарши. Насаф нашриёти, 2015. – Б 38-104.

10.Тўраев Б. Миллий маънавиятимизга таҳдидлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009 йил 2-сон, – Б 4-6.

https://buxdu.uz

Худойқулова Гулшода Бахроновна,
Бухоро давлат университети
Психология кафедраси катта ўқитувчиси

КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ШАХСЛАРАРО ФАОЛЛИК МОТИВАЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: *шахс ва унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири бу – мазкур имкониятларни рўёбга чиқиши учун хизмат қилувчи ижтимоий муҳит, гуруҳий фаоллик жараёнларидир. Мақолада кичик гуруҳлар доирасидаги шахслараро фаоллик мотивациясининг нечоғлик шаклланганлик даражаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш вазифаси долзарб эканлиги таъкидланган.*

Калит сўзлар: *кичик гуруҳ, фаоллик, фаоллик мотивацияси, гуруҳий идентификация, гуруҳий рефлекция, гуруҳий масъуллик, ижтимоий-психологик рельеф.*

Аннотация: *одним из основных факторов, которые делают людей и их социальную активность активными, является социальная среда, которая служит для реализации этих возможностей и является групповой деятельностью. статье подчеркивается актуальность изучения уровней мотивации межличностной активности в подгруппах и разработки методов исследования.*

Ключевые слова: *малая группа, активность, мотивация деятельности, групповая идентификация, групповое отражение, групповые обязанности, социально-психологическая помощь.*

Abstract: *One of the main factors that make people and their social activity active is the social environment, which serves to realize these opportunities and is a group activity. The article emphasizes the relevance of studying the levels of motivation of interpersonal activity in subgroups and the development of research methods.*

Key words: *small group, activity, activity motivation, group identification, group reflection, group duties, social and psychological assistance.*

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир ўқувчи шахсини, унинг ижтимоий-психологик табиатини, имкониятларини ва ўзига хос психологик истиқболларини айнан, у фаоллик кўрсатаётган кичик гуруҳлар доирасида талқин қилиш, ҳамда шу талқинлар асосида унга муайян даражадаги психологик хизматлар кўрсатиш таълим-тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Дарҳақиқат, шахс ва унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири, бу – шахснинг маънавий ва интеллектуал имкониятлари бўлса, иккинчиси эса мазкур имкониятларни рўёбга чиқиши учун хизмат қилувчи ижтимоий муҳит, гуруҳий фаоллик жараёнларидир. Бу жараённи тегишли ижтимоий-психологик меъёрлар асосида тадқиқ қилиш орқали бугунги кунда республика умумтаълим мактабларида психологик хизмат самарадорлигини таъминлаш масаласига жиддий эътиборни қаратиш, ҳар бир ўқувчи шахсини гуруҳий идентификация доирасида ўрганиш ва унга гуруҳий таъсир этувчи ўзига хос ижтимоий психологик омилларнинг таҳлил қилиниши бу борада жуда кўплаб таниқли психологлар, педагоглар, социологлар, файласуфлар ҳамда бошқа қатор соҳаларнинг вакиллари томонидан эълон қилинган эмпирик тадқиқотлар натижаларига таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин шундай бўлса-да, айнан кичик гуруҳлар доирасида ҳар бир ўқувчи шахсига ва бир бутун ҳолдаги ўқувчилар гуруҳига психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ махсус йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилишига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлигини ҳам сезмаслик мумкин эмас. Зеро, бугунги ўқувчилар жамоасидаги гуруҳий фаоллик мотивацияси имкониятларини чуқур илмий таҳлил қилмай туриб, ҳар бир ўқувчи шахси тараққиётини таъминлашга қаратилган тарбия йўналишларини белгилаб бўлмайди.

https://buxdu.uz

Чунки ўқув фаоллиги ва ўқув жараёнидаги гуруҳий фаоллик, шахс фаоллигини таъминловчи гуруҳий идентификация жараёнлари ҳамда буларнинг психологик хизмат доирасида ўрганилиши бир-биридан ажралган алоҳида ҳодиса эмас, балки улар бир-бирини тўлдириб турувчи ҳамда ягона, тадқиқот мақсадини амалга оширишга йўналтирилган назарий-таҳлилий жараён ҳамдир.

Умумтаълим мактабларида кичик расмий ва норасмий гуруҳлар доирасида психологик хизмат тизими орқали ҳар бир ўқувчи шахсидаги ижтимоий-гуруҳий фаоллик мотивацияси жараёнининг кечиши билан боғлиқ муайян кўрсаткичлар кўламини ўрганиш ва тадқиқ қилиш услуби ҳақида амалий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги боис бугунги кунда ўқувчиларнинг у ёки бу гуруҳ доирасидаги фаоллигига етарлича баҳо бера олиш масаласида бир оз қийинчиликлар юзага келмоқда. Ушбу кемтикликни тўлдириш ва маълум маънода бартараф этиш учун кичик гуруҳлар доирасидаги шахслараро фаоллик мотивациясининг нечоғлик шаклланганлик даражаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш вазифаси долзарб бўлиб келмоқда.

Кичик гуруҳлар доирасида шахслараро фаоллик мотивациясининг ўртача-умумий, қиёсий-типик кўрсаткичларнинг муайян ижтимоий-психологик мезонлар асосида тадқиқ қилиниши ҳамда қўлга киритилган эмпирик материалларга таяниб, респондентларнинг фаоллик даражалари билан боғлиқ ҳудудий, жинсий, ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларни яққол очиб бериш ва бундан ташқари ҳар бир усулий мажмуа асосида қўлга киритилган маълумотлар ўзаро илмий ҳамда мантиқий жиҳатдан умумлаштирилиши лозим бўлади.

Ижтимоий психологияда муҳим ўрин тутувчи кичик гуруҳлар доирасидаги ўқувчи шахси ва шахслараро фаоллик мотивациясининг таркиб топишига дахлдор бўлган мезонларнинг (гуруҳий масъуллик, жамоатчилик, гуруҳий жипслик, гуруҳий алоқадорлик, ўзаро самимийлик гуруҳий ташкилотчилик, ўзаро хабардорлик) бугунги таълим жараёнидаги, аниқроғи “тажриба” ва “назорат” объектларидаги ҳар бир ўқувчи ва аксарият кичик гуруҳлар аъзоларининг амалий фаолиятларида қай тариқа намоён бўлишини тасдиқловчи ўртача, умумий, қиёсий-типик кўрсаткичларни аниқлаш ва шу асосда муайян ижтимоий-психологик хулосалар чиқариш асосий мақсад қилиб қўйилди. Олинган ҳар бир натижа тадқиқот интиҳосида қайд этилган вазифаларнинг бажарилишига ва тадқиқотимиз илмий фаразини тасдиқлашга хизмат қилади.

Психологик хизмат доирасида кичик гуруҳларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий адабиётларнинг муайян бир тизимга келтирилганлиги ҳамда ушбу кемтикликни тўлдиришга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлигини инобатга олиб тадқиқотнинг дастлабки вазифаси сифатида хорижда, Россияда ҳамда Ўрта Осиёда бу борада олиб борилган ва олиб борилаётган ишлар тўғрисида тегишли ахборотларни йиғиш, уларни ижтимоий-психологик талаблар асосида тадқиқот мақсадларини белгилаб олиш масаласи қўйилди.

Танланилган тадқиқот методикалари ёрдамида психологик хизмат доирасида умумтаълим мактабларидаги расмий ва норасмий кичик гуруҳларда тадқиқот мақсадига мос равишда ҳар бир ўқувчи шахси учун характерли бўлган шахслараро гуруҳий фаоллик мотивацияси намоён этилишининг қиёсий-типик кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва мавжуд ижтимоий психологик қонуниятларга баҳо бериш масаласи муҳим ҳисобланади. Зеро, ўрганилган расмий ва норасмий гуруҳлар мисолида олиниши лозим бўлган барча маълумотлар шу гуруҳлар учун характерли бўлган ижтимоий-психологик имкониятлар кўламини очиб беришга хизмат қилади.

Методика: юқорида таъкидлаганимиздек, кичик гуруҳлар доирасида ҳар бир ўқувчи шахсидаги ва бутун гуруҳдаги (расмий ва норасмий) ижтимоий фаоллик мотивациясининг шаклланишини намоён этувчи ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлар кўламига баҳо бериш билан бирга бу жараён учун характерли бўлган психологик хизмат самарадорлигини аниқлаш, аниқроғи илмий таҳлиллар асосида унга баҳо бериш масаласи ҳам фаолиятнинг тўлақонли бўлишини таъминловчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, танланилган тажриба ва назорат объектлари мисолида кичик гуруҳларга психологик хизмат кўрсатишнинг нечоғлик самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ва унга илмий изоҳлар бериш масаласи илгари сурилди. Чунки, бугунги кунда кичик гуруҳлар доирасида психологик хизмат самарадорлигига эришмай туриб биз талқин қилаётган кичик гуруҳларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик истиқболларини етарли даражада башорат қилиб бўлмайди. Мазкур вазифани таниқли психолог Р.С. Немов шкаласи ёрдамида ишлаб чиқилган “ижтимоий-психологик рельеф

https://buxdu.uz

кўрсаткичлари"ни белгилаб берувчи методик ишланма асосида бажариш мўлжалланган. Мазкур тадқиқот талабига мувофиқ барча тажриба (n_1) ва назорат (n_2) объектларида гуруҳий, ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичларининг дастлабки ва якуний эмпирик маълумотлар мисолида олиниши лозим бўлган муайян мезонлар тизимидаги ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўринишлари тарзида таҳлил қилиш, ҳамда шу таҳлилларга таянган ҳолда бугунги ижтимоий-психологик тадқиқотлар истиқболи учун муҳим бўлган якуний хулосалар чиқаришнинг ниҳоятда муҳим эканлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий психологияда муҳим ўрин тутувчи кичик гуруҳлар доирасидаги ўқувчи шахси ва шахслараро фаоллик мотивациясининг таркиб топишга дахлдор бўлган мезонларнинг (гуруҳий масъуллик, жамоатчилик, гуруҳий жипслик, гуруҳий алоқадорлик, ўзаро самимийлик гуруҳий ташкилотчилик, ўзаро хабардорлик) бугунги таълим жараёнидаги, аниқроғи "тажриба" ва "назорат" объектларидаги ҳар бир ўқувчи ва аксарият кичик гуруҳлар аъзоларининг амалий фаолиятларида қай тариқа намоён бўлишини тасдиқловчи ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичларни аниқлаш ва шу асосда муайян ижтимоий-психологик хулосалар чиқариш асосий мақсад қилиб қўйилди. Олинган ҳар бир натижа тадқиқот интиҳосида қайд этилган вазифаларнинг бажарилишига ва тадқиқотимиз илмий фаразини тасдиқлашга хизмат қилади. Демак, юқорида белгиланган мезонларнинг тажриба (n_1) ва назорат (n_2) объектларида таҳсил олаётган ўқувчилар гуруҳидан олинган эмпирик маълумотларни бевосита таҳлил қиладиган бўлсак, жадвалларда қайд этилган рақамлардан яққол ва равшан кўринадики, "тажриба" объектларидаги барча еттита мезон бўйича намоён этилган "а" вариант кўрсаткичлари, барча "назорат" объектларининг "а" вариант кўрсаткичларига нисбатан бир мунча юқорироқ даражада намоён этилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида гуруҳий фаолликка ноадекват бўлган ("б" вариант) кўрсаткичларининг "тажриба" объектларида бир оз бўлсада кўпайиб бориш тенденциясини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки, кичик гуруҳларга бўлган алоҳида эътибор ва кичик гуруҳларга кўрсатилган махсус дастурдаги алоҳида психологик хизмат жараёни ҳар бир ўқувчидаги гуруҳий фаоллик ва гуруҳий ижтимоий идентификацияни бир мунча юқори даражада таъминлашга олиб келади.

Тажриба (n_1) ва назорат (n_2) объектларида ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичлари гуруҳий намоён этилишининг ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлари

(якуний эмпирик маълумотлар мисолида)

Мезонлар		Объект			
		(n_1) = 303		n_2 = 300	
		n_1	**%**	**n**	**%**
I	а	200	66,0	150	**50,0**
	б	103	34,0	150	**50,0**
II	а	201	67,0	164	**54,7**
	б	102	33,0	136	**45,3**
III	а	197	65,7	140	**46,7**
	б	106	34,3	160	**53,3**
IV	а	190	62,7	160	**53,3**
	б	113	37,3	140	**46,7**
V	а	209	68,7	170	**56,7**
	б	94	31,1	130	**43,3**
VI	а	188	62,0	189	**63,0**
	б	115	38,0	114	**37,0**
VII	а	190	62,7	200	**66,7**
	б	113	37,3	100	**33,3**
∑	**А**	**196**	**64,7**	**167**	**55,7**
	Б	**107**	**35,3**	**133**	**44,3**

https://buxdu.uz

Гуруҳий ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичлари бўйича барча олинган маълумотларнинг умумий таҳлилларига таянадиган бўлсак, барча назорат объектларидаги “а” вариант кўрсаткичларининг тажриба объектларидаги “б” вариант кўрсаткичларига нисбатан устунлигини кўриш билан бирга назорат объектлари учун белгиланган еттита мезонга нисбатан 1-ўрин 7-мезонга ўзаро хабардорлик, яъни 66,7% га тўғри келса, тажриба объектлари учун эса 1-ўрин ўзаро самимийлик, яъни 5-мезонга тўғри келади. Худди шундай, назорат объектлари мисолида охирги ўрин гуруҳий жипслик мезонига (3-мезон) тўғри келса (46,7), тажриба объектлари учун эса гуруҳий ташкилотчилик (62,0%) мезони нисбатан охирги ўринда туради. Шунингдек, “б” вариант кўрсаткичлари бўйича назорат объектларида 33,3 фоиздан 53,3 фоизгача кўрсаткичлар аниқланган бўлса, тажриба объектларида эса атиги 31,1 фоиздан 38,0 фоизгача бўлган миқдорлар кичик гуруҳ аъзолари учун характерли эканлиги маълум бўлди.

Гуруҳий фаоллик мотивацияларига адекват бўлган барча кўрсаткичлар кўламининг “тажриба” объектларида нисбатан юқори даражада эканлиги кузатилиб, бу кўрсаткич ўртача 64,7 фоизни ташкил этиш билан бирга 59,5-70.0% миқдоридаги оралиқ диапозонни ташкил этган бўлса, назорат объектларида эса белгиланган ижтимоий-психологик рельеф кўрсаткичлари миқдори ўртача 55,7%га тенг келиш билан бирга оралиқ диапозонлар кўлами эса 49,1-68,2 фоизни ташкил этиш билан характерланади. Эмпирик маълумотларга асосланган мазкур мулоҳазалар тегишли ижтимоий психологик қонуниятларга бир мунча ойдинликлар киритишга хизмат қилади.

Хулоса: умуман, тажриба объектларида ҳам, назорат объектларида ҳам кичик гуруҳларга аниқ йўналтирилган дастурларга асосланган психологик хизмат кўрсатиш тизимининг мавжудлиги ва бу имкониятдан ўз ўрнида ва ўз вақтида фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Мактаб амалиётчи психологлари учун ишлаб чиқилган психопрофилактик, психодиагностик ва психокоррекцион иш дастурларида кичик гуруҳларни алоҳида ўрганиш ва кичик гуруҳлар доирасига кирувчи ўқувчи шахсининг ижтимоий-психологик тараққиётини таъминловчи омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки, мактабдаги кичик гуруҳлар таркиби ва тараққиётини ўрганмай туриб инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган таълим-тарбия самарадорлигини етарли даражада таъминлаб бўлмайди. Шу боисдан умумтаълим мактабларидаги кичик гуруҳларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик имкониятларини кенг кўламда ўрганувчи, таҳлил қилувчи ва шу таҳлиллар асосида тегишли тарбиявий тадбирлар мониторингини олиб борувчи ягона тизим бу уларга психологик хизматлар кўрсатиш тизими эканлиги яққол намоён этилди.

Адабиётлар:

1. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. – М., 1994.
2. Алешина Ю.Е., Данилин К.Е., Дубовская Е.М. Спецпрактикум по социальной психологии: опрос, семейное и индивидуальное консультирование. – М., 1989.
3. Аминов Н.А., Молоканов М.В. Социально-психологические предпосылки специальных способностей школьных психологов //ВП, 1992, № 1-2.
4. Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 120 с.
5. Баротов Ш.Р. Таълимда психологик хизмат асослари. Монография. - Т.: Маънавият, 1999.
6. Баротов Ш.Р. Психологик хизматнинг назарий ва амалий муаммолари. - Бухоро, 2008.
7. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. –Т.: Наврўз нашриёти, 2018. – 344 б.
8. Немов Р.С. Психология Кн.1. – М: Гуманитарный издательской центр ВЛА ДОС, 1997 – 528 с.

https://buxdu.uz

Избуллаева Гулчеҳра Валериевна,
Бухоро давлат университети Педагогика факультети
Педагогика кафедраси ўқитувчиси (PhD)

Расулова Зилола Дурдимуротовна,
Бухоро давлат университети
Педагогика назарияси ва тарихи мутахассислиги II босқич магистранти

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВ

Аннотация: *ушбу мақолада меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш омиллари, педагогик фаолиятда меҳнат таълимига психологик ёндашувнинг аҳамияти асосланган. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитларини яратилиши очиб берилган ҳамда меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини шакллантириш тузилмаси ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *компетентлик, педагогик маҳорат, педагогик қобилият, индивидуаллик, ривожланиш, танқидий ва ижодий ёндашиш, касбий билим, кўникма ва малака.*

Аннотация: *в этой статье обоснованы факторы и значения развития профессиональный компетентности у учителей трудового обучения и показано значения психологического подхода в педагогической деятельности. Сформулировано схема развития творческой индивидуальности учителя трудового обучения и раскрыто совершенствование психологико-педагогических условий и профессиональной компетентности у учителя трудового обучения.*

Ключевые слова: *компетентность, педагогическое мастерство, педагогический талант, индивидуальность, развития, критический и творческий подход, профессиональное знание, навыки.*

Abstract: *in this paper the factors and importances of the development of a professional competence of teachers in labor education have been discussed and the importance of the psychological approach in pedagogical activity has been shown. The developing scheme of the development of a creative individual teacher in labor education has been formed and the improvements of psychological and pedagogical conditions as well as the professional competence of the teacher in labor education have been revealed.*

Key words: *competence, pedagogical skill, pedagogical talent, individual, developments, critical and creative approach, professional knowledge, skills.*

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кундаги глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот коммуникация кун сайин ривожланиб бориши XXI аср ўқитувчисидан касбий маҳоратни, ўткир иродани, педагогик-психологик билимларни, ўз фанини чуқур билишни ва юксак тафаккурни, сиёсий саводхонликни, фикрлаш доираси кенг ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ўқитиш шаклларининг оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим. Зеро, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ғояларини амалиётга тадбиқ этиш, мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўқитувчини касбий шакллантириш, олий таълим муассасаларида уларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш муаммоси

https://buxdu.uz

алоҳида долзарблик касб этади. Бу ўринда меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентлиги шаклланишининг педагогик-психологик асосларини аниқлаш муҳимдир.

Психологик нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир ўқитувчи жумладан, меҳнат таълими ўқитувчиси юксак маҳорат эгаси бўлиши учун касбий компетентлиги ривожланган бўлиши шарт. “Компетентлик” бу ўзи нима, деган савол туғилади. **“Компетент”** (инглизча, “competence”-“қобилият”) фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишдир.

“Компетенлик” тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаликни англатади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий компетентликка эга бўлиш учун ўз устида кўпроқ ишлаши ва ўз-ўзини ривожлантириши муҳим аҳамиятга эга. Бундай вазифалар эса ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини- ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Масалан; мутахассиснинг ўз устида ишлаши қуйидаги ҳолларда кўринади:

- Касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириб бориши; бунда дарс жараёнларига инновацион ёндашиши, инновацион янги ғояларни ишлаб чиқиши ва уни таълим-тарбия жараёнларига тақдим этиши.

- Фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш; ўз-ўзидан кўриниб турибдики, психологик ёндашувни талаб қилади. Ўқитувчининг ижодкорлик қобилияти таълим олувчилар эгаллаётган билимларининг мукаммаллигини таъминлаш, уларда фаол мустақил фикрловчи шахс сифатларини шакллантириш, ақлий қобилятларини ривожлантиришдир. Ижодиётга ўқувчиларни йўналтиришда биринчи навбатда, миллий халқ ҳунармандчилигига, анъаналарнинг миллий эстетик манбаига ёғоч ўймакорлиги ва ҳунармандчиликнинг бошқа турларига эътибор қаратиши лозим.

- Касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш: ҳозирги бозор иқтисодиётига хос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш каби ишлар меҳнат таълими ўқитувчисига касбий ҳамкорлик томон йўл очади.

- Ишчанлик қобилиятларини ривожлантириш: ўсиб келаётган ёш авлодга техник ижодкорлик қобилиятларини, техника сирларини англатиши ва шу йўналишда таълим берса, республикамизда фан ва техника ютуқларига таяниб иш кўрилса, унинг илдизини янада чуқурроқ тушуниб, келажакда кучли техник мутахассислар, фан ва техника ютуқларига ўз ҳиссасини қўша оладиган пировардида эса шу ёшларни чет эл маҳсулотлари ва асбоб-ускуналаридан кучлироқ машиналар, маҳсулотлар яратиш қобилиятларига эга қила олса, бундай меҳнат таълими ўқитувчиси ҳақиқий касбий компетенлиги юқори ҳамда юксак даражадаги моҳир касб эгаси бўла олади.

Психологик ёндашувларга асосан меҳнат таълими ўқитувчисининг фаолияти самарали бўлиши педагогик маҳоратга эришиш учун ўқитувчида қуйидаги қобилиятлар шаклланган бўлмоғи ва тарбиялаб етиштирилмоғи лозим:

Билиш қобилияти – мутахассис барча ўқувчиларнинг характер хусусиятларини тўлиқ англай олиши, унинг меҳнатга бўлган муносабатларини, қизиқиши каби бир қанча омилларни билмоғи даркор.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг кузатувчанлик қобилияти – бу қобилият тури ўқитувчиларнинг ўқувчиларни ҳар томонлама кузата билиши, масалан, ўқувчи қайси касб-ҳунарга кўпроқ эҳтиёж сезаяпти, унда бўлган қобилиятни кузатишлар орқали сеза олиши.

Нутқ қобилияти – бу қобилият барча ўқитувчида ривожланган бўлиши лозим. Агар нутқини тўғри ифодалай олмаса, демак бундай ўқитувчи моҳирликка эриша олмайди, бу учун юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўқитучи кўпроқ ўз устида ишлаши, изланиши, бир хилликда тўхталиб қолмай адабиётларни кўпроқ мутолаа қилиб туриши керак.

Ташкилотчилик қобилияти – бу қобилият тури ўқитувчини ташаббускорликка ундайди. Айниқса, меҳнат таълими ўқитувчисида одатий ҳол бўлиб, дарс жараёнларида, дарсдан ташқари

https://buxdu.uz

тўгарак машғулотларида, янги ғоялар яратиб, яратган ғоялар асосида турли кўргазмалар, тадбирлар ташкил қилиб ўқувчиларнинг фанга бўлган иштиёқини орттиради.

Обрў орттира олиш қобилияти – меҳнат таълими ўқитувчиси ижодкор бўлиши билан бирга қилган меҳнатларини оммалаштира билиши, ундан бошқаларни ҳам завқлантира олиши билан ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонади.

Тўғри муомала қила олиш қобилияти – ўқитувчи биринчи навбатда муомала маданиятига эга бўлиши даркор. Ўқувчилар билан мулойим оҳангда суҳбатлашиши, уларнинг салбий томонларини яшириб ижобий томонларини гапириши, ўқувчини камситмаслиги бу ўқитувчининг маҳоратини янада оширади.

Юқоридаги психологик ёндашувлардан кўриниб турибдики, ўқитувчи педагогик қобилиятга эга бўлсагина, унинг касбий компетенлиги ҳам юқори бўлади.

Ўқитувчи касбий шаклланишида муҳим ўрин тутувчи ижодкорлик қобилияти ва унинг шаклланишини тадқиқ қилиш, қатор илмий изланишларда махсус ўрганиш предмети бўлиб хизмат қилган. Бу ҳодиса педагогик фаолият субъекти томонидан шакллантириладиган, мотивацион, интеллектуал, ҳиссий, иродавий, амалий ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш каби сифатлар орқали таърифланади. Бу ўз-ўзидан меҳнат таълими ўқитувчисидан касбий ижодкорликни талаб қилади.

Касбий ижодкорлик олий тавсиф сифатида қаралади. У ижодий хусусиятга эга шахсий категория бўлиб, ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради:

– интеллектуал-ижодий ташаббускорлиги;

– интеллектуал қобилиятлар, билимлар кенглиги ва чуқурлиги;

– зийраклик, қарама-қаршиликларни сеза олиш, ижодий иккиланишга мойиллик, ички яратувчанлик курашини ҳис қилиш қобилияти;

– ахборот етишмаслиги, янгиликни ҳис қила олиш, муаммоларда ўзига хосликни кўра олиш, касбий маҳорат, билишга ўчлик.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шароитлари қарама-қаршиликни ҳис қилиш, уларни ечимини топишда ўзига хослик ва мақсадга мувофиқликда, касбий нуқтаи назарининг таркиб топишида намоён бўлади. Демак индивидуаллиги ривожланган ўқитувчи тўлалигича ўз кучига таянади ва бу билан у эркин ва мустақил фикрловчи педагог сифатида намоён бўлади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги, иродавий сифатлар, интеллектуал салоҳият, ҳиссий сифатлар, амалий кўникмалар, ўз-ўзини бошқара олиш лаёқатининг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасини акс эттирувчи индивидуал сифатлар асосида шакллантирилади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси касбий шаклланиши ҳодисасига талаба индивидуаллигининг намоён бўлиши сифатида ёндашиш нафақат у ёки бу вазиятларда индивидуалликнинг намоён бўлишидаги турли-туманликни кўзда тутади. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиши узоқ муддатли жараён бўлиб, уни қуйидаги бир неча босқичга ажратиш мумкин:

а) меҳнат таълими йўналишида умумкасбий ва мутахассислик билимлари асосларини ўзлаштириш; б) меҳнат таълими бўйича ўзлаштирилган назарий билимларнинг амалий-лаборатория машғулотлари, шунингдек, педагогик амалиёт жараёнида амалий кўникма ва малакаларни шаклланишига эришиш; в) таълим муассасаларида меҳнат таълими йўналишида меҳнат фаолиятини олиб бориш даврида ўз устида мустақил ишлаш, ижодий изланиш асосида умумкасбий ва мутахассислик билимларини такомиллаштириш; г) педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ёки факультетларида таълим олиш ёрдамида касб таълимини самарали ташкил этишнинг замонавий методик ва технологик ёндашувлари моҳиятидан хабардор бўлиш каби бир қанча босқичлардан иборат.

Психологик тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, касбий ва билиш фаолияти мотивларининг ўзаро бирикмаси юқори даражадаги интилиш билан боғланиши ўқув фаолиятининг муваффақиятли амалга ошиши учун энг қулай шароитни юзага келтиради. Шу билан бирга бошқа тадқиқотларда ҳам шуни кўриш мумкинки, талабалар учун хос ва улар ўқув фаолиятининг муваффақиятини белгиловчи мотивларнинг ўзаро бирикмаси, билиш ҳамда

https://buxdu.uz

касбий мотивларнинг бирикмасидан иборатдир. Ўқитувчилар ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англашлари керак.

Бундан ташқари меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий компетенлигини шакллантиришда қуйидаги психологик-педагогик шарт-шароитларнинг яратилиши асос сифатида олинади:

- меҳнат таълими ўқитувчисида машғулот, мавзу, мақсад қўйиш, мақсадларни табақалаштириш ва интеграциялаш, мазмуннинг дидактик элементларини, уларнинг турларини ажратиш, талабаларнинг фаолиятини, мақсадини унга мос амалиётда ўтказиш;
- ўқув жараёнини ўрганишда тизимли мазмуний таъминот ва ўқитувчида ўқув материалини танлаш, композициялашни амалга ошириш, уни табақалаштириш ва интеграциялаш, мазмуннинг дидактик элементларини ва белгиларини ажратиш, мазмунни ва унинг фрагментларини ўқитиш мақсадлари билан мувофиқлаштириш, мазмунни моделлаштириш, талқин қилиш ва тизимлаштиришни назарда тутади;
- ўқув жараёнининг мослашувчан ташкилий методик таъминоти бўлажак ўқитувчига қўйилган мақсадларга, ўрганилаётган мазмунга, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос ўқитиш методлари мажмуини танлашни амалга ошириш, тегишли ўқув вазиятли ва ўқув топшириқларни шакллантириш;
- ўқув курсини ўрганишда конструктив операцион-фаолиятли йўналганлик-бу бўлажак ўқитувчида унинг ижодий қобилиятлари, муаллифлик ниятлари, рефлексияни ривожлантириш, ўқув жараёнининг вазифавий структураси имкониятлари, ўқитувчилар ва талабаларнинг диологик ўзаро таъсирини ҳисобга олиб, лойиҳалаш ва конструктив уқувларини тарбиялаш учун шароитлар яратиш;
- ўқув фанини ўрганишда мотивацияли аҳамиятли йўналиш - бунда ўқув фани лойиҳасини ишлаб чиқишга турғун қизиқиш ва мотивацияни ривожлантириш. “Ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш” тушунчасига берилган таъриф ва тавсифларни умумлаштириб, уни қуйидагича талқин этиш мумкин.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлиги шаклланганлиги – педагогнинг фаолиятида касбий компетентлик муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, педагогнинг фақатгина меҳнат ва касбий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ барча эҳтиёж, қобилият, маҳорат, билиш, қизиқишларини ифодалайди бундан кўриниб турибдики, умумий ривожланиш барча эҳтиёжлар мажмуасини, унинг борлиққа, атрофдагиларга ва ўзига нисбатан муносабатлари тизимини ифодалайди.

Хулоса. Юқоридаги психологик ёндашувлар асосида келтирилган фикрларни таҳлил қилиш меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетенлигини ривожлантириш ҳақидаги қуйидаги асосий фикрларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

- касбий компетентлик биринчидан ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятини ифодалайди.
- иккинчидан, касбий компетентликни ривожлантириш нафақат якуний, балки ўқув – тарбия жараёнида ҳам ўқитувчининг, ҳам ўқувчиларнинг қайта ўзгариш жараёнини аниқлайди.
- учинчидан, касбий компетентликни ривожлантириш ўқитувчи тафаккурининг шаклланиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, тайёргарлик мазмуни меҳнат таълими ўқитувчисининг муҳим шахсий хусусиятларини шакллантиришнинг педагогик – психологик шарт-шароитларини аниқлаш эҳтиёжларини юзага келтиради.

Бўлажак ўқитувчи касбий шаклланишининг юқорида кўрсатилган таркибий омилларининг яхлитлиги фикрлаш ва педагогик фаолиятни янги асосларда шакллантиришни таъминлайди, бу эса унинг бетакрор касбий тажрибаси аҳамиятининг ортишига олиб келади.

https://buxdu.uz

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлик даражаси

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997. – 60 б.

2. Xoliqov A. Pedagogik mahorat. Toshkent:. IQTISOD-MOLIYA, 2011.

3. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Тошкент: – 2015.

4. Давлетшин М.Г. Ўқувчиларда қобилиятни таркиб топтириш. – Т.: Ўқитувчи, 1996 й.

5. Абдуллаева Қ.М. Касбий фанлар орқали талабаларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш // Ж. Педагогик таълим. 2004. – №6. – 38-40 б.

6. Душабоев Х.А. Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигининг шаклланиш тузилмаси. Замонавий физика ва астрономия ютуқлари: муаммо ва ечимлари. – Т.:ТДПУ – 2011. – 205 б.

https://buxdu.uz

Олимов Ширинбой Шарофович,
БухДУ “Педагогика” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор

Абдукаримов Ҳабибулло Абдукаримович,
ГулДУ “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди,

СОҒЛОМ ОИЛА-СОҒЛОМ ЖАМИЯТНИНГ АСОСИ

Аннотация: *ушбу мақолада соғлом оила-соғлом жамиятнинг асоси эканлиги ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *оила, соғлом, жамият, бола, руҳият, аждодлар.*

Аннотация: *в статье раскрываются основные направления «Здоровая семья-здоровое общество». В ней подчёркиваются существенные особенности, свойственные здоровой семье.*

Ключевые слова: *семья, здоровье, общество, дети, духовность, матери, существенность, поколение.*

Abstract: *the article describes the main directions of “A healthy family is a healthy society” idea. It emphasizes the essential features peculiar to a healthy family.*

Key words: *family, healthy, society, children, materiality, generation.*

Оилавий муҳит қанчалик соғлом ва барқарор бўлса, жамият ҳам Ватан қудрати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шунга кўра “Соғлом оила“ масаласи кўп фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Айниқса педагогика, тиббиёт, психология, фалсафа, социология каби ва бошқа бир қатор фанлар жамият равнақи ҳамда келажаги бўлган, оила мазмунини белгилайдиган “соғлом бола” яъни Ҳазрати инсон келажагини таъминлаш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш, бир гап билан айтганда соғлом тарбиялаш билан кенг қамровда шуғулланади.

Соғлом оилани соғлом боладан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Ҳадиси шарифда: 1) туғилган гўдакка чиройли исм қўйиш, унга чиройли одоб ўргатиш(одобнинг боши тўғри саломлашишдан бошланади); 2) ҳалол-ҳаромнинг фарқини уқтириш; 3) касб-ҳунарли қилиш; 4) оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи алоҳида кўрсатилган. Бу жараённинг мазмуни соғлом оилани ифодалаб мамлакатимизда тизимли равишда оилавий қадрият даражасига кўтарилган.

Оилада ҳар ким ўзининг ўрни ва ҳурматини билиши, бобо, момо,(эна), ота-она, фарзанд, ака-ука, опа-сингил, қариндош ва қўни-қўшничилик одобига риоя қилиш авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб келаётган миллий тарбиявий анъаналар ҳисобланади.

Шунга кўра оилада катта авлоддан, яъни бобо-момолардан фарзандларга, набираларга меҳр-оқибатли бўлиш, ҳалоллик, тўғрисўзлик, ўзаро ҳурмат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик ва айни пайтда тозалик, шахсий гигиенага амал қилиш каби фазилатлар изчиллик тамойили кўринишида оилавий ҳаётнинг халқчил анъаналарига айланган ҳолда ўтиб келмоқда.

Бундай соғлом руҳиятга ундовчи оилавий қадриятлар ҳамда анъанлар ўзбекона оилавий маънавиятнинг таркибий қисмини бойитиб, айниқса, эр-хотин муносабатини безайди, гўзаллаштиради, мустаҳкамлайди ҳамда аждод ва авлодларни бир-бири билан боғлайди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-муҳаббат, ор-номус ва андишалик каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”.

https://buxdu.uz

Ҳа, инсоният тарихининг энг буюк маънавий ютуқларидан бири оиланинг шаъни, ор-номусини англаш, уни ҳимоя қилиш ва кейинги авлодга етказишдир. Эр, ота оила бошлиғи, ҳимоя қўрғони, оила юкини тортувчи, оиланинг таъминотчиси, жисмоний ёки оғирроқ меҳнатни бажарувчи, ақл-идрок ила иш юритувчи дегани. Аёл, она эса сабр-тоқат билан оилавий юмушларни, оила парваришини бажарувчи, пазанда, рўзғорда тартиб-интизом ва тозаликни сақловчи, жуфти ҳалолининг ҳурматини жойига қўювчи, ғам ва кулфатда сирдош, елкадош, фикрдош, ҳамроҳ, оиладаги ўрни билан ибрат бўлувчи оқила инсондир. Айниқса, аёл эрининг сирини сақловчи, оиладаги у бу гапларни ўзгаларга билдирмайдиган, тежамкор ва ғамхўр бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса, аёл қайнонаси, қайнотаси, овсинлари ҳамда эрининг қариндош-уруғлари, дўстларига ғамхўр ва илтифотли бўлишига қараб ақли, сабр-тоқати тоғдек келадиган муаммоларни енга олишга қодир деймиз.

Таассуфки, юқорида таъминотчилик вазифаси эркак зиммасида дедик. Аммо у ҳеч бир сабабсиз уйда ўтириб олиб ўрнига аёлини ишлашга мажбур этса, бечора хотин оиламни боқаман, едириб-ичириб, кийинтираман деб бозор-ўчарда кунини ўтказса, ёмони, юртма-юрт сарсон-саргардонликда кезиб, куни-тун хавотирликда умргузаронлик қилса, оила масъулияти ва раҳбарлиги зиммасидан соқит этилмаса, аёллик, оналик қиёфаси, шаъни нима бўлади?

Болалар тарбиясидаги муаммолар, қаровсизлик, носоғлом муҳит, кўнгилсиз воқеалар онани оилада "йўқлиги"дан келиб чиқмайдими? Айниқса, ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиши, тарбияси оғир болалар муаммоси ҳамон долзарблигича қолиб кетмоқда. Бундай ҳолатлар кўпроқ мигрант оилаларда кузатилмоқда.

Онани мўъжиза, муқаддас инсон дедик. Шундай экан, оилада соғлом муҳитни бўлишида онанинг ўрни беқиёслигини яна бир қатор таъкидлаб ўтиш жоиздир. Отанинг ҳам, онанинг ҳам ўз ўрни, мавқеи оилада сусайса ёки йўқолиб борса, бу жараён албатта фарзанд тарбиясида акс этади. Дарҳақиқат бугунги кунда қисман бўлсада оталарнинг ўрни, обрўси оилада пасайиб бораётганлиги сезилиб келмоқда. Ишсизлик, ичкилик, бекорчилик, боқимандалик кайфияти салбий омил сифатида қайд этилмоқда. Олимларнинг кўрсатишича хулқ-атвор кўпроқ онадан характер отадан, қиёфа ҳар икки томондан ўтар экан. Энди тасаввур қилинг қиёфа ирсий омил сифатида бўй бергани билан ота ичиб олиб, оилада жанжал, безовталик, асаббузарлик қилса, бундан она ва фарзандлар азият чекса, тарбия масаласи нима бўлади? "Қуш уясида кўрганини қилади", отанинг аҳволини кузатган ўғил фарзанднинг кўнглидан нима гаплар ўтади? Қиз фарзанд ота ҳақида қандай хаёлларга бориши мумкин? Ўғил бола бош фарзанд бўлса, отанинг ёнига кирмоғи, унга ёрдамчи бўлмоғи, отага тақлид қилмоғи керак эмасми? Қадимдан ота шахси улуғланган. Ота дастурхоннинг тўрида ўтирган. Ота ҳал қилувчи фикрни билдирган. Ота ўтирган уйнинг томига фарзанд чиқмаган. Отадан оқ фотиҳа олиб фарзанд йўлга чиққан. Ота ҳамиша тарбияда ибрат-намуна кўрсатган.

Оиланинг соғлом бўлиши кўпроқ эркак кишининг қўлида. Аллоҳ таоло эркакни руҳан ва жисмонан бақувват қилиб бежизга яратмаган. Оиланинг масъулияти, бахти, тахти эркак зиммасига юклатилган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай изоҳлайди: " Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб-Аллоҳ уларнинг айримлари (эркакларни айримлари аёллардан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сафар қилиб туришларидир" (Нисо сураси 34-оят). Демак, оила шунчаки кун кечирадиган, рўзғор тебратаётган макон эмас, балки инсон бўлиб яшашнинг асосини белгиловчи мезондир. Маълумки, оилавий тарбияда онанинг ҳулқ-атвори қизга кўчади. Шунга мувофиқ доно халқимиз "Онасини кўриб қизини ол", дейишади. Қиз бола тарбиясида унинг маънавий сифатларини ташкил этувчи асосий белгилар: ҳаё, иффат, одоб, оқилалик, сарамжон-саришталик, ибо, камтарлик ва нафосатлиликдан иборат. Ўғил бола тарбиясида жасурлик, мардлик, иродалилик, ватанпарварлик, ғайрат ва шижоатли бўлишлик каби сифатлар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо қиз болани кузатувчи кўзлар кўп. Унинг ақл-заковати, ўқимишлилиги, қадди-қомати, хулқ-атвори, оилавий ҳаётга қай даражада тайёрлиги суриштирилади. Қиз болага баҳо беришдан аввал унинг онасига баҳо берилади. Узоқ-яқиндан "фалон шаҳар ёки қишлоқнинг фалон маҳалласида бир қиз бор экан", деб гап бошлашади, ўзаро суҳбатлар чоғида. Гап асносида " кийимлари ҳам ўзига ярашиқли, одми, ўзига мос", деб қистириб ҳам ўтишади. Бу ўринда янгалар ва қўни-қўшниларнинг фикрлари кўпроқ аҳамиятли бўлиб чиқади. Чунки қиз болани

https://buxdu.uz

қандай тарбия топганлигини баҳоловчи асосий экспертлар шулар. Яъни янгалар, овсинлар, қўшнилар, дугоналар, қариндошлар, синфдошлар ҳамда жумладан тарбия муассасасининг ходимлари бўлишади.

Ҳа, қиз боланинг иши нозик. Аллоҳнинг ўзи асрасин. Биронта ортиқча сўз (ёки кўролмаслик, ҳасад) билан қиз болани айбсиз айбдор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу ўринда қиз бола тарбиясида асосий гап, яъни асосий масъулият яна она зиммасида бўлади. Тарбияли, эътиборли, меҳнатсевар она ҳамиша қизларини ўзи каби бўлишини ёки яхши инсонларга ўхшашини истайди. Бор билим ва тажрибасини фарзанд тарбиясини тўкис, бекаму кўст бўлишига сарфлайди. Бу ўринда қиз бола тарбиясида отанинг, қариндош-уруғ, маҳалла, тарбия муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни борлигини яна бир карра қайд этиш лозим.

Инчунун соғлом оила деганда фақат жисмоний соғликни назарда тутиш, масаланинг моҳияти ёки муаммо ечимига бир томонлама ёндашишдан иборат бўлади. Оиланинг соғломлиги оилавий муҳитнинг, айниқса, ота-онанинг руҳий ва маънавий-аҳлоқий соғломлиги билан боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Инсоннинг дунёга келиши, унинг тарбияси ижтимоий ҳодиса бўлса, ҳаётда қиз бола тарбияси, она тарбияси, унданда ўта муҳим ва ўта нозикдир. Бола туғиш, уни эмизиш ва катта қилиш қандайдир ўз-ўзидан кечадиган жараёнга ўхшаб кетади. Аслида бўлажак онани, айниқса, у ёш, тажрибасиз бўлса, унинг саломатлигини мухофаза қилиш илмий асосланган чора-тадбирлар белгилаш муҳлатини ўз ичига олади. Бўлажак она саломатлигини таъмин этувчи комплекс тадбирлар, гигиеник шарт-шароитлар, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб бориш, меъёрида озиқланиш, ухлаш, жисмоний ҳаражатлар, тоза ҳаво ва қуёш нуридан баҳраманд бўлиш каби омиллардан ташқари, бўлажак онанинг яхши кайфиятда бўлиши, яхши ният ва орзулар қилиши ҳомила ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Баъзи оилаларда ота-она, қайнона ва қайноталар тушуниб-тушунмай бу масалага бир томонлама ёндашишади. Айниқса бўлажак онани тўйиб ухлолмаслиги, кундалик режимга амал қилмаслик, жисмонан қалтис ҳаракатлар, асабийлашув, баъзан руҳан азоб чекиш каби ҳоллар ҳомила ривожида ўзининг асоратини кўрсатмай қолмайди. Демак, бўлажак онанинг ҳомиладорлик даври ўзига хос тиббий-тарбиявий жараённи ўз ичига қамраб олади. Ҳомиладорликда она организимида кечадиган нормал физиологик ўзгаришлар табиий-биологик ҳолат ҳисобланиб, аксарият ҳолларда бўлажак она руҳиятидаги ўзгаришлар организмдаги физиологик жараёнга ўз таъсирини кўрсатади. Бунга биргина мисол тариқасида Америкалик олимларнинг аборт олдидан ҳомиланинг ҳолатини ультра товуш сигналлари ёрдамида кузатишлари, яъни эмбрионнинг нақадар қийналиб, “дод фарёд” билан илтижо қилганини қайд этиб ўтишнинг ўзи кифоя. Қарангки, эмбрионда ҳали бош мия ярим шарлари пўстлоғи шаклланиб улгурмаган бўлсада, ўзига хос руҳий-ҳиссий реакция шаклланиб бораётганлиги исботланган. Шунга кўра аборт масаласи ва унинг она организимига зарарли таъсири тиббиёт илмида алоҳида ўрганилган. Бу ҳақида соҳа мутахассислари қиз бола тарбиясида ва бўлажак онанинг тиббий кўрикдан ўтиш даврида тарбиявий профилактик ишларини олиб боришлари етакчи омил бўлиб қолмоқда.

Дунёга келган болани эмизиш, эркалаш, меҳр бериш, алла айтиш бевосита онанинг нозик ҳис-туйғулари, руҳий-тарбиявий ҳолати билан боғлиқ. Айниқса чилла сақлаш, қирқ кунга қадар она-болани эҳтиёт қилиш, бегоналар ва жумладан қариндош-уруғларни киритмаслик удуми яхши тарбиявий омил ҳисобланиб, чилла даврида она бир оз қувватга тўлиб олса, бола ҳар ҳолда ташқи муҳит, оила шароитига мослашиб олади. Қирқ кундан кейин чиллақочди маросими ўтказилиб, сўнг қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар она-болани йўқлаб келишади. Бу удум қадим-қадимдан ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Табиийки, бола туғилгандан эътиборан она меҳри ҳис-туйғуларига эҳтиёж сезади. Она болага меҳр бериш баробарида доимо болани эркалатиб гапириб, мимик ҳаракатлар билан суюши лозим. Баъзи ёш, тажрибасиз оналар болага меҳр беришга интилсада, гапирмасдан суйиш билан чекланишади. Бу нотўғри ёндашув ҳисобланади. Бола қанчалик кўп гапга солинса, бош мия ярим шарлари пўстининг эластиклиги тез ривожланиб, келгусида эрта тили чиқишга асос бўлади. Шунга кўра она меҳрига ва ҳидига тўйган бола руҳан тетик ҳамда бардам бўлиб улғаяди.

Бешик боласи-бек боласи, дейишади. Бешик боласига ҳар доим оналаримиз алла айтишган. Алла-мангулик мадҳияси. Унинг сиру синоати ҳали тўлиғича очилмаган. Бу ўринда бўлажак оналаримизни аллани билишлари муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Аллада барча

https://buxdu.uz

донишмандларимиз топган ва ҳали топилмаган руҳий-маънавий озуқа яширинган. Бу тажриба алоҳида оммалаштирилиб, бугунги кунда мактабларда байрам тантаналарда, айниқса, Наврўз байрамларида алоҳида ўқувчи қизлар томонидан ижро этилиб келиниши қувонарли ҳол ҳисобланади.

Қайд этилганидек, эндиги болаларга янгича тафаккурдаги оналар керак. Компьютер техникаси, интернет тизими, инглиз тилини биринчи синфдан ўрганиш, бугунги ёш оналаримиз(ёки бўлажак оналар) олдига алоҳида масъулият юклайди. Акс ҳолда ўзининг болажонлари саволларга жавоб бера олмай уялиб қолишлари ҳеч гап эмас. Ҳа, ҳадисларимизда "Бешикдан қабргача илм ўрган", деб бежиз айтилмаганда! Шунинг учун бугуни соғлом руҳиятли болажонларимиз тарбиясида маърифатли, юксак маънавиятли, зукко оналар ҳамда оталар керак. Бу ўринда Биринчи Президентимизнинг "Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади" деган доно фикрларини ҳамиша ёдда тутишимиз лозим. Қолаверса, Жаҳон соғлиқни сақлаш стандартига билимсизлик-саломатликка таҳдид сифатида киритилган.

Тарбия мавсумий жараён эмас. Бола тарбиясида муҳит бош мезон бўлиб қолмаслиги лозим. Соғлом ўзакнинг қудратли бўлиши учун фақат тарбия керак. Шунга кўра оналик бағоят мураккаб ижтимоий вазифа. Бу вазифанинг асосини келажак авлод тарбияси ташкил этади. Дунё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши ҳар қандай маънавиятнинг асосини комил инсон тарбияси ташкил этишини кўрсатиб турибди. Комиллик аёлга бўлган муҳаббатдан бошланади. Ҳаётининг ибтидоси ҳам аёл. Она ўз жонидан жон ундирса, устоз-муаллим қалб қўри билан шогирд тарбиялайди. Шифокор эса илм-тафаккури ва тажрибаси ила бемор қалбига йўл топади. Аёл шоҳ бўлишни орзу қилмайди. Бўлажак Ватан посбонлари туғишни ва уларни соғлом қилиб вояга етказишни орзу қилади. Шунга кўра она ва тарбиячининг ўзи маънавий соғлом бўлиши керак. Қолаверса, бу борада тарбиячи ва тиббиёт муассасаларининг изчил ҳамкорлиги соғлом она тарбиясининг муҳим омили саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Яратганнинг бебаҳо мўжизаси бўлган азиз аёлларимиз, қадрли оналаримиз, меҳрибон рафиқаларимиз, мунис опа-сингилларимиз, севимли қизларимиз ва набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтишда олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамиша чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар.

Сизларнинг оналик меҳрингиз ва саховатимиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатимиз учун биз сизлардан умрбод қарздормиз", -деб алоҳида таъкидлаган.

Оилада соғлом наслни яратиш, никоҳолди тиббий кўрикдан ўтишнинг афзалликларини тушунган оилада туғилаётган соғлом фарзандлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимизда никоҳ ёшига бўлган муносабатлар ҳам ўзгарди. Бу ўринда қизларнинг никоҳ учун энг мақбул бўлган ёш даври 20-23 ёш оралиғини ташкил этмоқда. Йигитларни никоҳга кириш ёши ўртача 23-25 ни ташкил қилади. Йигит ва қизларимизни замонавий касб ва ҳунарларни эгаллаб, сўнг турмуш қуришлари оила манфаати ва эҳтиёжини қондиришда муҳим омил ҳисобланади. Қолаверса, бир-бирини тушуниб, замонавий маълумот эгаси бўлиб қурилган маданий оилалар, ўйлаймизки, умрбоқий бўлади. Биз соғлом оилаларнинг жамиятга педагогик-психологик таъсирини аниқлаш учун тадқиқот ишлари олиб бордик. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида биз ўрганаётган оилаларнинг ижтимоий-психологик таснифини улардаги мавжуд оилавий анъаналар, миллий удумлардан қайси бирлари сақланиб қолган ва қандай расм-русмлар қадрланишини аниқлашдан бошладик. Бу мақсадда стандартлашмаган сўров услубидан ҳамда махсус варақадан фойдаландик. Стандартлаштирилмаган сўров услубининг ўзига хослиги шундаки, бунда изланувчи сўралувчиларга билан аниқ саволлар алгоритмини тақдим этмайди. Шунинг учун биз оилаларнинг деярли барчасида ота-оналар ва уларнинг нуроний оналари ва бувалари билан ўша ўз оилаларидаги мавжуд қандай ўзига хос удум, расм-русм, анъаналар борлиги ҳақида суҳбатлашдик. Бундай маълумотларни олиш фақат эркин суҳбат жараёнидагина мумкин бўлади. Сўнгра тадқиқотимизнинг умумий мақсадига ўтиб, биз улардан иккита саволга ёзма жавоб беришларини сўрадик:

1. «Сизнингча, оила нима?

2. Оилангизда, фарзанд тарбияси, умумий муомала, уй-рўзғор юритиш, тўй-ҳашамларни ўтказишга қандай ўзига хос расм-русмлар, одатга айланиб қолган анъаналарингиз бор?»

https://buxdu.uz

Айнан шу саволлар вилоят халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш курсининг тингловчилари бўлган оилали ота ва оналарга ҳам берилди. Натижалар маълумотларнинг бир томондан ранг-баранглигини, лекин иккинчи томондан, уларнинг ўртасида маълум умумийликлар борлигини кўрсатди ва буни биз контент-анализ методи ёрдамида таҳлил қилдик. 38 та оиладаги шу тоифадаги суҳбатлар ёзуви ва 108 та ёзма матнларнинг контент-анализ усулида таҳлил қилиш энг кўп маротаба қайтарилган сўз ва ибораларнинг қайтарилиш маротабасини оддий статистик йўл билан ҳисоблашни талаб қилади.

Маълумки, оғзаки жавоблар ёки ёзма матнларда у ёки бу фикрлар ёки тасаввурларнинг қайтарилиш миқдори контент-анализ методи ёрдамида аниқланади. Бунда жавобларда у ёки бу фикрнинг, сифат ёки объектнинг хусусиятини билдирувчи сўз-ибораларнинг неча марта қайд этилганлигининг абсолют ва нисбий қийматлари аниқланади. Абсолют қиймат у ёки бу тушунчанинг ўрганилаётган оила аъзолари жавобларида неча марта қайтарилганлигининг аниқ сони бўлиб, нисбий қиймат - ана шу гуруҳ фикридаги максимал қайтарилиши мумкин бўлган сонга нисбатан неча марта қайтарилишининг фоиз ҳисобидаги қийматидир.

Шунингдек, биз ўсмирлар ўртасида ҳам ота-оналар билан муомаласига оид фикрларини билиш мақсадида савол-жавоб ўтказдик. Ўтказилган савол жавоблар орқали биз ўсмирларнинг ўз ота-оналари билан муомала қилишда тутадиган йўлларига қаратдик. Буни жадвал кўринишида қуйидагича ифодаладик:

Ўсмирларнинг ота-оналари билан муомаласига оид жавоблари қиймати (% ҳисобида)

Савол ва жавоб вариантлари	қизларнинг жавоблари n = 86		Ўғил болаларнинг жавоблари n=79	
	Шаҳар N=40	Қишлоқ n=46	Шаҳар n=45	Қишлоқ n=34
Сизнинг ота-онангиз билан муомалада ўзига хос услубингиз борми?	22	24	7.5	31
А. Ҳа, мен бу услубни катталардан ўрганганман.	37,1	24.4	12.5	13.8
Б. Ўзимнинг шахсий услубларим бор.	17.1	34.1	70	44.8
В. Алоҳида биттасини ажратишим қийин	17.1	19.5	10	11.9
Г. Айтолмайман, бу қийин иш Д. Йўқ, бўлиши мумкин эмас	11.6	3	5	3.4

Жадвалдан кўриниб турибдики, ота-оналар билан ўсмирларнинг муомаласида ҳар хиллик яъни муомалада аниқ бир услубни танлашга қийналганлар. Шунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзанди билан муомала қилишда уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиши зарурлиги аниқланди.

Шундай қилиб, аввал контент-анализ усулида «Оила» тушунчаси билан боғлиқ категорияларни таҳлил этдик. Дастлаб мазмунига эътибор бермаган холда контент-анализнинг бирликлари сифатида яхлит абзацлар, сатрлар, жумлалар сонини ҳисоблаб чиқдик. Натижалар биринчидан, жавоб берувчиларнинг маълумот даражасига кўра аниқ тафовутлашишини кўрсатди. Ёши, психологик хусусиятлари, ижтимоий келиб чиқиш ёки ҳудудий жиҳатдан бирликларда фарқлар яққол акс этмаслиги маълум бўлди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-жилд – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедикаси, 2006. – 680 б. Б. 301.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедикаси, 2018. – 608 б. – Б. 330.

https://buxdu.uz

Ахмедова Хилола Шавкатовна,
БухДУ таянч докторанти
факультетлараро чет тиллар ўқитувчиси

THE PSYCHOLOGICAL PORTRAITS OF THE HEROES OF THE NOVELS "ARMON ASIRASI" AND "EMMA"

Abstract: *the article describes the art of creating an image of the people of the Uzbek writer Zulfiya Kurolboy kizi and the skill of disclosing the inner world of characters in the novels of Jane Austen. Psychologism as an aesthetic principle of artistic writing has a rather long history. Arriving in literature at the dawn of its formation and existing at first in a hidden form, it was developed only with the emergence of large genre forms that allowed the writer to create not static characters, but complex images that live life to the full. This is probably why the flowering of psychological narrative came in the period of the formation and assertion of realism.*

Key words: *psychologism, spiritual, pseudonym, phenomena, roman, luminous, ordinary, enthusiasm, images, woman, representative, good-the-bad, daily, personality, tendency.*

Аннотация: *b статье рассказывается об искусстве создания образа народа узбекской писательницы Зульфии Куролбой кизи и мастерство раскрытия внутреннего мира персонажей в романах Джейн Остин. Психологизм как эстетический принцип художественного письма имеет достаточно длительную историю. Придя в литературу на заре ее формирования и существуя поначалу в скрытой форме, он получил свое развитие лишь с возникновением крупных жанровых форм, позволивших писателю создавать не статические персонажи, а сложные образы, живущие полной жизнью. Вероятно, поэтому расцвет психологического повествования пришелся на период становления и утверждения реализма.*

Ключевые слова: *психологизм, духовный, псевдоним, феномены, римские, светящиеся, обыденные, энтузиазм, образы, женщина, представитель, добрая плохая, повседневная, личность, склонность.*

Аннотация: *мақолада ўзбек ёзувчиси Зулфия Қулбўйин одамларининг образини яратиш санъати ва Жане Аустен романларида қаҳрамонларнинг ички дунёсини кашф этиш маҳорати тасвирланган. Психологизм бадиий ёзувнинг эстетик принципи сифатида жуда узоқ тарихга эга. Унинг пайдо бўлишининг бошида адабиётга келган ва аввал яширилган шаклда мавжуд бўлиб, у фақат катта жанр шаклларининг пайдо бўлиши билан яратилган, бу ёзувчининг статик белгиларни эмас, балки ҳаётни тўла-тўкис яшайдиган мураккаб тасвирларни яратишга имкон берди.*

Калит сўзлар: *психологизм, маънавий, тахаллус, феномен, роман, ёрқин, оддий, ғайрат, расм, аёл, вакиллик, яхши-ёмон, кундалик, шахсият, мойиллик.*

Relevance. Psychologism in literature is a complete, detailed and deep depiction of feelings and emotions, thoughts and experiences of a literary hero; this is an attempt by the author to accurately describe the inner world of the hero as far as possible by means of fiction. One of the main attractive features of fiction is its ability to uncover the secrets of a person's inner world, to express spiritual movements as accurately and vividly as it is not possible for a person in everyday, ordinary life. "In psychologism, one of the secrets of a long historical life of literature of the past: speaking of the human soul, it speaks with every reader about himself."

"Psychologism is a stylistic characteristic of literary works, in which it is in detail and deeply portrayed the inner world of the characters, that is, their sensations, thoughts, feelings, and, perhaps, a subtle and convincing psychological analysis of mental phenomena and behavior is given."

Many researchers of the work of Jane Austen, along with the loyalty of the characters, the author's ironic style, celebrate the mastery of revealing the inner world of the characters. Gilbert Kiit Chesterton, in the preface to the writer's selected works, noted: "The early works of Jane Austen are of great psychological interest, moreover, it seems that they contain a psychological secret."

https://buxdu.uz

Psychologism is a characteristic of the novels of J.Austin. It is a special manner connected to a greater degree with a realistic narrative, when the inner feelings of a person are conveyed by means of fiction, the motives of his actions and behavior patterns are revealed.

The main way to reveal the psychology of the characters in the Jane Austen novel "Emma" is a psychological portrait. The portrait of the main character of the novel Emma is dynamic. The author reveals the process of spiritual and moral growth of the heroine - from arrogant pride - to an understanding, self-aware price, respecting the feelings of other women, learning to love people, and not manipulate them.



Thus, in a creative manner of realistic exposition, Jane Austen possesses deep psychologism. We define this concept as follows. Psychologism is the transmission by means of fiction of the inner world of heroes, the intrinsic motivation of their actions, the development of feelings, and the appearance of emotions. Psychologism has a long history, but the full potential of psychological writing is revealed in the form of a novel, especially a realistic novel. Creativity Jane Austen deeply realistic.

Emma (1815) is considered the pinnacle of Jane Austen's work, the clearest example of her comic writing. The theme of the novel is self-deception. The reader is given the opportunity to follow the changes that occur with charming Emma, who is transforming from an arrogant young narcissist to the meek, repentant young lady who is already ready to marry a man who can protect her from her own mistakes. The main heroine of the novel - Emma Woodhouse - a charming young girl, absorbed in worries about the personal happiness of their neighbors. From the first pages of the novel, we learn that thanks to her assistance, her governess, or rather her confidante, Miss Taylor, got married. Having thus lost a person close to her spirit in her environment, Emma seeks to fill the gap and soon becomes acquainted with Harriet Smith, a girl of 17 years old, an orphan, whose origins are shrouded in mystery. Emma really wants to help Harriet find personal happiness, but does Harriet herself know what is best for her? One of the few people who can see the flaws in Emma Woodhouse and the only one who dares to tell her about them is Mr. Knightly, a close family friend. His brother is married to the sister of the title character Isabella, so he, as a family member, spends a lot of time with Emma and her father. Taking advantage of this, Mr. Knightly loves to read her morals and give useful advice, but Emma quickly turns all his moralizing into a joke, although in her heart she always listens to him. Emma's father is a big child, a man infinitely kind, but not without oddities. So if Emma, not counting the governess, was raised by someone in life, then this is Mr. Knightly.

https://buxdu.uz

He is not married and has a clear opinion about how to behave Emma. For example, he believes that she should not engage in matchmaking, and should not communicate with Harriet, and much more should not be done. Emma's girlfriend, Harriet Smith, falls in love with Mr. Knightly and informs Emma of this, telling her that Knightly is also in love with her. After recognizing her best friend in love with her best friend, Emma suddenly realizes that she herself loves Knightly.

So, the heroes of the novel live their lives, without global problems, filled with petty vain deeds. But how skillfully the writer reveals their inner world. Life with a capital letter in her work is rejected for the sake of the process of being, for the sake of genuine, concrete problems of behavior and feelings - in a genuine, concrete society.

With independence in our state, fundamental changes are taking place in all spheres of society, including culture, science and education. Our young state faces many difficulties in its forward movement, in particular, in the ideological sphere. The formation of a spiritually rich personality is greatly contributed by the state education system, the activities of scientific, cultural and educational institutions, sports centers and mahallas. And one of the young writers of Uzbek literature is Zulfiya Kurolboy kizi. Socio-cultural realities of the Uzbek society were the source of life experiences and spiritual experience, which were reflected in the works of writers associated with the theme of "woman and society".

The period of independence is characterized by the fact that the Uzbek literary genre has been devoid of theoretical foundations. Indeed, freedom of creation is not only "what you write" but also "how to write." As you wish, writing will allow you to master the creative experiences. The "Armon asirasi" is a work that is distinguished from this point of view. It does not seem that the "romantic mind" spoken by the theorists. In the roman we can see ordinary and daily life of simple people.

The novel depicts the tragic fate of those who are trying hard to see their own existence but not the great social events, not political evolution, at the decisive stage of national history development.

The tragedy in the presence of the people who are unable to maintain their identity, to have their appearance in the "Armon asirasi", the situation that forces her to change, and the situation, in which he is forced to quit, are described with great enthusiasm. At the same time, the game reflects the fact that no particular situation can change the fundamental qualities of a truly personality.

In this novel, characters are depicted in the most hidden aspects of the nature of characters' extreme situations. In his work, Zulfiya does not follow the novel rules that are well-documented in our national literature. Usually, the novel requires a description of what has happened in the life of a person who has a social stratum and who works for the character of the hero. Zulfiya does not distinguish between the events and the heroic character of the characters, even in the face of the small, even in the background.This approach has often helped to create the essence of images.

In the book "Armon asirasi", there is no image that is suitable for the title of the main character. It is impossible to describe a character in novel as an ionic personality. Nasiba, who has the greatest number of works, neither Donish, neither Hulkar Armon, the prototype of which is the prototype of the writer, nor Behzod, who is bitterly angry, nor does it threaten everyone's heart, Talgat can change not only the social life, They can put their living on a straight path. None of them can go to the heroic level. As long as living is not life, the survivor cannot be a hero. A person who is superior to the day he is watching and does not find the right day is not a hero.

Many modern Uzbek novels have a tendency to stay out of barefoot ideology. Today novelist does not invite anybody to any idea or guide her. It does not look like typical conditions and generalized images as it used to be, but also to focus on the trifles of those who are encountered in an italic way. Experts are more likely to describe changing mental states than stabile characters. Indeed, nowadays, there is a stagnation that will change.

The growing tendency to depict individuals suffering from weaknesses in national novelism is the reason why they get rid of bookshelves and draw closer to life. It was realized that the heart of the "little man" who had been away from the art of the night was really vast. The history of the human destinies reveals that the gap between the "big" and the "small" man is often the same.

The "Armon asirasi" mentions the tense spiritual state of the people who were in a state of emergency, and the emotional and spiritual transformation that took place in their nature. In particular, because of the lack of play, the influence of the Uzbek woman on the process of separation from the superpower. Spirituality is a very high concept, but it is not a constant phenomenon. Spiritual attributes

https://buxdu.uz

of man can be formed in life itself, induced by it, changed, elevated, and even perverted. It is well-established that in the Scriptures, a person's life, which has not been settled properly, can have an adverse effect on his moral and spiritual qualities.

Zulfiya knows very well the aspects that make sense to the essence of the images. That is why she has completely transformed Nasiba's mentality through a single audio item. In the novel, simple Nasiba is described as a self-examining person who examines her behavior. This woman, who is thinking of the peace of the family, the health of her children and the peace of her husband, does not claim to solve the world's problems, she does not want to make a living, and she wants only to live. She is not a hero, neither wise nor great. But she knows that the human being can not only be tormented, trusts people, and hopes for the coming of good times. That hope will glorify her. Only Satan and those who follow him are deprived of hope.

Previously, literary emblems in their works would be an image in their own right. That is, the picture of the character, described in the artistic work, was a representative of any social group. Now literary image is merely a symbol of its own, but its representative! In artistic work, it is not the representation of a person to represent a single person as a unique person, but to describe not only a social character, but also the good-the-bad qualities of the one alone, that aesthetic result.

In this respect, the symbol of Donish is very characteristic. The more difficult it is to understand and support it, the more difficult it is to strike and reject it. It is not the uncertainty of the writer's position in determining the nature of the character, but in the game, it is the correctness of the human nature's instability. Although the novel in the novel can be seen in bright colors, in reality, the instability, weakness, and instability in nature give three in every one of his movements. In this case, writer shows that there is an infinite distance between being alone and taking a single practical step with understanding.

Zulfiya expresses sincere expression in the story of Hulkar that the creator cannot remain indifferent beyond her time. At the same time, Hulkar follows the path of the Armon nature. Hulkar's creativity is illustrated by the fact that everyday life is so powerful; that it is impossible for a non-person to believe that she is unwilling or unknowing.

The debate on the relationship between man and her relationship will continue from the beginning to the end. Every fate of the hero in the age is a kind of relationship. The novel can persuade the reader not to wait for a fate, but to strive to make it even more balanced, and to overcome difficulties.

There are a lot of stories that will be added to the novel in the "Armon asirasi". Zuhra, Talgat, Nasib, Hulkar, and especially Donish can be considered as a novel in Uzbek literature. Just as in life and fantasy, the attitudes of these images cannot be predicted.

Zulfia's novel is not a social novel, because it aims to describe the person, not the layer. In the game, not only a person's value, but also his or her aspirations and interests in the context of a producer or consumer level. This romantic song of humanity is a veritable scandal, as well as the need for craving the novel. "Armon asirasi", written with enthusiasm about unhealthy human suffering, encourages every student to focus on their behavior. A creature that has to force somebody to think has a long life.

Conclusion. Thus, it is possible to note the peculiarities of the individual style of writers. Their main features are: realism, particular problems, which consist mainly in the moral growth of the characters, the special texture of the characters, and the peculiarities of the functioning of the landscape. In general, conciseness, attention to detail. Of particular note is a truly feminine outlook on events and heroes. Both the novels "Emma" and "Armon Asirasi" are of interest from the point of view of revealing not only the process of creating a work, but also introduce us to the personal characteristics of Jane Austen and Zulfiya Kurolboy kizi. The creativity of the writers anticipates the emergence of the female novel; in many respects we determine its main features: a realistic narrative style, deep psychologism, attention to the image of a woman, and a special "female writing style.

Bibliography:

1. Z.Kurolboykizi. ArmonAsirasi. – T.:Yangiasravlodi, 2009. – 55 p.
2. Izzat Sulton. Theory of Literature. – Tashkent. Ўқитувчи. 2000.
3. Quoted by: Chesterton G.-K. Charles Dickens. – M.: Rainbow, 1982.
4. Esin A. B. Psychologism of Russian classical literature. – M .: Progress, 1988.

https://buxdu.uz

Jo’raqulova Dilfuza Farxodovna,
Samarqand davlat universiteti o’qituvchisi

AYOLLARDA AYBDORLIK HISSI SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK MEXANIZMLARI

Annotatsiya*: mazkur maqolada ishlovchi ayollarda kechadigan aybdorlik hissi, uning yuzaga kelish sabablari haqida ma’lumot beriladi. Ayollarning oilaviy ahvoli va kasbiy faoliyatlari o’rganilgan hamda ishlovchi ayollar ruhiyatining o’ziga xosligi va ular ruhiyatidagi muammolar eksperimental jihatdan tahlil qilinadi.*

Kalit sozlar: *ayb, aybdorlik hissi, uyat, vijdon, xato, qo’rquv, agressiya, bola, ota-ona, axloq, kasb, rol, konflikt, stress.*

Аннотация: *в данной статье даётся информация о проявления чувства вины у занятых женщин. Анализируются семейное положение и профессиональная деятельность женщин. Статья посвящена роблемам своеобразия психологии работающих женщин и изучена экспериментально.*

Ключевые слова: *вина, чувства вины, стыд, совесть, ошибка, страх, агрессия, дитя, родитель, поведение, профессия, роль, конфликт, стресс.*

Abstract: *this article provides information on the perceived guilt in women and the reasons for their occurrence. The analysis of women's marital status and professional work has also been presented. The article focuses on the peculiarity of psychology and the psychological problems of women working on them, and the subject has been experimentally studied.*

Key words: *guilt, shame, conscience, mistake, fear, aggression, childhood, parent, morality, profession, role, conflict, stress.*

Mavzuning dolzarbligi. Zamonaviy jamiyatda ayollar erkaklar bilan bir qatorda o’qish va mehnat faoliyatida ishtirok etishmoqda, biroq ular ona va uy bekasi sifatidagi an’anaviy vazifalarini ham to’liqligicha amalga oshirishmoqda. Tadqiqotlarda ko’rsatilishicha, ayol kishiga oilasi va mehnat qiladigan korxonasi tomonidan qo’yiladigan talablar ko’p holatlarda bir-biriga muvofiq kelmas ekan. Ishxonada o’z-o’zini mustaqil idora qilish, adolatparvarlik va “individual xulq” ustunlik qiladigan bo’lsa, oilada esa “g’amxo’rlik qilish xulqi” o’z qadriyatlari bilan, jumladan, o’z-o’zini qurbon qilish, al’truizm va yaqin kishilariga xizmat qilish sifatlari ustunlik qiladi. Kasbiy faoliyatni “erkaklar olami” sifatida qabul qilish ham mumkin, chunki u yerda kim agressivlik, tashabbuskorlik, raqobatbardoshlik va xususan erkaklarga xos bo’lgan xarakter sifatlariga ega bo’lsa ko’proq muvaffaqiyatlarga erishadi hamda bu tizimda hukmronlikni qo’lga oladi. Bunday olamda muvaffaqiyatga erishish uchun ayollar o’ziga xos bo’lgan ayollik xulq-atvoridan bir oz chekinib, erkaklarga xos bo’lgan xulq-atvor sifatlarini o’zlashtirishlari kerak bo’ladi. Oilaviy va kasbiy vazifalarni birga olib borishda bir qator konfliktlar va tashvishlar yuzaga keladi, jumladan ayol kishi o’z farzandlariga emotsional zarba yetkazayotganligidan, farzandlarining tarbiyasini boshqa kishilarga ishonishga majburligidan, ularning kasbiy hayoti ko’p vaqt va kuch talab qilayotganligi sababli bolalarga yetarlicha vaqt ajrata olmayotganligidan, ularning emotsional va jismoniy imkoniyatlari to’liq zo’riqishga uchraganligidan va buning natijasida er-xotin munosabatlarida muammolar vujudga kelayotganligidan tashvishlanishadi.

Shaxsning bajaradigan rollari o’rtasidagi konfliktlarga shaxsiy va juda ham yorqin misollardan biri sifatida ishlovchi ayollarning bajaradigan rollari o’rtasidagi konfliktlarni ko’rib chiqishimiz mumkin. Shaxsning ichki dunyosida paydo bo’ladigan bunday konfliktlar ishlovchi ayollarning bajaradigan rollari nihoyatda ko’pligidan, bundan tashqari bu rollarni bajarishda qarama-qarshi, bir-biriga muvofiq bo’lmagan talablarning qo’yilishidan va barcha rollarni to’laqonli bajarish uchun jismoniy imkoniyatlarning yetishmasligi natijasida yuzaga keladi.

Rollar o’rtasida kelib chiqadigan konflikt muammosini tadqiq qilish bilan g’arb olimlari bir muncha ilgariroq shug’ullana boshlagan. Dastlabki tadqiqotlarda ishlovchi ayollarning bajaradigan rollari o’rtasidagi konfliktlar ularda stress va depressiyaning yuzaga kelishiga sabab bo’ladi deb taxmin qilingan. Biroq, ko’p sonli tadqiqotlar natijasida ayollarning bajaradigan rollari soni va ularning psixik

https://buxdu.uz

hamda jismoniy holatlari o'rtasida muhim bog'lanishlar aniqlanmagan. D. Nevil va S. Damiko o'zlarining rollar o'rtasidagi konfliktni o'lchashga mo'ljallangan so'rovnomalarida bu konfliktlarni his qilish bilan bog'liq bo'lgan yettita kategoriyani belgilab berishadi, bular:

1. Vaqtni boshqarish;
2. turmush o'rtog'i bilan munosabat;
3. xo'jalik ishlarini boshqarish;
4. pul mablag'lari bilan bog'liq konfliktlar;
5. bolalar uchun g'amxo'rlik qilish;
6. shaxsiy kutishlar;
7. boshqalarning kutishlari.

Ayollar o'zlarining oilaviy va kasbiy faoliyatlarini tahlil qilib, ularni birgalikda yomon olib borayapman deb hisoblashlari natijasida bir qator salbiy, subyektiv kechinmalar yuzaga keladi va ular o'z ichiga quyidagilarni qamrab oladi:

1. Mehnat faoliyatiga ko'p vaqt ajratishiga to'g'ri kelayotganligi uchun oilasi oldida o'zini aybdor his qilishi;
2. kasbiy faoliyat bilan shug'ullanish oiladagi vazifalarni bajarishga va aksincha oiladagi vazifalarni bajarish kasbiy faoliyat bilan shug'ullanishga halaqit qiladi deb hisoblash;
3. o'z kasbiy faoliyatini amalga oshirishda turmush o'rtog'i hamda yaqin insonlarining qo'llab-quvvatlashlarini yetishmasligi.
4. doimiy vaqt tanqisligini his qilish.

Har bir kechinma ayollarga bajaradigan rollari o'rtasidagi konfliktlarni boshdan kechirishlariga, va buning natijasida o'zlarini farzandlari, turmush o'rtog'i hamda ish xonasidagi rahbarlar oldida aybdor his qilishlariga o'ziga xos ta'sir ko'rsatadi va bu holat ayol kishining sog'lom turmush tarzini amalga oshirishida ko'plab muammolarni keltirib chiqaradi. Biz ushbu maqolada aynan ishlovchi ayollarda turli rollarni bir vaqtda olib borishi natijasida yuzaga keladigan aybdorlik hissi xususida to'xtalib o'tamiz.

Ishlovchi ayollardagi aybdorlik hissi masalasiga so'nggi o'n yillikda ko'pchilik psixologlar jiddiy e'tibor qaratishdi. Bu yerda aybdorlik hissi, shaxsda kechayotgan ichki nizolar, ya'ni ayol yaxshi xonadon bekasi va mahoratli kasb egasi bo'lishni bir-biriga muvofiq olib borishga harakat qilayotganda yuzaga kelishi mumkin. Ayrim psixologlarning olib borgan tadqiqotlariga ko'ra 90 % ayollar o'zlarining oiladagi va kasbiy vazifalarini bir xil ahamiyatga ega deb baholashar ekan. Lekin, bu ikki vazifa ayolga bir-biriga qarama-qarshi bo'lgan talablarni qo'yadi, natijada u har ikkala ishni yaxshi bajarishga harakat qiladi, biroq, ko'pincha bunga uning jismoniy va ruhiy imkoniyatlari yetishmaydi. O'z zimmasidagi vazifalarni yetarli darajada bajara olmayotganini tushungan ayol farzandlari oldida ham, turmush o'rtog'i hamda ish joyidagi boshliqlar oldida ham o'zini aybdor his qila boshlaydi (Vitkin, 1996; Berg, 1986; Barling, 1990), bu esa psixosomatik simptomlarni yuzaga kelishiga sabab bo'ladi.

Aybdorlik ayol kishi tomonidan o'zining bajaradigan rollarini turli darajada idrok qilishi natijasida yuzaga keladi. Bu ko'pincha ayol kishining o'zini hammadan zo'r deb fahmlashi bilan bog'liq bo'lib, bunda u barcha narsaga bir vaqtda ega bo'lishga, hayotda hamma narsaga erishishga, xususan, oila, farzandlar hamda xizmatdagi muvaffaqiyatlarga erishish va o'z vazifalarini qoyilmaqom tarzda bajarishi bilan bog'liq kechadi. Aybdorlik – bu og'riqli hamda shiddat bilan kechadigan, makkor hamda murakkab kechinma bo'lib hisoblanadi. Aybdorlikni aysbergga ham o'xshatish mumkin, ya'ni uning sakkizdan yetti qismi yopiq bo'lganidek, aybdorlikning ham katta qismi insonning chuqur ongsizlik sohasida joylashadi va u o'sha yerda turib ham unga bosim o'tkazadi.

A'lo darajadagi, juda yaxshi va mehribon ona timsoli bizning hayotimizda juda erta, ya'ni ilk yoshga qadam qo'yganimizdayoq shakllana boshlaydi. Qizlarda o'z onasidan o'xshash belgilarni olishi natijasida onalik obrazi shakllanadi va bu andoza sifatida uning bir bo'lagiga aylanadi. Psixiatr R.Grinkers barcha ayollar uchun birlamchi va asosiy namuna bu ularning onalari deb hisoblaydi. Hattoki bolalik davri tugab, 20 yoki 30 yil o'tgandan keyin ham onalar ularga birinchi darajali ta'sir o'tkaza oladi. Bolalikdan shakllangan bu ona timsoli bilan ayol kishi doimo o'zini solishtiradi, baholaydi va hukm chiqaradi. Agar ayol kishi o'zida bu ideal ona timsoliga zid bo'lgan xatti-harakatlarni aniqlasa unda avtomatik ravishda aybdorlik hissi yuzaga keladi [2, 141-149].

Aybdorlik hissi – bu uning yordamida vijdon tuyg'usi yuzaga keladigan emotsiya bo'lib hisoblanadi va bu o'zidan norozilik, axloqiy talablarga nomutanosiblikni his qilish va o'z shaxsiy "Men"i, unga ishonch bildirgan kishilar yoki Olloh oldidagi burchini bajara olmaslikda ifodalanadi.

https://buxdu.uz

Yashirin ongda aybdorlik hissi insonning o'z xatti-harakatlariga salbiy munosabat bildirish, vijdon azobi, afsuslanish, pushaymon bo'lish sifatida nomoyon bo'ladi.

Aybdorlik hissi – vijdonning hissiy-emotsional jihatdan kuchayishi deb aytishimiz mumkin . Bu his bizga vijdonimiz borligini eslatdi, ammo bu faqat biz uning maslahatlariga amal qilmaganda ko'zga tashlanadi.

Zigmund Freyd aybdorlik hissiga xavotirlanishning bir turi sifatida qaragan va uni "vijdon xavotiri" deb atagan. Xuddi shu nuqtai nazarni boshqa bir psixoanalitik olim G. Mandler ham qo'llab-quvvatlab, aybdorlik va xavotirlik bu bitta holatning turlicha nomlanishidir deb ta'kidlaydi. Olimning fikricha aybdorlik – bu haqiqiy yoki tasavvur qilingan xatolik yuzasidan xavotirlanishdir. Xavotirlanishning bunday turini boshdan kechirish insonlardagi o'ziga xos himoya mexanizmini ishga tushiradi va buning yordamida shaxs o'zining noto'g'ri xatti-harakatlari natijasida yuzaga kelgan zararni yo'qotishga yoki silliqlashga harakat qiladi.

Ayrim g'arb psixologlari, xususan Switzer va Sarsonlar aybdorlik hissi qo'rquv bilan chambarchas bog'liq deb ta'kidlashsa, boshqa bir olim O. Maurer esa aybdorlik hissini jazolanish oldidan yuzaga keladigan qo'rquv bilan deyarli bir xil narsa deb hisoblaydi. Olimlarning bunday fikr bildirishlariga sabab, ular aybdorlik hissining kelib chiqishiga jazolanish asosiy omil bo'lib hisoblanadigan ilmiy ta'limot nuqtai nazaridan kelib chiqqan holda yondashishlarida ifodalanadi.

Ye.P. Ilinning ta'kidlashicha tashqi jazolanishga katta ahamiyat beradigan hamda aybdorlik hissi va qo'rquvni bir xil narsa deb hisoblaydigan mualliflar xato qilishadi. Chunki, jazolanishdan qo'rqish hatto jinoyatchilarda ham bor, shunga qaramasdan ular qilgan jinoyatlari uchun aybdorlik his qilishadimi? Bu yerda asosiy muammo tashqi jazolanishda ham emas, qo'rquvda ham emas, balki aybdorlikni his qilish, vijdon azobida qiynalishning o'zi inson uchun berilgan katta jazodir.

Bundan tashqari, ayrim mualliflarning ko'rsatishicha aybdorlik hissini samarali tadqiq qilinishi uchun jismoniy jazolash metodlari emas, balki psixologik, ya'ni "mehr-muhabbatga" yo'naltirilgan metodlar ko'proq mos keladi. Aynan ota-onasining va yaqinlarining mehr-muhabbatini yo'qotishdan qo'rqish ko'pincha afsuslanishga, vijdon azobiga, tashvishlanishga, aniqroq aytadigan bo'lsak aybdorlikni his qilishga olib keladi.

Bu borada A.N. Leontevning olib brogan tadqiqotlari juda ham qiziqarli bo'lib, uning mohiyati quyidagicha ifodalanadi. Bolaga o'z joyidan turmasdan, undan bir oz masofaga uzoqlashtirilgan predmetni olish tavsiya qilinadi va bu vazifaning to'g'ri bajarilishi evaziga eksperimentator unga shokoladli konfet berishni va'da qiladi. Eksperimentator bolani bir oz muddatga ataylab yolg'iz qoldiradi va bu vaqtda bolaga sezdirmasdan kuzatish ishlari olib boriladi. Ammo, ayrim bolalar eksperimentatorning yo'qligidan foydalanib, belgilangan qoidani buzib o'z o'rnilaridan turgan holda vazifani bajarishadi va tadqiqot so'ngida eksperimentator va'da qilgan shokoladli konfetni olishdan mahrum bo'lishadi. Tadqiqot boshida bola judayam olishni hohlagan shokoladli konfetdan mahrum bo'lish, bolada achchiq ko'z yoshlarning paydo bo'lishiga sabab bo'ladi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolaning bu ko'zyoshlari, hatto shu kichik yoshdayoq belgilangan qoidalarni buzganligi uchun o'zini aybdor his qilayotganligidan dalolat beradi.

Ko'p holatlarda aybdorlikning yuzaga kelishi va uzoq vaqt davom etishi psixosomatik simptomlarning paydo bo'lishiga sabab bo'lishi mumkin. M. Leybovits ishlovchi ayollarda yuzaga keladigan ko'pgina stress alomatlarining asosida aynan aybdorlik hissi yotishini ta'kidlab o'tadi. Aybdorlik ishlovchi onalar hayotining to'rt jabhasiga o'ziga xos ta'sir ko'rsatadi, bular:

1. Bolalar bilan munosabat;
2. mehnat faoliyati;
3. er-xotin munosabatlari;
4. o'ziga bo'lgan munosabat.

Aybdorlik hissi ta'sirida yuzaga keladigan xulq-atvor ko'p hollarda kompensatorlik vazifasini bajaradi va u qandaydir noto'g'ri hatti-harakat amalga oshirilib uni to'g'rilash zaruriyati tug'ilganda o'zini oqlashga chuqur ehtiyoj hissi paydo bo'lishi natijasida uyg'onadi. Quyida biz kompensatsiyalovchi xulq-atvor va uning natijasida yuzaga keluvchi salbiy oqibatlarni ko'rib chiqamiz.

Aybdorlik hissini boshdan kechirayotgan inson bolalar bilan munosabat jarayonida xulq-atvorning o'ziga xos namunalarini ishlab chiqadi va ularni quyidagilarga ajratadi:

a) Sifatli vaqt g'oyasi,
b) Yuqori kompensatsiyalashgan xulq,

https://buxdu.uz

c) Bola tarbiyasiga ta'sir o'tkazish.

80-yillarda Amerikada s*ifatli vaqt* konsepsiyasi paydo bo'ldi. Bungacha ona kuni bo'yi nima bilan shug'ullanishidan qat'iy nazar, asosiysi bolaning yonida bo'lishi lozim, chunki bu uning psixik jihatdan yaxshi rivojlanishi uchun muhim deb hisoblanardi. Bu vaqtda, ona kun davomida ro'zg'or ishlari bilan band bo'lib bolasi bilan hattoki biror marotaba o'ynamasligi, u bilan shug'ullanmasligi ham mumkin, biroq doimo uning yonida bo'lishi shart. "Sifatli vaqt" konsepsiyasini ilgari surgan psixologlarning ta'kidlashicha ona o'z bolasi bilan o'tkazadigan vaqtning miqdori emas, balki bu vaqtning sifati muhim hisoblanar ekan. Sifatli vaqt – bu ona o'z diqqatini to'liqligicha bolaga yo'naltirib, u yoqtirgan mashg'ulotlar hamda o'yinlar bilan shug'ullanishdir. Ammo, ishlovchi ayollardagi aybdorlik hissi "sifatli vaqt"ni kompensatsiyalashgan xulq-atvorga aylantirib qo'yadi.

Psixoanalitik G. Ridning ta'kidlashicha aybdorlik hissi ayol kishini ona sifatidagi samaradorligini pasayishiga sabab bo'lar ekan. Ayol kishi o'zini shunday tutishi kerakki, farzandi uning aybdorlikni his qilayotganini ko'rmasin, aks holda u ataylab onasida aybdorlik hissini yuzaga keltiradi va shu orqali uning xulq-atvorini boshqarishga harakat qiladi [6, 143-171].

Oilasi oldida o'zini aybdor deb his qilayotgan ayol o'ziga deyarli e'tibor bermay qo'yadi, chunki bajaradigan vazifalari ko'pligi sabab oilasidagilarga ko'p vaqt ajrata olmayotganligi uni doim qiynaydi va ozgina bo'sh vaqti bo'lganda darrov uni oila a'zolariga bag'ishlashni hohlaydi.

Farzandlar oldidagi aybdorlik hissi ayollarda ko'pincha yuqori darajada kompensatsiyalovchi xulq-atvor sifatida namoyon bo'ladi va buni L. Xoffman "bosim o'tkazuvchi muhabbat" deb atagan edi. Yuqori darajadagi kompensatsiyalash o'z ichiga turli shakldagi holatlarni qamrab oladi, masalan, bir voqeada ona kechqurun ishdan qaytgach kun davomida uyda bo'lmaganligini o'rnini to'ldirish maqsadida bolaning barcha istaklarini bajarishga, u bilan uzoq vaqt muloqotda bo'lib unga ortiqcha g'amxo'rlik qilishga harakat qiladi va natijada bolaning bir oz bo'shashishiga ham imkon bermay uning erkinliklarini chegralab qo'yadi. Onaning bunday g'amxo'rligidan keyin ko'pchilik bolalarda psixik qo'zg'alish holati yuzaga keladi va bu bolaning xulq-atvoriga aks ta'sir ko'rsatadi. Yuqori darajadagi kompensatsiyalashning yana bir shakli, ayniqsa ona xizmat safariga ketgan yoki ishda uzoq vaqt ushlanib qolgan bo'lsa, farzandiga ko'plab o'yinchoqlarni sotib olib berishida ifodalanadi, garchi bolaga bu o'yinchoqlar kerak bo'lmasada. Zero, ona bu orqali faqat o'z aybini yumshatmoqchi, yuvmoqchi bo'layotganligi yaqqol namoyon bo'ladi. Bularning barchasi esa bolaning noto'g'ri tarbiyalanishiga, unda tobelik, xavotirlik va shaxsidagi boshqa buzilishlarning yuzaga kelishiga sabab bo'ladi. Agar, bola onasi uning oldida o'zini aybdor his qilayotganini tushunsa, u gohida ataylab onasida bu emotsional kechinmani paydo qilib unga ta'sir o'tkazishga, uni boshqarishga harakat qila boshlaydi.

Ayol kishining o'z turmush o'rtog'i oldida aybdorlik hissini boshdan kechirishi ko'p holatlarda ayolning oiladagi, turmush o'rtog'i oldidagi vazifalarini yetarli darajada yaxshi bajara olmayotganligini his qilganda nomoyon bo'ladi. Bundan tashqari ayol kishi ishda uzoq vaqt ushlanib qolganda, ishdan tez-tez uyga kech qaytganda u o'zini aybdor his qila boshlaydi, ayniqsa turmush o'rtog'ining bu holatlarga norozilik bildirishi bu hisni yanada kuchayishiga sabab bo'ladi.

Bizga ma'lumki o'zbek xalqida azal-azaldan ayollar orasta xonadon bekasi, mehribon ona, suyukli rafiqa sifatida shakllangan va asosan uy yumushlari bilan shug'ullangan. Shuning uchun xalqimizda bugungi kunda ham aksariyat erkaklar o'z turmush o'rtoqlarini biror-bir korxona yoki tashkilotda ishlaganidan ko'ra farzand tarbiyasi bilan shug'ullanib, uy yumushlari bilan mashg'ul bo'lishlarini hohlaydilar. Turmush o'rtoqlarining uy yumushlarini o'z vaqtida bajarishga ulgurmayotganligi, farzand tarbiyasiga yetarlicha vaqt ajrata olmayotganligi ularda norozilik hissini yuzaga keltiradi.

Bir qator olimlarning olib borgan tadqiqotlariga qaraganda ayollarning uncha ko'p bo'lmagan, asosan 30 yoshgacha bo'lgan qismigina mansab pillapoyalaridan yuqoriga ko'tarilishni, muvaffaqiyat qozonishni xohlar ekanlar. Mansab darajasining qanchalik ko'tarilishi bilan ayol o'zining nazokatini yo'qotib borar ekan va uni qaytarishning yagona yo'li ayol kishining farzand ko'rishidir. Ko'pgina madaniy an'analar ham ayollarning o'z turmush o'rtoqlariga nisbatan kattaroq muvaffaqiyatga erishishlarini "ma'qullamaydi", shuning uchun bunday ayollarning farzandli bo'lishlari, ularning bir oz ortda qolishlariga sabab bo'ladi. Xizmat pog'onasida muvaffaqiyatga erishishga harakat qilayotgan er-xotinlarning oilaviy munosabatlaridagi yutug'i ko'pincha ularning har ikkalasi ham oilada erkak kishini kasbiy faoliyatda ayolga nisbatan aqlliroq va muvaffaqiyatliroq deb idrok qilishlari bilan bog'liq kechadi. Bu holatning aksi bo'lganda esa erdagi erkaklik va xotindagi ayollik sifatlarining kamayib

https://buxdu.uz

ketishiga sabab bo’ladi. B. Berg “ayol kishining mansab pog’onasida ko’tarilishidan bosh tortishi” fenomenini juda ham qiziqarliroq qilib tushuntirib bergan. Ayol kishi o’z ayollik nazokatini yo’qotishdan qo’rqishidan tashqari, bor kuchini ishga sarflayotgani sababli o’z farzandlari va turmush o’rtog’iga kam e’tibor, muhabbat va g’amxo’rlik qilayotganligi uchun ularning oldida o’zini aybdor his qilishi mumkin.

Psixoanalitik G. Blum: “ayol kishi onalik ta’tilidan so’ng ishga qaytgach, kun davomida o’z farzandini sog’inadi va uni uyda qoldirganligi uchun o’zini aybdor his qilishi mumkin” deb fikr bildiradi. Xuddi shu daqiqadan boshlab undagi anglanmagan aybdorlik jazo talab qila boshlaydi va ayol o’zi bilmagan holda mehnat faoliyatida erishgan muvaffaqiyatlarini yemira boshlaydi. O’z kasbiy faoliyatini amalga oshirishda ko’plab xatolarga yo’l qo’yadi, natijada esa u o’zini baxtsiz va ehtiyojlari amalga oshmasdek his qila boshlaydi. Ayol kishi o’zini omadsiz deb his qila boshlasa, uning o’z-o’ziga nisbatan bahosi pasayib ketadi, hayotdan va o’zidan noroziligini esa ko’p holatlarda farzandlari va turmush o’rtog’iga socha boshlaydi, natijada esa u o’zini yanada ko’proq aybdor deb his qila boshlaydi.

Onalik va kasbiy faoliyat o’rtasidagi konfliktlar aybdorlik hissi yordamida ayol kishining ishdagi muvaffaqiyatlariga vayron qiluvchi ta’sir ko’rsatadi. M.A. Pinkstaf va A.B. Uilkinson bu fenomenni “muvaffaqiyatdan qo’rqish konflikti” deb atashgan. I. Stiverning ta’kidlashicha ko’pchilik ayollar kasbiy faoliyatda o’zlarining imkoniyatlari kengligiga qaramay o’z qobiliyatlari va ijodkorligini kamaytirishga harakat qilishadi.

Metodika. Mehnat faoliyati bilan mashg’ul ayollarda aybdorlik hissining yuzaga kelish xususiyatlarini o’rganish maqsadida biz SamDUning pedagogika hamda psixologiya va ijtimoiy fanlar fakultetlarida pedagogik faoliyat bilan shug’ullanayotgan ayol o’qituvchilarda, Ye.P. Ilin tomonidan moslashtirilgan “Kugler-Djonsning aybdorlik hissini o’rganish so’rovnomasi” yordamida tadqiqot o’tkazdik. Tadqiqotda har ikkala fakultetdan jami 55 nafar sinaluvchilar ishtirok etishdi. Sinaluvchilarga oldindan tayyorlangan maxsus blankalarda 45ta tasdiq ko’rinishidagi savolnoma tarqatildi va ushbu tasdiqlarga ularning qo’shilish yoki qo’shilmasliklari 5 xil shkala yordamida baholab berishlari orqali aniqlandi. Olingan natijalarga qarab quyidagicha xulosaga kelindi:

Aybdorlik hissining yuzaga kelish shakli va darajasi	Aybdorlik hissi - axloqiy norma sifatida	Aybdorlik hissi – xususiyat sifatida	Aybdorlik hissi – holat siftida
Quyi daraja	12	16	4
O’rta daraja	4	11	-
Yuqori daraja	1	7	-
Jami:	17	33	4

Olib borilgan tadqiqot natijalariga ko’ra sinaluvchilarning 1 nafarida aybdorlik hissi axloqiy norma sifatida, 7 nafarida esa xususiyat sifatida yuqori darajada shakllangan, bundan tashqari 4 nafar sinaluvchida axloqiy norma sifatida, 11 nafarida xususiyat sifatida o’rta darajada shakllangan bo’lsa, qolgan 12 nafar sinaluvchida axloqiy norma sifatida, 15 nafarida xususiyat sifatida hamda 5 nafarida holat sifatida quyi darajada shakllanganligi ma’lum bo’ldi.



https://buxdu.uz

Agar ayol kishida aybdorlik hissi yuzaga kelgan va unga doimiy bosim o'tkazayotgan bo'lsa bu hisga qarshi qanday kurashish mumkin. Bizga ma'lumki aybdorlik hissining ikki turi, ya'ni real va nevrotik turlari mavjud. Birinchi navbatda biz shaxsda aybdorlik hissining qaysi turi kuzatilayotganini aniqlab olamiz va shundan so'ng unga qarshi kurashishga harakat qilamiz. Real aybdorlik – bu haqiqatda mavjud bo'lgan, ona o'z farzandiga va'da berib uni bajarmagan, tanlash imkoni bo'lsada uni bolaning foydasiga hal qilmagan vaqtlarda yuzaga keladi. Masalan, farzandi bugun musiqa maktabida katta konsert uyushtirilishi va bu konsertda uning ham chiqishi kutilayotganligini aytib, onasini ushbu konsertga kelishini iltimos qilib so'radi. Ona farzandiga va'da berdi, uni ishontirdi, biroq korxonasida ham bir qator qilinishi zarur bo'lgan ishlar chiqib konsertga bora olmadi. Bunday vaziyatda ona haqiqatda ham aybdor va istalgan vaqtda farzandidan kechirim so'rash imkoniyatiga ega bo'lib hisoblanadi. Buni esa onaning bola bilan munosabatidan hamda vaziyatning qay darajadaligidan kelib chiqib so'zlar va hatti-harakatlar orqali amalga oshirish va shu orqali aybdorlik hissidan xalos bo'lishi mumkin.

Nevrotik aybdorlik – bu qachonki biz o'zimizni sababsiz, faqatgina ishlaganimiz uchungina aybdor his qilganimizda yuzaga keladi. Farzandi usiz ham o'zini yaxshi his qilayotgan, boshqa mehribon insonlarning qurshovida bo'lsa ham ona undan behudaga xavotirlanaveradi. Bu yerda muammo aynan onaning farzandi bilan munosabatida bo'lmasligi, balki uning hayotida o'tmishdan qolgan qandaydir muammolar mavjud bo'lib, u doimiy aybdorlik hissi bilan yashayotgan bo'lishi mumkin. Agar chuqurroq o'rganilsa, ona bu aybdorlik hissini yetarli darajada tez-tez, ishga borganda ham, bormaganda ham boshdan kechirishini kuzatish mumkin.

Bunday vaziyatda nima qilish kerak degan savol tug'iladi. Ona birinchi navbatda uni ruhan ezib kelayotgan fikrlardan voz kechishi, hayotga real ko'z bilan qarab o'ziga: "Hozir men bilan nima ro'y berayapti? Men hozir farzandimga nima bera olaman? Aynan hozir, uyda yoki ishda bo'lganimda", degan savollar bilan murojaat qilishi lozim.

Agar ona kun davomida ishga ketadigan bo'lsa, ishga ketishidan avval u farzandi bilan hech bo'lmaganda 10 daqiqa davomida yuzma-yuz o'tirib, chin ko'ngildan, butun diqqat e'tiborini bolaga qaratib u bilan suhbatlashib olishi talab qilinadi.

Haqiqatda, agar bola ota-onasi unga kam etibor qaratayotganligi haqida gapirsa, aslida gap bu vaqtning miqdorida emas, balki sifati haqida yuritilayotgan bo'ladi. Ortiqcha fikrlarni, telefonlarni chetga surib, butun diqqat-e'tiborini bolaga qaratib 5-10 daqiqa davomida chin ko'ngildan, ishonchli suhbatlashish, soatlar davomida qilingan sayr, ko'pkunlik sayohatlar va boshqalarning o'rnini bosishi mumkin.

Xulosa. Psixologlarning fikriga ko'ra bola ota-onasi bilan munosabatdan yetarli darajada dalda, qo'llab-quvvatlanish olishi, bu munosabatdan qoniqish hosil qilishi uchun bir kun davomida qirq minutdan bir soatgacha bo'lgan vaqt yetarli bo'lib hisoblanar ekan. Aslida kun davomida olinganda 40 minut ko'p emas, chunki biz bolaga o'n martalab maktabda nima bo'ldi, nega bunaqa baho olding, nima uchun xonani yig'ishtirmading degan savollar bilan murojaat qilib, uni tergab bundan ham ko'proq vaqt yo'qotamiz. Shunday ekan bu vaqtlardan samarali foydalanish, ularni chin dildan o'tkazilgan chuqur munosabatlarga aylantirish juda ham muhimdir. Mana shunday vaziyatlardagina bolalar o'z xohishi bilan idish-tovoqlarni yuvishi, xonalarni yig'ishtirishi va darslarini o'z vaqtida bajarishi kuzatiladi. Zero, onaning bunday munosabatidan keyin ular o'zlarini judayam baxtli va himoyalangan his qilishib, onasining mehrini hatto u uyda bo'lmaganda ham sezib turishadi eng asosiysi esa ona ham o'zini farzandlari oldida aybdor his qilmaydi.

Adabiyotlar:

1. Женщина на работе. Конфликты и стрессы: умение их преодолевать. Ростов-на-Дону: Феникс, 1996.
2. Мезенцева Е. Б. Равенство возможностей в сфере занятости или защитные меры. Женщины перед лицом выбора // Женщины и социальная политика (гендерный аспект) / Под. ред. З. А. Хоткиной. – М., 1992.
3. Berg B. The crisis of the working mother. Summit U. S., 1986.
4. Borman K., Quarm D., Gildeonse S. (eds). Women in the workplace: Effects on families. New Jersey, 1984.

https://buxdu.uz

Ҳотамова Дилдора Комиловна,
Бухоро давлат университети
Педагогика ва психология таълим йўналиши тадқиқотчиси

ЎСМИРЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ШАКЛЛАНИШИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ АМАЛИЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: *ушбу мақолада ўсмирлардаги мафкуравий иммунитет ва уни шакллантириш усуллари ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *глобаллашув, агрессия, мафкуравий иммунитет, мен” концепцияси, психологик ҳимоя, эмоционал зўриқиш.*

Аннотация: *в данной статье рассматриваются идеологические иммунитеты подростков и методы их формирования.*

Ключевые слова: *глобализация, агрессия, идеологический иммунитет, концепция Я, психологическая защита, эмоциональное напряжение.*

Abstract: *this article discusses the ideological immunities of adolescents and the methods for their formation.*

Key words: *globalization, aggression, ideological immunity, the concept I, psychological protection, emotional stress.*

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон глобаллашув жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири инсон онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг ниҳоятда ортиб бораётганлигини кўрсатади. Қолаверса, бугунги кунда ижтимоий таъсирларнинг жадал равишда ривожланиши, фан-техниканинг тараққиёти, ахборотлар оқимининг ортиб бориши, инсон омили билан боғлиқ фанларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, жадал суръатлар билан ривожланган давлатларда юзага келаётган танглик ҳолатлари ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Жаҳонда “XXI аср вабоси” деб ном олган долзарб муаммо, ғоявий-мафкуравий курашлар жаҳон сиёсатида ғоявий таҳдидлар, мафкуравий хуружларнинг ўзига хос агрессив йўналишларини вужудга келтирмоқда. Бу мафкуравий таҳдидларнинг ижтимоий илдизлари, сабабларини ўрганиш, таҳлил қилиш уларнинг ғоявий, мафкуравий, маънавий ва психологик асослари ҳамда омиллари билан боғлиқ масалалар психологик тадқиқотларнинг энг муҳим ва устувор вазифаси эканини кўрсатади. Мамлакатимизда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда турли хил ички ва ташқи, очиқ ва яширин таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет шакллантириш ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси тобора долзарб аҳамият касб этмоқда [1].

Шу ўринда мафкура, иммунитет, мафкуравий иммунитет тушунчаларининг изоҳига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. “Мафкуравий иммунитет – маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ўсмирларни тарбиялашда қўл келади”,- деб таъриф берилади фалсафий қомусий луғатда. Иммунитет, ўз навбатида одамни тўғри йўлдан “оғиш”дан, турли йўлларга адашиб, кейин пушаймон бўлишлардан, бахтсизликдан, миллатни эса парокандаликдан, парчаланишлардан, синфий ёки маҳаллий бўлинишлардан асраб қолади. Демак, мафкуравий иммунитет – давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги, маънавий соғломлигини ҳимоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажаради.

Мафкуравий жараёнлар тарихий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан узвий алоқадор бўлиб, даврлар алмашинуви билан янгилик томон ўзгаради. Бундай ўзгаришлар қадимдан турон

https://buxdu.uz

ва туркистон минтақаси деб номланган, бугунги кунда унинг маркази ҳисобланган ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида юз берган жараёнларга ҳам тегишлидир. Демак, бугунги кунда ҳам умумбашарий, инсонпарвар, бунёдкор ғоялар билан, бузғунчи оммавий маданиятнинг “ёввойилик ғоялари”, ҳар хил қора кучлар, яъни, бузғунчи ва вайронкорлик хусусиятларини касб этувчи оқимлар диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, миссионерлик кабилар орасидаги курашни кўришимиз мумкин. Улар ўзларининг бузғунчи ғоялари билан давлатлар, халқлар, миллатлар, инсонлар орасига нифоқлар солиб, уларнинг ер юзидан йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади. Жумладан, Ўзбекистоннинг неча юз йиллик солномасида ҳам турли босқинчиликлар оқибатида зулм, зўрлик, кулфат уруғларини сочиш ҳамда қон тўкилишига сабаб бўлган бузғунчи ғоялар ва мафкураларнинг ҳалокатли таъсири билан боғлиқ қайғули саҳифалар кўп.

Бу ғоялар ўзларида сиёсий босқинчилик ва мустабидлик интилишларини гоҳ яширин, гоҳ ошкора ифодалаган ҳолда диний, миллий, синфий шиорларни байроқ қилиб майдонга чиққанини кўрамиз. Лекин моҳият ҳамиша ўзгармай қолаверган. Яъни, улар миллатлар ва халқларнинг турмуш тарзи, маданияти, анъана ва урф-одатларини куч билан ўзгартиришга, кенг халқ оммасини бошқаларнинг сиёсий иродасига бўйсиндириш ва мафкуравий асоратга солишга, ўзаро адоватга асосланган ижтимоий тартибларни қарор топтиришга, миллатга ёт, бузғунчи, вайронкор мафкуравий тасаввурларни тарғиб қилишга қаратилган. Бузғунчи ғоялар ва мафкуралар азалий маданиятнинг емирилишига, давлат ва жамият ҳаётида салбий ҳодисаларнинг кучайишига сабаб бўлган, кўплаб халқларни ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқидан маҳрум этган. Ғоялар ҳукумронлигининг тамал тоши айнан қадимий цивилизациялар даврида қўйилаган эди. Унга биноан, одатлар ва таомилларга эмас, балки ғоялар ёки бирор мақсадга бўйсундирилган муайян тилдаги инсон хулқ-атворини шакллантириш мумкин эди. Лекин шу билан бир вақтда, қадимданоқ кишилар онгини найранг ва алдовлар воситасида, ёлғон идеаллар билан заҳарлаш имконияти ҳам пайдо бўлди [2].

Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари – ижтимоий психологик муаммо сифатида хориж тадқиқотчилари доирасида қай тариқа ва қандай ўрганилганлигини таҳлил қилиш ҳамда талқин қилиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мафкуравий иммунитет шаклланишига оид олиб борилган назарий-илмий ва амалий-услубий тадқиқотлар кўламига маълум тартибда баҳо бермай туриб, ўсмирларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи ҳақида фикр-мулоҳаза юритиб бўлмайди.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнида инсонлар онги учун кураш ва ахборот хуружлари ҳамда очиқ ва ёпиқ мақсадларни кўзлаган ғоявий, маънавий, мафкуравий таҳдидларни инобатга оладиган бўлсак, мазкур таҳдидларга нисбатан инсонларда барқарор мафкуравий иммунитет шакллантириш ишлари қай даражада масъулиятли эканлиги кўп ҳолларда мафкуравий иммунитетнинг психологик омили ва унинг таркибий қисмларини билишимизга боғлиқдир.

Бундан кўринадики, ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишида психологик омилларнинг аҳамиятини ижтимоий психологик жиҳатдан тадқиқ этишда юқорида санаб ўтилган психологик жабҳаларга таяниб изоҳлаш муҳимдир.

Ҳозирги кунда психология фанида шахсларда мафкуравий иммунитет шаклланиши хусусиятларини баҳолашга доир асосий назарий ёндашувлар етарлича баён этилмаган бўлса-да, қуйидаги хориж олимларининг психологик ишларини эътиборга олиш муҳимдир.

Хориж манбаларини таҳлил қилганимизда айнан мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи шахснинг тўлақонли шаклланиши, соғлом хулқ-атвор ва уни бошқариш механизмлари, ўсмир шахсда “Мен” концепцияси, унинг шаклланиш қонуниятлари, шахснинг психологик ҳимоя механизмлари, ўзини ўзи англаш қонуниятлари, ижтимоийлашув жараёни, қадриятлар тизими, маънавий билимларни орттириш, этнопсихологик ва миллий характерологик хусусиятлар шаклланиш каби шахснинг ҳар хил ғоя ва мафкура мақсадларини англашга ёрдам берувчи масалаларда бир қатор тадқиқотлар олиб борилганлигига гувоҳ бўламиз.

https://buxdu.uz

Бизда табиий равишда психологик ҳимоя тизими нима ўзи ва унинг таърифи қанақа бўлади?, “унинг вазифаси нимадан иборат?”, “у кимни нимадан ёки кимдан ҳимоя қилади?”, “унинг бўлиши инсонларга керакми ёки аксинчами?”, деган ўринли саволлар туғилади.

Кўплаб тадқиқотлар шахснинг психологик ҳимоя механизмларига қуйидагича таъриф беришимизни тақозо қилади. Психологик ҳимоя – бу шахсни салбий кечинмалардан ҳимоя қилишга йўналтирилган англанмаган психик жараёндир.

Энди шахсларда психологик ҳимоя механизмларининг шаклланиш қонуниятлари ва шу асосда юқорида туғилган саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Р.Плутчик, психологик ҳимоя механизмига “объектив вазиятнинг инсон томонидан реал тарзда идрок этилиши натижасида вужудга келувчи зиддиятли, ташвишли ҳолатларни ҳиссий-эмоционал тарзда юмшатиш, руҳий зўриқишни пасайтириш” сифатида қарайди. Бу ўринда иккита бир-бирига қарама-қарши фикр майдонга келади. Психологик ҳимоя механизми биринчи ҳолатда инсоннинг ўз-ўзини ривожлантиришига, ўз-ўзини қайта қуришига монелик кўрсатади, сабабки, “Мен-образи”ни хавфдан сақлаш учун инсон хотиржамликка берилади, ташқи шарт-шароитга, вазиятга мослашишга ундайди; иккинчи ҳолатда эса инсон ички руҳий ва ташқи тўсиқларни, зиддиятларни енгишга, уни бартараф этишга чоғланади. Бу ўринда “Мен образи”ни ривожлантириш мақсадида кучли эмоционал зўриқиш ҳолатини бошдан кечиришга рози бўлади, у ўз устида ишлайди, муаммонинг ечимини излайди.

Шахс психикасида илк болалик давридан бошлаб умрининг охирига қадар “психологик ҳимоя”, “психиканинг ҳимоя механизмлари” деб аталувчи механизмлар шаклланади ва ривожланиб боради. Бу механизмлар шахс онгини турли салбий эмоционал кечинмалардан ва перцепциялардан, ўзи учун нотўғри деб ҳисоблаган фикрлардан асрайди. Аслида бу ерда фикр турли мослашиш жараёнларида шахс ўзи томонидан эгаллайдиган хусусиятлар ва сифатлар ҳақида кетмоқда.

“Психологик ҳимоя”, “ҳимоя механизмлари” атамалари З.Фрейд томонидан фанга киритилганидан сўнг, бу тадқиқотлар янада катта шиддат ва қизиқиш билан интерпритацияланиб, трансформацияланиб ва модернизацияланиб келинган. Шунингдек, психоаналитик йўналишларнинг турли давр тадқиқотлари ва психотерапевт намояндалари томонидан ҳамда бошқа психологик йўналишлар – экзистенционал, психология, инсонпарварлик психологияси, гештальт психология ва бошқаларнинг изланишларида кўриш мумкин.

“Ҳимоя” ва “курашиш” психиканинг махсус механизмлари сифатида унга ёқимсиз туйғу ва хотиралардан халос бўлишга ёрдам беради. Уларни онгдан ташқарида тутади, яъни хавотир ва стрессни ушлаб туради ҳамда онгсиз компенсацияни бажаради. Тарихда муайян бир из қолдирган, ўз таъсирини ўтказган ҳар қандай мафкура борки, у бирон бир ғояни асос қилиб олган ва уни мутлақлаштиришга ҳаракат қилган. Бироқ, ўтмиш тажрибаси мутлақ ҳақиқатга даъво қиладиган, яккаҳокимликка интиладиган мафкуранинг келажаги йўқлигини исботлади. Зеро ғоялар мутлақлаштирилса, ҳурфикрлик, виждон ва эътиқод эркинлиги, қарашлар хилма-хиллиги, тафаккур озодлиги чекланади. Натижада, шу миллат ёки давлатни ҳалокатга ва таназзулга дучор этадиган муҳит пайдо бўлади [3].

Ҳар кандай илмий концепция, психологик таълимот, диний илоҳий мактаб, ижтимоий-сиёсий мафкура бир ёки бир неча ғояларга таянади, булар асосида ўз тизимини яратади, ана шундагина яхлит тизим сифатида яшай олади. Демак, бу ўринда ғоя ва мафкураларнинг мутлақлаштириш оқибатлари эмас, тарихий кўринишлари баён этилган.

Бизнингча, бузғунчи ғояларни илмий таснифлашда тарихийлик ва мантиқийлик усулидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ. Хусусан, бундай ғоя ва мафкураларни синфларга ажратиш учун асос сифатида таъсир нишонлари, яъни бузғунчилик объекти олинадиган бўлса, қуйидаги гуруҳлар ажратилиши мақсадга мувофиқ:

1. Жамият ва шахс руҳиятига таҳдид солувчи ғоялар (ахлоқсизлик, эгоцентризм, космополитизм, лудомания ва ҳ.к.).

2. ирқий, диний, этник, миллий тенгликка ҳамда халқнинг озод яшаш ҳуқуқига қарши қаратилган ғоялар (шовинизм, агрессив миллатчилик, панисломизм, панарабизм ва шу кабилар);

https://buxdu.uz

3. давлат ёки миллатнинг ижтимоий, ҳудудий, маънавий яхлитлигига қарши қаратилган ғоялар (сепаратизм, синфий кураш, маҳаллийчилик, ақидапарастлик ва бошқалар);

4. давлатнинг суверенитети, озодлиги ва эркин яшаш ҳуқуқига қарши қаратилган ғоя ва мафкуралар (ноагрессив босқинчилик, тажовузкорлик, колониализм, мустабидчилик, неоколониализм, терроризм, диний экстремизм ва ҳ.к); Юқоридаги тасниф, гарчи мукаммал бўлмасада, бузғунчи, ёвуз мафкура ва ғояларни маълум бир асосда гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Методика. Ўсмирларни мафкуравий иммунитетини тадқиқ қилишда “Субъектив назорат локуси” хусусиятларини ўрганишни лозим деб билдик**.** Мазкур метод Дж.Роттер томонидан қуйидагича изоҳланади. Агар одам ички локус назоратига эга бўлса, бундай одамларни интерналлар деб аташади. У ўзини ҳаётининг яратувчисидек ҳис қилади. ***Интерналлар бошқаларни таъсирига унчалик тушмайдилар***, агар уларни бошқаришга бўлган уринишни сезишса, бунга нисабатан ўз қаршиликларини кўрсатадилар. Назорат остида ишлагандан кўра, ёлғизликда яхшироқ ишлайдилар ва шахсий эркинлик йўқлигини қийин кечиришади. Ўзи билан содир бўлаётган ҳолат ва жараёнларни ташқи, ўз ихтиёрида бўлмаган кучлар, одамлар таъсири натижаси, деб биладиган инсонларни экстернал деб аташади. Улар содир бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммасини қабул қилишга йўналган бўлади. Бундай кайфиятдаги инсонлар ижодий ҳаётда интерналлар каби юқори чўққиларни эгалламаса-да, ечими мураккаб бўлган муаммоларни ўзига олмайди. Экстерналлар комформли қонунга риоя этадилар, ***атрофдагилар таъсири ва босимига тушадилар,*** ёлғизликдан кўра одамлар билан биргаликда яхшироқ ишлайдилар. Улар ўз фаолиятини ташкил этишда қийналишади, режалаштиришда, асосан, ташқи талабни инобатга оладилар.

Локус назорат инсоннинг атрофдагилар билан муносабатини қандай қуриши билан узвий боғлиқ. Қоида бўйича интерналлар ўзига ишонган, гуруҳда машҳур ва экстерналларга қараганда сабрлироқ. Интерналларда ўз соғлигига нисбатан фаол муносабат аниқланган: улар соғлигининг хусусиятларини яхшироқ билишади, ўзига қарашади ва профилактик ёрдамга кўпроқ мурожаат қиладилар. Экстерналлик эса аксинча, тушкун кайфият соғлиги учун хавотир билан тавсифланади [4].

Кўп йиллар давомида локус назорат шахснинг барқарор тавсифномаси узоқ вақт сақлаб қолинадиган ва унинг ҳаёт соҳаларидаги ҳамма ютуқ ва муваффақиятсизликлари соғлиқ, ўқиш, иш, оила, дўстлари билан муносабатларига алоқадор деб қаралган. Аммо кейинчалик, локус назорат одам ҳаётига таъсир этишнинг реал имкониятларига қараб ўзгариши мумкинлиги аниқланади.

Жадвал № 1.

Субъектив назорат локуси билан психологик ҳимоя механизмларининг ўзаро корреляцияси

	инкор этиш	сиқиб чиқариш	регрессия	компенсация	проекция	ўрин алмаштириш	интеллектуали-зация	реактив таълим
интернал	**,070(*)**	0,024	0,029	-0,006	0,021	-0,04	0,018	-0,046
экстернал	-0,033	-0,039	-0,004	0,028	-0,004	0,014	-0,024	0,042

Яъни, ўсмирлар қанчалик интернал бўлсалар, инкор қилиш юқори бўлар экан, интерналлик ҳар бир вазиятларда масъулиятни ўзига олиш ҳолатлари билан боғлиқдир. Масъулиятни ўзига олган ўсмирларнинг инкор қилишга мойиллиги аниқланди.

Янов-Булманнинг таянч эътиқодлар шкаласи ва унинг тадқиқот мақсадига мослиги.

https://buxdu.uz

Ушбу сўровнома когнитив концепциялар доирасида шахснинг таянч эътиқодларини аниқлашга қаратилган. Унга кўра, нормал инсонга хос ҳислардан бири хотиржамлик, ҳар қандай хавфдан холиликдир. Америкалик психолог **Янов-Бульманнинг** фикрига кўра, базавий эътиқодлар 3та категориядан иборат бўлиб, бизнинг субъектив оламимиз ядроси ҳисобланади. **Янов-Булман** базавий эътиқодлар шкаласини диагностика қилиш мақсадида ишлаб чиққан бу шкала 8та категориядан иборат:

1. Дунёни англашга бўлган муносабат.
2. Инсонларнинг яхшилигига ишонч.
3. Ҳаётнинг одиллигига ишонч.
4. Ҳаётнинг бошқарувчанлигига ишонч.
5. Тасодиф бўлаётган воқеаларни тақсимланиш тамойили сифатида билиш.
6. Ўз “Мен”ининг қадр-қимматини юқори қўйиш.
7. Ўзини ўзи бошқариш даражаси.
8. Омад даражаси.

8 та шкалага юқоридаги 4 мулоҳаза тўғри келади. Ҳар бир шкаланинг мазмуни ўртача арифметик қийматга қараб аниқланади. Тасдиқ баллар синалувчи белгилаган “+”ларга қараб ўлчанади.

Бирламчи тасдиқланган категориялар юқоридаги 3та умумлашма йўналишга қараб баҳоланади:

1. Атроф-муҳитга ва дунёга (БW ва БП) бўлган ижобий муносабатлар ўртасидаги арифметик қиймат ёрдамида топилади (ҳаётнинг гўзаллиги ва инсонларнинг яхшилиги);

2. Ҳаётни англашга, воқеаларнинг адолатлилигига бўлган муносабат Ж (ҳаёт адолати), С (ҳаётни бошқариш) ва реверсив Р (тасодиф) ўртасидаги ўртача арифметик қиймат ёрдамида аниқланади.

3. Шахс қадриятлари, омадга бўлган муносабат CW (“Мен”нинг қадри), СС (ўзини ўзи назорат қилиш) ва Л (омад)

Калит:
БW - 5, 9, 25, 30
БП - 2, 4, 12, 26
Ж - 1, 7, 14, 19
С - 11, 20, 22, 29
Р - 3, 6, 15, 24
CW - 8, 18, 28, 31
СС - 13, 17, 23, 27
Л - 10, 16, 21, 32

Янов-Булъманнинг таянч эътиқодлари ва психологик ҳимоя механизмлари ўртасида қуйидаги алоқалар кузатилди.

Жадвал № 2.

Янов-Булманнинг “Таянч эътиқодлар” методикаси билан психологик ҳимоя механизмларининг ўзаро корреляцияси

	инкор этиш	сиқиб чиқариш	регрессия	компен-сация	Проек-ция	ўрин алмаш-тириш	интел-лектуа-лизация	реактив таълим
Дунёни билиш	0,028	-0,004	0,013	0,042	0,022	0,029	0,026	-0,003
инсонларнинг яхшилиги	-0,005	-0,058	-,077(*)	-0,031	,070(*)	-0,047	0,054	0,012
ҳаётнинг одиллиги	-0,036	0,01	-0,001	0,025	0,039	0,028	0,056	-0,004
ҳаётнинг бошқарув-чанлиги	-0,009	-0,061	-0,048	-0,032	,096(**)	-0,06	-0,003	-0,008

https://buxdu.uz

тасодиф бўлаётган воқеалар	-0,011	-0,039	-,072(*)	0,003	0,055	-,075(*)	0,058	-0,024
ўз менининг қадр-қиммати	0,004	-0,009	-0,006	-0,026	,068(*)	-0,018	0,046	0,021
ўзини ўзи бошқариш	0,007	-0,018	-0,048	-0,023	0,044	0,032	0,043	-0,003
омад даражаси	0,018	-0,036	-0,031	0,008	0,022	-0,013	-0,011	0,02

“Дунёни билиш” - таянч эътиқод шкаласи психологик ҳимоя механизмига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. “Дунёни билиш” - таянч эътиқодида психологик ҳимоя механизмлари қўлланилмас экан. Инсонларнинг яхшилиги, ишонч таянч эътиқод шкаласи ва регрессия психологик ҳимоя механизми ўртасида тескари муносабатлар кузатилди (r=-0,077; p<0.05). Улар қанчалик инсонларни яхши деб тасаввур қилсалар, регрессия психологик ҳимоя механизми пасайиб боришини кўрсатади. Бу кўрсаткич проекция психологик ҳимоя механизми билан тўғри муносабатга киришишини кўрсатди (r=0,070; p<0.05). Инсонларнинг яхшилигига ишонса, проекция қилиш ҳам ортиб борар экан. “Тасодифий бўлаётган воқеалар” - таянч эътиқоди ўрин алмаштириш психологик ҳимоя механизмига тескари таъсир кўрсатиши мумкин эканлиги аниқиланди (r=-0,075; p<0.05). Ўз қадр қимматини юқори қўйган инсонларда проекция психологик ҳимоя механизми ортиб бориши ҳам аниқланди (r=0,068; p<0.05).

Хулоса. Юқоридаги барча мулоҳазалар шахс камолотида соғлом хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш, шунингдек, шахснинг гўзал одобли, инсонпарвар ғояларга эга бўлиб бориши, иродавий ҳамда характерологик сифатларни ривожлантириш, шу жумладан, ўзини ўзи тўлақонли англаш тизимини такомиллаштириш асосида уларда маънавий, мафкуравий, психологик иммунитет ҳосил қилиш муҳим эканлигини кўрсатди. Зеро, алломаларимиз томонидан қолдирилган илмий меросда илгари сурилган ғоялар бугун ёшларни нафақат ақлан, ахлоқан, балки уларда бузғунчи, ёт, вайронкор ғоя ва мафкураларга қарши мустаҳкам, барқарор мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Джерролд Пост Террорчиликнинг психологик илдизлари, мақоласи 2013 й. – Б. 12.
2. Доценко Е.Ж. Механизмы психологической защтиы от манипулятивного воздествия. Автореф. Д. К. Психол. Н. 19.00.01. – М., 1993. – С. 162.
3. Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. – Т.: Маънавият, 2000.
4. Зелинский С. А. Манипуляции массами и психоанализ: манипулирование массовыми психическими процессами посредством психоаналитических методик. – Санкт-Петербург: Скифия, 2008. – С. 235.
5. Засурский И.И. Масс-медиа второй республики. – М.: Мысль, 1999. – С. 246.
6. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. – Т.: “Наврўз нашриёти, 2018. – 344 б.

https://buxdu.uz

Облоқулов Жавлонбек Жалолиддинович,
Самарқанд давлат университет
психология кафедраси ўқитувчиси

ЎСПИРИНЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎРГАНИШНИНГ (АНИҚЛАШНИНГ) ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: *ушбу мақола ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашида юзага келадиган салбий ўзгаришларнинг психодиагностикаси ва психокоррекциясига бағишланган бўлиб, дастлабки тадқиқотларда ўспиринлар дунёқарашини аниқлашга йўналтирилган ижтимоий психологик сўровнома (ИПС) дан фойдаланилган. Унда ўспиринларни ёт ғоялар таъсирига берилувчанлигининг асосий сабаблари, ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган замонавий ахборот психологик таҳдид манбалари, уларнинг таъсир доиралари, ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларни аниқлаш жабҳалари, ўспиринлар ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи етакчи мотивлар, ўспиринлар тарбиясида масъулиятни (кимлар) баҳоланиши эмпирик ўрганилган, натижалар ёритилган ва психологик таҳлиллари берилган.*

Калит сўзлар: *ахборот, глобаллашув, психологик уруш, интернет, ўспирин, тўлқин, терроризм, экстремизм, тушкунлик, махфий сирлар, ғоялар тўқнашуви, қонуниятлар кризиси, ҳимоя механизми, ҳаётий стратегия, ижтимоийлашув, ўзини-ўзи англаш.*

Аннотация: *эта статья посвящена психодиагностике и психокоррекции неблагоприятных изменений мировоззрения подростков в процессе глобализации с использованием социально-психологического опроса (СПО), направленного на выявление мировоззрения подростков. Основными причинами приверженности подростков воздействию явных идей, источниками современных психологических угроз, влияющих на отношение подростков, их областями воздействия, тенденциями в продвижении мировоззрения молодежи, ведущими мотивирующими мотивами для жизни и деятельности подростков, обязанностями образования подростков, выявлены результаты и даны психологические анализы.*

Ключевые слова: *информация, глобализация, психологическая война, интернет, молодежь, волна, терроризм, экстремизм, депрессия, скрытые секреты, конфликт идей, правовой кризис, механизм защиты, жизненная стратегия, социализация, самопонимание.*

Abstract: *the article is devoted to the psychodiagnostics and psycho-correction of adverse changes in the worldview of adolescents in the process of globalization using a socio-psychological survey (SPS), aimed at identifying the worldview of adolescents. The main reasons for adherence of adolescents to the impact of clear ideas, sources of modern psychological threats affecting adolescents 'attitudes, their areas of influence, trends in promoting the worldview of young people, leading motivating motives for adolescents' life and work as well as the adolescent education duties have been studied empirically. The results of the study have been discussed and psychological analyses have been presented.*

Key words: *information, globalization, psychological warfare, the Internet, youth, the wave, terrorism, extremism, depression, hidden secrets, the conflict of ideas, the legal framework crisis, defense mechanism, life strategy, socialization, self-understanding.*

Мавзунинг долзаблиги: Глобаллашув жараёни бугунги кунга келиб, мамлакатларнинг иқтисодиёт ва молиявий ҳаёт доирасидан чиқиб, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий ҳаёт доираларини ҳам қамраб олди. Айниқса, ғоявий психологик уруш кўринишида ёшлар онгига ва маънавиятига йўналган таҳдидларнинг интернет ва бошқа замонавий ахборот воситалари орқали ёшлар ҳаётига кириб, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ўспиринларнинг йўналганлигида, дунёқарашида, тафаккури ва онги-шуурида салбий ўзгаришларни намоён қилаётганлиги ота-оналар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Шу нуқта назардан ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган замонавий ахборот таҳдидларининг кўринишлари, юзага келиш хусусиятлари, йўналганлиги, мақсади ва уларни

https://buxdu.uz

қўллаб-қувватловчи асосий манбаларни ўрганиб, уларнинг моҳиятини тарбиявий-психологик меъёрлар асосида баҳолашга ҳаракат қилдик. Замонавий ахборот таҳдидлари таъсирида турли мамлакатларда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни издан чиқаришга йўналтирилган усуллар, ёшлар тарбияси ва дунёқарашига путур етказиш билан боғлиқ оқибатлар ва бошқа салбий натижалар салмоғи асосланди.

Методика: Дунёқарашида фалсафий (илмий) дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётган ўспиринларда (44,3 %) инсонни ўраб турган бутун воқелик – борлиқ, табиат, жамият ва инсоннинг (унинг тафаккури, онги шуури) ўзаро муштараклиги, улардаги тараққиёт қонуниятлари ва зарур шарт-шароитларнинг узвийлиги, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи, ўзгартирувчи муҳим омилларнинг моҳияти тўғрисидаги фикр ва қарашларида, илмий тушунча, тасаввур ва билимларга асосланиши, илмий ва ҳаётий ечимлар ҳамда реал воқеликка таяниб баҳо беришлари кузатилди. Шундай бўлсада, фалсафий-илмий дунёқараш устунлик қилаётган ўспиринларнинг фикр ва қарашларида турмуш билан боғланганлик (кундалик) дунёқарашга яқинлик (таяниш) ёндашувлари ҳам ифодаланди.

Мазкур натижалар таҳлили бизга ўспиринлар дунёқарашининг шакллари ва йўналганлигини аниқлаш мақсадида яққол тасаввурга эга бўлишимиз учун зарур эди.

Ўспиринларнинг 7,4 % ида мифологик дунёқараш ёки ҳаёлий образлар ва афсоналарга таянувчи дунёқараш етакчилик қилаётганлиги, айнан шу ўспиринлар оиласида тарбиявий жараёнларга енгил-елпи қараб, тарбиявий жараён яхши кечмаганлиги, оилавий тарбияда мифологик қарашлар устунлик қилганлиги (жумладан, шу мазмундаги филъмларни кўриш, китобларни ўқиш), оиладан кейинги таълим тизимида ана шундай ёшлар тарбиясига ва унинг дунёқарашига тарбиячилар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик эътиборсизлик билан қараганлиги оқибати деб баҳолаш мумкин. Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида амалдаги таълим тизимида айнан шу ёшларнинг бошқа тенгдошлари учун бу ҳолатлар салбий таъсири билан қатор муаммоларни шаклланишига олиб келиш эҳтимоли мавжуд. Чунки, мифологик дунёқараш воқелик ҳақидаги ҳаёлий образлар ва афсоналарга таянувчи билимлардан тўпланган ва тизимга солинган бир даврда (шундай муҳит шаклланган оила ва бошқа жойларда) вужудга келади. Аслида бу ҳолат борлиқнинг инсон онгидаги ҳаёлий инъикоси сифатида қадимги давр кишилари учун хос бўлган. Улар воқеликни турли ривоятлар ва афсоналар асосида тасвирлаб, уни қаҳрамон халоскорлар, ёвуз ва эзгу кучларни ифодаловчи образлар тарзида билишган. Табиатдаги жонсиз жисмларни жонлантириб, олов, сув, ҳаво, табиат ҳодисаларини ҳам муайян жонли образларнинг намоён бўлиши деб ҳисоблашган. Ҳозирги ёшлар уларни ривоятлар ва афсоналар сифатида қабул қилиб, илм-фан ривожланган ҳозирги даврда илмий-фалсафий дунёқарашга асосланишлари ўринли бўлар эди.

Дунёқарашида диний тушунча ва тамойиллар устунлик қилаётган ўспиринлар 23,3 % ни ташкил қилаётганлиги ҳам оилавий ва оиладан кейинги таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор билан қарашни тақозо этади. Оилавий муносабатларда диний эътиқод ва дунёқарашларнинг устунлиги ҳамда бу ҳолатнинг оиладаги тарбия муҳитига сингиши ёшларнинг ҳаётда йўналганлиги ва илмий дунёқарашини шаклланиши учун энг хавфли омиллар сифатида хизмат қилади. Диний эътиқод ва диний дунёқарашга асосланган тарбия етакчилик қилган жойда ёшларда илмий-фалсафий дунёқарашнинг ривожланишига имконият қолдирмайди. Аслида диний тарбия ёшларни ҳар томонлама баркамол шаклланишига хизмат қилиши, уларда инсонга хос зарур сифат ва фазилатларни тарбиялашга, жамиятда амалда ҳукум сураётган миллий- маданий меъёрлар ва қадриятларни ўрганиш ҳамда амал қилишга йўналган бўлиши лозим. Чунки, диний таълимотнинг асоси бўлган муқаддас китоблар- Қуръони карим ва муқаддас ҳадисларда фақат инсон камолотини таъминлашга йўналган эзгу- ғояларни учратишимиз мумкин.

Бироқ, бугунги кунда дин ниқоби остида юриб, дин ва мусулмонлар халоскори сифатида диний экстремизм ва халқаро терроризм ғояларини, “оммавий маданият” кўринишларини иродаси бўш, тафаккури заиф, онги-шуурида тарбиявий бўшлиқ мавжуд бўлган ёшлар орасида тарғиб қилиб, ўша манфур кимсалар ўз мақсадлари ва манфаатлари йўлида астойдил иш олиб бормоқдалар.

Демак, ўз-ўзидан аёнки, дунёқарашида мифологик дунёқараш (7,4 %) ва диний дунёқараш (23,3 %) тамойиллари етакчилик қилаётган ўспиринларнинг мазкур нуқтаи назари нотўғридир. Улар ўзларини ўраб турган воқелик, табиат, жамият ва инсоннинг яралиши, инсоннинг онгли

https://buxdu.uz

мавжудот сифатида ривожланиш қонуниятлари, босқичлари ва унинг яратувчанлик имкониятларини илмий-фалсафий нуқтаи –назардан тушуниб боҳолай олмадилар. Бу ҳолат, улар билан боғлиқ кейинги ўқув-тарбиявий жараёнларни тубдан ўзгартиришни тақоза этади.

Турмуш билан боғланган (кундалик) дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётган ўспиринлар (25 %) билан ҳам янада кўпроқ ишлаш лозимлиги кўриниб турибди. Уларнинг дунёқарашида кундалик турмуш билан боғлиқ ақлга сиғадиган тасаввурлар, олам ва одам тўғрисидаги оддий анъанавий қарашлар етакчилик қилади. Уларни бутун борлиқ, ташқи олам, табиат, жамият, инсон онги ва тафаккурининг муштараклиги ҳамда уларда кечадиган умумий қонуниятларни чуқурроқ англашга интеллектуал имкониятлари етарли шаклланган деб бўлмайди.

Дастлабки тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ҳозирги ўспирин ёшларнинг 44,3 % идагина илмий-фалсафий дунёқараш барқарор шаклланганлиги, улар атроф воқеликни, табиат, жамият ва инсон моҳиятини, уларнинг ўзаро муштараклигини илмий баҳолашда ўзларининг билими, ақлий имконияти, ахлоқ-одоби билан тенгдошларига нисбатан анча афзалликлари аниқланди.

Ўспиринлар 30,7 % ининг (7,4%+23,3%) дунёқарашидаги янглиш тасаввурларни вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ шарт-шароитларни тубдан ўзгартириш ва қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Ўспиринларнинг 25% и ўзларидаги мавжуд дунёқарашни тузатиб, борлиқни илмий-фалсафий тушуниш даражасига эришиш учун билимларини чуқурлаштириши ва методологик ёндашувларини тузатишлари лозим. Ўспиринларнинг 44,3% и ўзларида мавжуд бўлган илмий-фалсафий дунёқараш юзага келиши ва ривожланиши билан боғлиқ манбаларни аниқ ҳамда яққол тасаввур қилаётганликлари ёшларни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш учун янада муҳимдир.

Тадқиқот учун ўрганилаётган навбатдаги ўспиринлар дунёқарашини аниқлашга хос манбалар ёки белгилар тадқиқот ўтказилган ўспиринлар томонидан аҳамиятига қараб танланиши айтилди. Улар томонидан танланганлик даражаси (ўрни) 1-ўрин (максимал) дан 5-ўрин (минимал)гача белгиланди. Тадқиқот ўтказилгандан сўнг ўспиринлар дунёқарашини аниқлашга хос манбалар ёки белгиларнинг аҳамият даражаси (ўрни)ни аниқлаш ва шунга нисбатан фоиз имкониятини чиқариш учун биз қуйидаги таҳлил (формула) дан фойдаландик. 1-даражали деб танланган белгилар 5 имкониятга, 2-даражалилар 4 имкониятга, 3-даражалилар 3 имкониятга, 4-даражалилар 2 имкониятга, 5-даражалилар 1 имкониятга эга эканлигини белгиладик.

Аҳамиятига қараб 1-даражали (5 имкониятга эга) деб кўрсатилган белги учун 100 % (энг юқори кўрсаткич) белгиланса, у ҳолда 5-даражали (1 имкониятга эга) деб кўрсатилган белги ўз-ўзидан (100% : 5=20%) 20% га тенг бўлади. Агар тадқиқот ўтказилган ўспиринлар дунёқарашини аниқлашга хос манбалар ёки белгилар танловда аҳамиятига кўра 1,59 даражани олган бўлса, унда ушбу кўрсаткич 1-даражалидан 0,59 даража пастлигини билдиради. Ёки 5 имкониятдан 0,59 имконият чиқариб ташланади, натижада 4,41 имконият (5-0,59=4,41) ҳосил бўлади. Бир имконият 20 % га тенг бўлганида 4,41 имконият 88,2 % (20% х 4,41 = 88,2 %) га тенг бўлади. Бошқа манба ёки белгиларнинг кўрсаткичлари ҳам худди шу тартибда ишланди.

Жадвал № 1.

Ўспиринларда ёт ғоялар таъсирига берилувчанликнинг асосий сабаблари. (n=406)

№	М А Н Б А Л А Р	Танлов натижалари	
		Ўрин	Фоиз
1.	Ўспириннинг етарлича тарбияланмаганлиги, унда тарбиявий бўшлиқнинг мавжудлиги	1,79	84,2
2.	Ўспирин тақдири учун ота-оналарнинг эътиборсизлиги (тарбияда лоқайдлик, бепарволик, назоратнинг йўқлиги)	1,80	84,0
3.	Ўспиринга иқтисодий етишмовчиликнинг таъсири	2,52	69,5
4.	Ўспирин ёт ғояларнинг психологик таъсир кучи устунлигига ишониб(алданиб), ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши	2,56	68,8
5.	Ўспирин маънавиятининг бўшлиги натижасида ёт ғояларга шониш (ғоялар тўқнашувида ёт ғояларни устун деб билиши)	2,77	64,5
6.	Ўспирин иродасининг бўшлиги, унда тобеликнинг мавжудлиги (иродавий сифатлар яхши шаклланмаган)	3,20	56,1

https://buxdu.uz

Ўзбек миллий-маданий муҳитида шаклланаётган ўспирин ёшлар, уларнинг ота-оналари, ижтимоий фан соҳаси ўқитувчиларида, ўспиринларда ёт ғоялар таъсирига берилувчанликнинг асосий сабабларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўтказилган анкета сўров натижаларига (1-жадвал) кўра, ўспириннинг етарлича тарбияланмаганлиги, унда тарбиявий бўшлиқнинг мавжудлиги (ўринлар йиғиндиси 1,79; 84,2%), ўспирин тақдири учун ота-оналарнинг эътиборсизлиги (тарбияда лоқайдлик, бепарволик, назоратнинг йўқлиги) (ўринлар йиғиндиси 1,80; 84 %), ўспиринга иқтисодий етишмовчиликнинг таъсири (ўринлар йиғиндиси 2,52; 69,5%), ўспирин ёт ғояларининг психологик таъсир кучига (манупуляцияга) алданиб, ҳаётга ўз ўрнини топишга уриниши (ўринлар йиғиндиси 2,56; 68,8%) ўспириннинг ёт ғоялар таъсирига берилувчанлигининг энг таъсирчан манбаи деб ҳисоблайдилар.

Ўспиринларда ёт ғояларга берилувчанликнинг юзага келишида ўспирин маънавиятининг бўшлиғи натижасида ёт ғояларга ишониш (ўринлар йиғиндиси 2,77; 64,5%), ўспирин иродасининг бўшлиги, тобеликнинг мавжудлиги (иродавий сифатлар яхши шаклланмаганлиги) (ўринлар йиғиндиси 3,20; 56,1%) ҳолатлари ҳам муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этадилар. Мазкур тадқиқот ўспирин ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига берилувчанлигининг муҳим омилларини аниқлашга йўналган бўлиб, ушбу йўналишда олиб борилиши зарур бўлган тарбиявий-психологик дастурлар ва шарт-шароитларни яратиш истиқболларини белгилашга ёрдам беради.

Шундан сўнг биз, тадқиқотларимиз дастурига асосланиб, ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларни намоён бўлиш жабҳаларини ўрганиш мақсадида айнан шу респондентлар контингенти билан анкета сўровномалари ўтказдик.

Сўровнома натижаларига (2-жадвал) кўра, ўспиринлар билан суҳбатлашиб, ўзаро мулоқот ва муносабат жараёнида унинг билими, фикрлаши, қизиқиши, эътиқоди ва дунёқарашига хос жиҳатларни ўрганиш (ўринлар йиғиндиси 1,68; 86,5%), ўспиринларни юриш-туриши, ўзини тутиши, одамлар билан бўлган ўзаро муносабати, нарсаларга, ҳодисаларга ва воқеаларга бўлган муносабатини кузатиш орқали аниқлаш (ўринлар йиғиндиси 1,72; 85,7%) ўспиринлар дунёқарашида салбий ўзгаришлар намоён бўлишининг асосий манбалари эканлиги қайд этилди.

Жадвал № 2.

Ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларни аниқлашнинг жабҳалари. (n=406)

№	Ў Р Г А Н И Ш М А Н Б А Л А Р	Танлов натижалари	
		Ўрин	Фоиз
1.	Ўспиринлар билан суҳбатлашиб, ўзаро мулоқот ва муносабат жараёнида унинг билими, фикрлаши, қизиқиши, эътиқоди ва дунёқарашига хос жиҳатларини ўрганиш билан	1,68	86,5
2.	Ўспиринларни юриш-туриши, ўзини тутиши, одамлар билан бўлган ўзаро муносабати, нарсаларга, ҳодисаларга ва воқеаларга бўлган муносабатини кузатиш орқали	1,72	85,7
3.	Ўспиринларнинг очиқ оммавий ахборот тизимида шахсга, жамиятга ва давлатга йўналтирилган таҳдидларга нисбатан муносабатини аниқлаш билан	2,32	73,6
4.	Ўспиринларнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган (айниқса, интернетдан фойдаланиш) қизиқиши, муносабати, ундан фойдаланиш маданиятини ўрганиш ёрдамида	2,37	72,6
5.	Ўспиринларнинг амалий фаолияти ва фаолият натижаларини ўрганиш асосида зарур маълумотларни тўплаш орқали	2,77	64,5

Ўспиринлар дунёқарашида намоён бўладиган салбий ўзгаришларни аниқлашда ўспиринларнинг очиқ оммавий ахборот тизимида шахсга, жамиятга ва давлатга йўналтирилган таҳдидларга нисбатан муносабатини аниқлаш (ўринлар йиғиндиси 2,32; 73,6%), ўспиринларнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган (айниқса, интернетдан фойдаланиш) қизиқиши, муносабати, ундан фойдаланиш маданиятини ўрганиш (ўринлар йиғиндиси 2,37; 72,6%) манбалар сифатида муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Респондентларнинг фикрича ўспиринларнинг амалий фаолияти ва фаолият натижаларини ўрганиш асосида зарур маълумотларни тўплаш (ўринлар йиғиндиси 2,77; 64,5%) ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилади.

https://buxdu.uz

Ўспиринлар дунёқарашида юзага келадиган салбий ўзгаришларнинг психологик асосларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўспиринлар ҳаёти ва фаолияти йўналишларини белгиловчи етакчи мотивларини ҳам аниқлашга ҳаракат қилдик. (3-жадвал)

Жадвал № 3.

Ўспиринлар ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи етакчи мотивларни аниқлаш. (n=352)

№	М А Н Б А Л А Р	Танлов натижалари	
		Ўрин	Фоиз
1.	Яхши ўқиш, касб эгаллаш ва фаровон турмуш-тарзига эришиш	1,46	90,9
2.	Ўзи, оила аъзолари ва халқи учун яшаш, ватанига астойдил хизмат қилиш	1,69	86,3
3.	Пул топиш, яхши яшаш, тинч-фаровон турмуш кечириш	2,50	70,0
4.	Ҳаётда яхши вазифа ва лавозимларга эришиш, обрў-эътибор топиш, бой-бадавлат яшаш	3,48	50,5

4-жадвалда баён этилган натижаларга кўра, яхши ўқиш, касб эгаллаш ва фаровон турмуш-тарзига эришиш (ўринлар йиғиндиси 1,46; 90,9%), ўзи, оила аъзолари ва халқи учун яшаш, ватанига астойдил хизмат қилиш (ўринлар йиғиндиси 1,69; 86,3%) ўспиринлар ҳаёти ва фаолияти йўналишини белгиловчи энг муҳим ва зарур етакчи мотивлар эканлиги аниқланди.

Ўспиринларнинг фикрига кўра, пул топиш, яхши яшаш, тинч-фаровон турмуш кечириш (ўринлар йиғиндиси 2,50; 70%) ва ҳаётда яхши вазифа ва лавозимларга эришиш, обру-эътибор топиш, бой-бадавлат яшаш (ўринлар йиғиндиси 3,48; 50,5%) каби мотивлар ҳам ўспиринлар ҳаёти ва фаолиятини белгилашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги қайд этилди.

Биз навбатдаги тадқиқотларимизда ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган замонавий ахборот-психологик таҳдид манбаларининг кўринишлари ва уларнинг таъсир даражасини баҳолаш мақсадида анкета сўровномаларини ўтказдик. (4-жадвал)

Жадвал № 4.

Ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган замонавий ахборот-психологик таҳдид манбаларининг кўринишлари (n=406)

№	М А Н Б А Л А Р	Танлов натижалари	
		Ўрин	Фоиз
1.	Оммавий маданият	1,46	90,8
2.	Диний экстремизм	2,00	79,9
3.	Терроризм	2,12	77,6
4.	Коррупция	2,22	75,6
5.	Одам савдоси	2,72	65,7
6.	Кибертерроризм	3,19	56,1
7.	Фундаментализм	3,57	48,7
8.	Миссионерлик	3,76	44,8

Респондентлар жавобларини психологик таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган замонавий ахборот-психологик таҳдидларининг энг хавфлилари ҳамда шахс ва жамият ҳаётида аянчли оқибатларни келтириб чиқарувчи “Оммавий маданият” (ўринлар йиғиндиси 1,46; 90,8%), диний экстремизм (ўринлар йиғиндиси 2,00; 79,9%), терроризм (ўринлар йиғиндиси 2,12; 77,6%), коррупция (ўринлар йиғиндиси 2,22; 75,6%) эканлигини қайд этдилар.

Ўспиринлар дунёқарашига салбий таъсир этадиган замонавий ахборот-психологик таҳдид манбаларининг қуйидаги кўринишлари: одам савдоси (ўринлар йиғиндиси 2,72; 65,7%), кибертерроризм (ўринлар йиғиндиси 3,19; 56,1%), фундаментализм (ўринлар йиғиндиси 3,57; 48,7%), миссионерлик (ўринлар йиғиндиси 3,76; 44,8%) лар ҳам ўспиринлар дунёқараши ва ҳаёт тарзини кескин ўзгартира олишда муҳим ўрин тутишини алоҳида кўрсатиб ўтганлар.

https://buxdu.uz

Жадвал № 5.

Ўспиринлар тарбиясига масъулликни (кимлар кўпроқ масъул ва огоҳ бўлиши керак) баҳоланиши

№	М А Н Б А Л А Р	Танлов натижалари	
		Ўрин	Фоиз
1.	Ота-оналар ва оила аъзолари	1,00	100
2.	Ўспириннинг ўзи	1,49	90,2
3.	Ўқиш ва меҳнат жамоалари ҳамда уларнинг раҳбарияти	1,75	85,1
4.	Ҳуқуқ тартибот органлари	1,82	83,5
5.	Маҳалла фаоллари ва жамоатчилик	2,17	76,6
6.	Қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар	2,41	71,8

Хулоса. Юқорида олиб борган тадқиқотларимиз ва уларни психологик таҳлил қилиш натижалари ўспиринлар тарбиясида масъулликни (кимлар кўпроқ масъул ва огоҳ бўлиши керак) респондентлар томонидан баҳоланиши ўрганилганда (5-жадвал), натижалар қуйидагича кўринишни акс эттирди: респондентларнинг 100 %и ўспиринлар тарбиясида ота-оналар ва оила аъзолари доимий масъул ва огоҳ бўлишлари кераклигини, кейинги ўринда ўспирин тарбиясида - ўспириннинг ўзи масъул ва огоҳ бўлиши муҳимлиги (ўринлар йиғиндиси 1,49; 90,2%), ундан сўнг ўқиш ва меҳнат жамоалари ҳамда уларнинг раҳбарияти ўспирин тарбиясида масъул эканликлари ва доимий огоҳ бўлишлари (ўринлар йиғиндиси 1,75; 85,1%) юқори ишонч билан баҳоланди.

Ўспиринларнинг тарбиясида мунтазам эътиборда бўлиш, улар тарбиясида янада масъулиятлироқ бўлишда ҳуқуқ тартибот органлари (ўринлар йиғиндиси 1,82; 83,5%), маҳалла фаоллари ва жамоатчилик (ўринлар йиғиндиси 2,17; 76,6%), қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар (ўринлар йиғиндиси 2,41; 71,8%) ҳам муҳим тарбиявий таъсир манбалари сифатида яқиндан ёрдам беришлари кўрсатиб ўтилди.

Тадқиқотимизда амалга оширилган ахборот глобаллашуви жараёнида ўспиринлар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларнинг юзага келиши билан боғлиқ ижтимоий-психологик омилларни янги ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС) ва шахслилик сифат ва хусусиятларини ўрганишда ишончли бўлган психодиогностик методлар ёрдамида атрофлича ўрганиб, натижаларни таҳлил қилиш асосида уларда шахслилик сифатлари, фазилатлари, хусусиятлари ва илмий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган ижтимоий-психологик тренинглар, яъни корпоратив тренинглар ҳамда сценарийлар мажмуасини ишлаб чиқиш, тажриба гуруҳларида шакллантирувчи ва коррекцион тренинглар ўтказиш, уларнинг самарадорлиги мониторингини ўрганиш татқиқотимизда қўйилган мақсадни тасдиқлади.

Адабиётлар:

1. Алимасов В. Ижтимоий низолар: назарияси, амалиёти ва ечимлари. “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2007 йил 2-сон, 9-12 бет.
2. Баратов Ш.Р., Олимов Л.И. Социал тренинг ва амалиёт. – Ўқув қўлланма. БухДУ. 2007. -92 б.
3. Белл. Д. Грядушее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. М.,1999.С.2
4. Борисов Н.В. Интернет и развитие социальных технологий информационного общества в России // Информационное об-во. 2001. № 1. С. 8-15.
5. Дубровский Д.И. Информация, сознание, мозг. – М.: Высшая школа. 1980. – Ст. 97.
6. Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси. – Қарши “Насаф” нашриёти. 2015, – 180 б.
7. Жўраев Н. Ахборот-психологик хавфсизлик: тажриба ва муаммолар. “Жамият ва бошқарув” 2007 йил 1-сон, 16-19 бет.
8. Исматуллаева Д. Глобаллашув жараёни: миллий-маънавий ва антиглобалистик қарашлар. “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2008 йил 3-сон, 53-54 бет.
9. Муҳсимова Ҳ. Ахборот оқими ва миллий хавфсизлик. “Тафаккур”, 2009 йил 3-сон, 118-119 бет.
10. Самаров. Р., ва бошқ. Тизимли таҳлил: Назария ва амалиёт масалалари. – Т.: 2017. – 207б.
11. Самаров. Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми/услубий қўлланма. – Т.: университет, 2015.

https://buxdu.uz

Шамшетова Анжим Карамаддиновна,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
педагогика ва психология кафедраси доценти

ПСИХОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ

Аннотация: *ушбу мақолада экологик муаммоларга психологик ёндашувлар, олиб борилган илмий изланишлар, психолог олимларнинг фикрлари ва хулосалари баён этилган. Оролбўйи минтақасидаги аҳолининг ижтимоий-психологик муаммолари, экологик муаммоларга психологик ёндашувлари ва амалий тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *эмоционал компонент, экология, психик зарарланиш, стресс*

Аннотация: *в этом научная статья объяснил психологические подходы к экологическим проблемам, научные исследования, мысли и выводы психологов. Социально-психологические проблемы населения региона Аральского моря психологические подходы к проблемам окружающей среды и практические рекомендации.*

Ключевые слова: *эмоциональный компонент, экология, психические заболевания, стресс*

Abstract: *the article discusses psychological approaches to environmental problems, scientific researches and the views and conclusions of psychologists. Social and psychological problems of people living in the Aral region have been revealed. Psychological approaches and practical recommendations have been given.*

Key words: *emotional component, ecology, mental illness, stress.*

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш борасида кўплаб ишларни амалга ошириш чора-тадбирлари кўриб чиқилмоқда. Шу кунгача экологик таълимга оид бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган, улар социология, фалсафа, педагогика, экология ва бошқа фан йўналишларида атрофлича илмий изланишлар олиб борганлиги маълум. Шундай бўлсада, бу ўз навбатида бугунги кун инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабат психологик муаммо сифатида ўрганилишини тақозо этмоқда.

Инсоният тақдири бугунги кунда кўп жиҳатдан экологик муаммолар ечимига боғлиқ бўлиб қолганлиги, уларни тўғри ҳал этишда асосий омиллардан бири сифатида экологик ва психологик билимларни ривожлантириши ҳамда унинг ўзига хос таълим йўналишини ҳисобга олган ҳолда психолог мутахассисларнинг илмий қарашлари, изланишларини ҳаётий тажрибага тадбиқ қилиши зарурлиги кундан-кунга яққол намоён бўлмоқда.

Давлат ҳизматлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаб қолиш учун масъул. Муаммонинг аҳоли томонидан тўғри тушунмасликлари кўрсаткичи 90% ни кўрсатмоқда. Шунинг учун, энг муҳим омил бу экология бўйича ҳаракатлар, экопсихологик ёндашувни кучайтириш, кишиларнинг табиатга муносабатини тубдан ўзгартирувчи омилларни кўрсатиб бериш, боғчадан тортиб барча корхоналаргача бўлган меҳнат жараёнларида акс этувчи экологик онгни шакллантиришга катта эътибор бериш вақти келди. Психология фани атроф - муҳитни муҳофаза қилишдаги инсонларнинг хар хил қарашларини ўз ичига олади.

Эмоционал компонент баҳолаш, тушуниш ва ҳис қилиш билан ҳар хил салбий ҳодисалар, афсоналар ва тўқималарга таъсирчанлик белгилаб беради. Когнитив компонент шундай ўзгаришларни кўрадики унда мотивация ва йўналганлик, активлик, қабул қилиш, қидиришга тайёрлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чегараларини ишлаб чиқиш ҳамда илмий қарашлар киради. Бу йўналишни биз атроф-муҳит бўйича ҳимоя таъсирини ўрганувчи психологик жиҳати деб атаган бўлардик. Демак, экологик муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан инсон психологиясига боғлиқ ҳолда кечади. Бу вазият инсон ва атроф-муҳит муносабатларининг кескинлашувини экопсихологик йўналишда ўрганишни тақозо этади. “Экологик таълим-тарбия” соҳасига чет эл олимлари педагогик ва психологик ёндашиш кераклигини эътироф этадилар.

https://buxdu.uz

Албатта, ҳали фан-техника тараққиёти бўлмаган замонларда инсон табиат билан уйғун ҳолда мулоқот қиларди, ҳатто у билан сирлашарди. Инсон ва табиат ўртасида ҳиссий бирлик бор эди. Инсондаги руҳий ҳолатнинг табиат билан уйғун шаклланиши экологик онгнинг дастлабки шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Эндиликда эса, фан-техниканинг ривожланиши билан инсон табиатдан узоқлашди, унинг тилини тушуна олмай қолди, табиат билан ҳамнафас бўла олмай, ҳиссий бирлигини йўқотди. Дарҳақиқат, бугунги фаннинг атроф-муҳитни ўрганиши билан олам аниқ далиллар ва исботларга тўлиб кетди. Қадимги даврларда инсонлар учун момақалдироқ Тангрининг ғазабли товуши бўлиб эшитилар эди, энди эса одам момақалдироқнинг нима эканлигини билади. Энди афсоналардаги дарёларнинг, денгизларнинг ёвуз руҳи йўқ, сув парилари яшамайди. Бугунги кун олимлари денгиз ва океан тубларигача ўрганиб, ўз кашфиётларини яратмоқда. Энди инсоннинг руҳий ҳолати қандай кечади.

Методика. Бунга БМТ ахборотлаштириш халқаро академиясининг академиги Лев Мелъников «башарият ўз тарихи давомида уч хил йўналишни босиб ўтган» деган фикрни билдиради.

Биринчи йўналиш - цивилизациянинг дастлабки даврларида инсоният табиат бағрида онгсиз, кейинроқ ярим онгли тарзда ҳаёт кечирди. Эндиликда эса, цивилизациянинг орқага қайтиши мумкин бўлмагани каби ва инсониятнинг ҳам бундай яшаш тарзига қайтиши мутлақо мумкин эмас.

Иккинчи йўналиш - XVIII-XX асрларда машҳур маърифатпарвар мутафаккирлар ва моддиюнчилар ёқлаган назарияда фақат ақлга таяниш (рационализм) кераклиги тўғрисидаги фикр ўз умрини яшаб бўлди. Фан бир томонлама билим воситаси эканлиги англанди. Бинобарин, энди қарийб барча олимлар чин ҳақиқатга етиш учун дунёвий ва диний илмларни биргаликда ўрганиш зарур деб ҳисоблашмоқда.

Учинчи йўналишни Лев Мелъников «ақлга таянмаган тартибсизлик» деб атайди. Ақлга таянган онгни ҳозирда сунъий яшаш муҳитида моддийлаштирилаётган, хаёлий даҳшатли тимсолларни яратганлигини айтиб, бу йўналиш янада шубҳалироқ, дейди. Чунки, инсонни иккилантириб қўяди, у воқеликда яшаяптими, ё хаёлий оламдами, билолмай қолади. Бу эса шахсни инқирозга олиб бориши муқаррар, деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, салбий экологик омилларнинг инсон психикасига таъсири ҳар томонлама илмий изланишларда ўрганилиб келмоқда, уларни кўплаб илмий изланишларда аниқ маълумотлар билан ёритиб берилмоқда. Атроф-муҳит қандай бўлса, у шу ҳудудда яшайдиган одамлар онгида ҳам ўзининг муносиб изини қолдириши ҳақида ҳам фикрларга дуч келамиз. Ҳудуддаги салбий экологик омиллар таъсир кучини, биринчидан, аҳоли соғлигида, онгида, хулқ-атворининг ўзгарувчанлигида кўриш мумкин. Масалан, М.А.Галиев тадқиқотларида экологик вазият Москва шаҳридагига нисбатан ноқулайроқ бўлган, ҳавоси нисбатан ифлосланган нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимё саноати ривожланган шаҳарларда (Қозон, Уфа, Братск, Нижный Тагил) ўтказган. Унинг маълумотларига кўра сўралганларнинг атиги 7,2% и экологик вазиятни «қониқарли» деб, 39,2% «қониқарсиз» ва 46%- «ўта қониқарсиз» деб баҳолаган.

Америкалик олимлар эса ўз тадқиқотларида завод-фабрикалардан чиқадиган қўрғошин тузи жиддий юқори психик функцияларнинг бузилишига сабаб бўлишини айтиб ўтадилар. Уларнинг ишларида заводларга яқин яшайдиган аҳоли ва мактаб ўқувчиларининг психик ҳолатлари текширилган. Улар инсон уйқусизлик, невроз, сурункали чарчоқ, бош айланиш, хотиранинг пасайиши ҳолатларига дуч келиши кўрсатилган. Инсон шароитининг ўзгарувчанлиги инсон кайфиятига салбий таъсир қилади, руҳий асаб таранглиги стрессни келтириб чиқаради. Бунда психик жараён бузилишининг ҳар хил даражаларини, ҳаттоки, иммунитетнинг пасайишини кўришимиз мумкин.

Инсон қон томирларида оқсил моддалар ва бошқа хужайраларда кимёвий модда нурланиш таъсирида пайдо бўлади. 53 кД оқсил моддалар лейкоцитлари қанча кўп бўлса иммунитет тизимнинг интеграл ҳолати шунча оғир бўлади. Периферик қоннинг лейкоцитлар ҳолатини белгилашда 43 кДли оқсил моддалар ишлатилган. Унинг борлиги ҳужайра мембранасининг таъсирчан бўлишига сабаб бўлади. Ушбу оқсил моддалар қанчалик кам бўлса, мембрананинг механик чидамлиги паст бўлади.

https://buxdu.uz

Ушбу психик зарарланишнинг натижаси индивиднинг ривожланиш хусусиятида ўзгаришни, яъни руҳий зўриқишнинг ривожланиш вектори экзоген-органик полюсига қаратилганини кўрамиз. Бунда экстранозологик белгилар психик таъсирланишнинг потологик шаклини шакллантиради. Натижада, психик зарарланишнинг бошқа турини эмбрион зарарланиш эффектини ҳам учратамиз. Масалан, Японияда атом бомбасининг ёрилиши туфайли кўплаб ёш болаларнинг ақлий қувватсизланишини кузатилган бўлса, кейинги авлод вакилларида шизофрениянинг кўчайиб кетиш ҳодисалари юз берди.

Ҳозирги кунда пластмассали озиқ-овқат идишлари тайёрланмоқда. Бундай озиқ-овқат идишларини узоқ муддатга ишлатишнинг инсон организмига зарарли томонлари ўрганилган. Бу инсон организмида гемоглобин, тромбоцитнинг пасайишига, лейкоцитларнинг кўпайишига олиб келади. Хромосома даражаларининг бузилишига ҳам сабабчи бўлади. Америкалик олимлар ўз тадқиқотларида завод-фабрикалардан чиқадиган қўрғошин тузи жиддий юқори психик функцияларнинг бузилишига сабаб бўлишини айтиб ўтадилар.

Шунингдек, В.И. Данилов- Данилян таъкидлаши бўйича ихтиролар ва фан техника жараёни ҳеч қандай ер юзини тартибга солувчи жараёнлар эмас. “Шунинг учун муҳим вазифа бу- техника билан эмас, фан техника тараққиёти ҳам эмас, балки инсонларнинг тушунчалари билан ишлашимиз лозим.

Бундан ташқари, урбанизацияланиш психологиясига ҳам эътиборимизни қаратадиган бўлсак, ҳозирги вақтда 70 % инсонлар шахарда яшашга ҳаракат қилади. Экологик психологиядаги йўналишлардан бири “одам - шахар – муҳит” ҳамкорлигига жиддий эътиборни қаратишни ҳам талаб қилмоқда.

Урбаник психология шахар муҳитида пайдо бўладиган психологик факт ва ҳодисаларни ўрганади, масалан, шахар стресси ҳар хил жамоавий ҳодисалар ўзига хос шахарлараро муносабатлар, ўзаро мукаммал қарорлар билан ҳал қилиниши шарт бўлган талаблар, шаҳарда яшаш учун психологик кўникиш, ёки ўзига хос психологик ёндашувларни, фарқларини аниқлашга ҳамда шаҳар муҳитига ўз таъсирини кўрсатиб боришини ўрганиб боради. Шахар маданий ва АДМИНСТРАТИВ марказ ҳисобланади. Шахарда яшаш ўз ичига кўп имкониятларни қамрайди: яшаш шароитлари жуда яхши, ўқишда имкониятлар кўп, ҳар хил маданий ҳордиқ турлари бор. Одам учун шаҳар муҳити – бу кўп тармоқли маълумотлар йиғиндиси, ҳар хил тузилишда ва муомала услублари бўлиб маданият ҳаётига функционал қаратилган ва ижодий ҳаёт учун илҳом бағишлайдиган муҳитдир. Демак, инсон ривожланиши шиддат билан бораётган ижтимоий муҳитда яшашни давом эттирар экан, албатта уларни бир-бирига бўлган таъсирининг психологик жиҳатларини ўрганиб боришимиз лозим.

Илмий тадқиқот ишларининг кўпайиб бориши, билим жараёнларини табиий муҳитда, табиий ва мақсадга йўналтирилган фаолият шароитида таҳлил қилиш зарурлигини англатади.

Экологик муаммолар ва атроф-муҳит тўғрисидаги субъектив ғоялар кўпинча когнитив хариталарни талаб қилади. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, когнитив хариталар экологик муаммоларга оид ҳар томонлама ўрганилган илмий тадқиқотларни қамраб олган бўлиши лозим. "Когнитив харита" тушунчаси биринчи бўлиб Э.Толманом томонидан жорий этилганди. Когнитив хариталар субъектнинг атроф-муҳит билан фаол ўзаро таъсири натижасида яратилиши ва ўзгартирилишини тушунтириб ўтган.

Дарҳақиқат, психологияда экологик муаммоларни турли таъсир кўрсатувчи омилларини илмий тадқиқотлар билан ўрганилиши долзарб масалаларнинг бири ҳисобланади. Юқоридаги илмий изланишлардан келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, экологик муаммолар ва уларнинг инсоният ҳаётига таъсири масалалари, экологик таълимнинг психологик негизлари, табиат ва жамият ўзаро муносабатларининг реал даражасини психологик тадқиқотлар предмети сифатида ўрганилишига жиддий эътибор қаратилишини тақоза этмоқда. Экологик муаммолар ҳар бир худудда ҳар хил бўлгани билан инсон психологиясига, психофизиологиясига бир хил таъсирини кўрсатади, аммо жойлашиш ҳудудларнинг диалектикаси ва менталитети маданияти, улардаги шаклланган экологик онг орқали атроф-муҳитга бўлган муносабатларида ўзига хос хусусиятларини фарқлаш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз[1].

https://buxdu.uz

Жамиятимизда экологик кескин ўзгаришлар ва иқтисодий соҳадаги беқарорлик инсонларнинг дунёқараши, хулқ-атвори, турмуш тарзи ва уларнинг касбий фаолиятига ҳам салбий таъсир этаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Оролбўйи ҳудудларида юзага келган экологик вазият ҳалокатли эканлиги, унга фақат тиббий, иқтисодий, имжтимоий муаммо сифатида эмас, балки деярли барча соҳа мутахассисларини, кенг илмий жамоатчилик эътиборини қаратишни тақозо этадиган, ўта долзарб муаммо эканлигидан далолат беради. Агар экологик муаммолар туфайли Оролбўйи минтақасидаги аҳолининг миллий, ижтимоий эҳтиёжлари ўсиб борар экан, унда мамлакат ўша эҳтиёжларни таъминлаб бориши лозим. Биринчидан, мамлакат олдида миллатнинг эҳтиёжларини таъминлаш турса, иккинчи томондан табиатни асраб қолиш туради. Аҳоли ўз навбатида барча мавжуд экологик, иқтисодий, ижтимоий ва психологик каби муаммоларни ҳал қилиш учун ҳар томонлама психологик тайёргарликни талаб қилади.

Оролбўйи минтақасида 54% аҳоли ўзбек, 33% қорақалпоқ, қолганлари қозоқ, туркман, татар, украин, рус, корейс ва бошқа миллатдан ташкил топган аҳоли истиқомот қилади. Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолининг дунёқарашлари, фикрлари, ҳозирги атроф-муҳитга муносабатлари, қолаверса оила қуриш, яшаш тарзида бошқа худудларникидан фарқ қилади. Оролбўйи минтақасидаги аҳолининг кўпчилиги қорақалпоқ миллатидаги оила ва уларнинг яшаш тарзи ҳам ўзига хос. Орол муаммоси билан боғлиқ бўлган бир қанча илмий тадқиқотларда экологиянинг оиладаги ижтимоий-психологик муҳити ва иқтисодий таъминланганлик даражаси, никоҳ мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатиб никоҳдан қониқмаслик муаммоларини келтириб чиқариши маълум. Оролбўйи минтақасидаги аҳолининг қийин шароитларда яшашининг ўзи бир жасоратдир. Лекин, шундай бўлсада кейинги йилларда бошқа ҳудудларга кўчиб кетиш ҳолатлари давом этмоқда. Аҳоли ичида оилани иқтисодий жиҳатдан таъминланиши учун узоқ ўзга юртларга бориб ёлланма ишчи бўлиб ишлаш ҳолатлари оиланинг ижтимоий-психологик муҳитига ҳам салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Айниқса, ёшларимиз ўзга юртда “одам савдоси” билан шуғулланувчилар қўлида алданиб қолиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Экологик муаммолар доим иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши, бу эса аҳолининг кўпчилик қатлами замонавий талабларга мос яшаш учун кураш деб бетартиб ҳаётий тамойилларни ўйлаб топиш ва уларга бўйсиниши, албатта, ўз навбатида ижтимоий-психологик муаммоларнинг юзага келишига имкон беради [2].

Ёшлар ўртасида жамоатчиликда ўзига нисбатан кераксиз инсон сифатида қараб ўз жонига қасд қилишлар бўйича айни вақтда, етарлича илмий асосларга суянган ҳолда илмий тадқиқот ишларини жойларда ўрганишни тақозо этмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш муаммолари ҳар бир ота-она ва педагог-психологлар учун кутилмаган фожиали ҳодисалар бўлиб қолмоқда. Ушбу долзарб масалалар юзасидан 2013 йилнинг тадқиқот якунига кўра Қорақалпоғистон Республикасида ўз жонига қасд қилишнинг юқори кўрсаткичи кузатилди (аҳолининг 100 минг кишидан 25,5 кишисига). Булардан ўсмирлар ўртасида ***суицид*** асосий ўринни эгаллайди (10,2%) [3]. Суицидал хатти ҳаракатга уринган 45 нафар ўсмирдан 84,4% и қизларни ташкил этади, кейинги вақтда мактаб ёшидаги ўқувчиларда бу “Суицид” кўрсаткичлари пасаймаяпти. Охирги йиллардаги юз берган салбий ҳодисалар 12-15 ёшлилар ўртасида 12 нафар ўқувчи шахсда суицидал ҳолати бўлиб, ачинарлиси ўлим билан тугалланди. Айниқса, ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилишга олиб келадиган сабаблар психологик характерга эга. Шу туфайли, унинг олдини олиш борасидаги ишлар, авваламбор, психологик саломатликни мустаҳкамлашга бориб тақалади.

Айнан шу сабаб, таълим тизимида ҳам ижтимоий-психологик муҳитни, психологик хавфсизлик тизимини яратиш долзарбдир. Таълим муассасалари асосий профилактик тизимга айланиши шарт, яъни бир пайтнинг ўзида ёшларнинг муаммоларини ечишга ёрдам бериши лозим. Оролбўйи минтақасидаги шу каби экологик муаммолар ёшлар тарбиясига, интеллектуал ўсишига ва жисмоний ривожланишига таъсири каби бир қатор ўта долзарб масалалар ижтимоий психология, этнопсихологияда тадқиқ этилиши лозим.

Аҳолининг психик ривожланиши унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи ташқи атроф-муҳит экологияси билан характерланади. Атроф-муҳит содир бўлаётган турли хил экологик муаммолар аввало, инсон шахсининг психологик асосларини шакллантирувчи, унинг эмоционал,

https://buxdu.uz

интеллектуал ва ижтимоий ривожланишига замин яратувчи онтогенезнинг дастлабки босқичларига тааллуқлидир. Бунда ўша муҳитда юз бераётган экологик муаммолар катта ролъ ўйнайди.

Тадқиқотнинг долзарблиги, шу нуқтаи назардан Оролбўйи минтақасидаги аҳоли жамиятда, инсоний муносабатлар тизимида муносиб мақомга эга бўлишини таъминлайдиган энг дастлабки ижтимоий тасаввурлар ҳамда экологик онг шаклланишига ижтимоий-психологик муаммоларнинг ролини аниқ эмпирик маълумотлар билан асослашга бўлган давр эҳтиёжидан келиб чиқади.

Психологияда экологик муносабатларни ўрганиш бўйича бир қатор илмий изланишлар мавжуд. Узлуксиз таълим тизимида мутахассисларга айнан ушбу фаннинг янги қирраларини очиб берувчи ушбу йўналишлар ўзининг ечимини кутаётгандек. Ушбу фаннинг йўналиши учун ўқув дастурлар ва амалиётга қай даражада тадбиқ этилаётганлиги ҳақида маълумотлар етарлича эмас. Психолог олимлар томонидан табиий муҳит билан бўладиган муносабатлардаги экопсихологик машқлар, тренинглар буюк мутафаккирларимиз меросларн билан суғорилган ҳолдаги ишлар етарли эмас. Аксарият тадқиқотларда экологик таълим ва тарбия фақатгина педагогик вазифа сифатида қаралиб келинган, бугунги кундаги экологик танглик масаласи кенгроқ психологик нуқтаи назардан ёндашишни ҳам талаб қилади.

Хулоса. Инсон психологияси атроф – муҳит табиати билан чамбарчас боғлиқ. Инсоният тақдири ҳам келгуси табиатнинг тоза экологиясини таъминлаб беришга боғлиқ. Барча таълим муассасаларида психологик экология йўналиши бўйича назарий ва амалий илмий билимларни қамраб олган ҳолда ўқув дастурларини жорий этишимиз зарур.

Адабиётлар:

1. Дерябо С.Д., Ясвин В.А. Экологическая педагогика и психология. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1996.
2. Дерябо С.Д., Ясвин В.А. Методологические проблемы становления и развития экологической психологии. //Психологический журнал, – Т.: 17, 1996.
3. Медведев.В.И., Алдашева А.А. Экологическое сознания. Учеб.пособие для ВУЗов. – М.: ЛОГОС, – 2001.
4. Ермаков Д.С. Экологические проблемы в детских рисунках. /Вопросы психологии. – М., 2003.

https://buxdu.uz

Ражабов Азамат Шарифович,
Бухоро давлат университети
Мусиқа кафедраси ўқитувчиси

ВЛИЯНИЕ МУЗЫКИ НА ПСИХОФИЗИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ЧЕЛОВЕКА

Аннотация: *в статье рассматривается влияние музыки на психику и соматическое состояние человека. Показано влияние ритма, мелодии, певческого звука на физическое и психическое состояние человека с точки зрения философии, психологии, физиологии. Доказывается, что музыка обладает значительным гармонизирующим влиянием на психику и физическое состояние человека. Обосновывается возможность применения музыкальной и вокальной терапии в практике профилактики и лечения негативных психических и физических состояний людей.*

Ключевые слова: *психика, музыка, состояние, терапия, лечение, человек, влияние.*

Аннотация: *ушбу мақолада мусиқанинг одамнинг руҳий ва соматик ҳолатига ҳамда инсонларга мусиқа оҳангининг фалсафий, психологик, физиологик нуқтаи назаридан таъсири ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *руҳият, мусиқа, ҳолат, даволаниш, таъсир этувчи шахс.*

Abstract: *The article discusses the influence of music on the human condition and somatic psyche. The influence of rhythm, melody, singing sound on the physical and mental condition of the person in terms of philosophy, psychology and physiology has been shown . It has been proven that music has a significant influence on the result of the psyche and the physical condition of the person. The use of musical and vocal therapy in the prevention and treatment of negative mental and physical states of people has been based.*

Key words: *psychic, music, condition, therapy, treatment, a person , influence.*

Актуальность. Сегодня психология музыки или, как склонны ее называть музыканты, музыкальная психология — быстро прогрессирующая область науки. Следует отметить, что интерес к изучению искусства со стороны психологии имеет, по крайней мере, такую же историю, что и общая психология. Назовем классические для психологии имена зарубежных ученых — В. Вундт, Г. Фехнер, Т. Рибо, К. Штумпф, Г.Мюнстерберг, неоднократно обращавшихся в своих исследованиях к проблемам искусства. Взаимодействие человека и музыки можно рассматривать многоаспектно и с позиций разнообразных наук: психологии, психотерапии, физиологии, эстетики, этики, культурологии, теории музыки и др. Музыка выступает внешней причиной внутренних психологических переживаний, её можно сравнить с «каналом связи» между духовным опытом человечества и внутренним миром человека. Во время восприятия, музыка как бы «проникает» в личность, в этом образном сравнении раскрывается механизм воздействия музыки. Принимая духовный опыт других людей, душа человека обогащается новым ценным содержанием. Наиболее сильное воздействие на эмоции человека оказывают звуковые раздражения. При активном восприятии музыки, между физиологическими ритмами человека и музыкальными ритмом, частотами, динамикой возникает резонанс. Способность нервной системы и мускулатуры человека к усвоению ритма являются одной из физиологических основ музыкального воздействия. Любопытно, что изменение ритмического рисунка знакомой человеку песни или мелодии обязательно вызывает изменение в отношении к ней.

Восприятия музыки вызывает в сознании человека моторную активность. В древнейших культурах с музыкой тесно связан двигательный опыт человека в виде трудовых, танцевальных, ритуальных движений. Таким образом, в результате слухового и вибро-тактильного восприятия музыки, а также биорезонансного музыкального эффекта, в организме человека возникают многочисленные ответные реакции. Взаимодействие в музыкальном произведении мелодии, ритма, динамики, темпа осуществляется органично и изменение лишь одного из этих

https://buxdu.uz

параметров вызывает изменение звучания не только самого произведения, но и изменяет воздействие произведения на человека.

Теории древних философов, также как и достижения современной науки, убедительно доказывают, что отрасль музыкальной терапии должна обратиться к глубинным знаниям о человеке, как энергетической сущности во Вселенной. На таком сочетании древних знаний и современных научных исследований построены современные модели музыкальной терапии. Обратимся к наиболее известным из них. Метод «голотропного (холотропного) дыхания» Станислава и Кристины Гроф (США), трансперсональных психологов, является плодом многолетних исследований. Метод основан на том, что сознание человека причастно к широкому вселенскому полю космического сознания, пронизывает все существующее и является его частью. Термин «голотропный» означает «стремящийся к целостности». Метод заключается в перенасыщении мозга кислородом благодаря интенсивному дыханию со специальным звуковым сопровождением, в результате чего происходит погружение в трансперсональные слои психики – в «личное бессознательное», куда вытесняются тревоги и переживания человека, и «коллективное бессознательное», что называют «памятью рода». При этом музыка может управлять дыханием во время пребывания в измененных состояниях сознания.

Методика. Образцами для С. Грофа стали тибетское и индуистское пение, особенно искусство нада–йоги, которое является способом соединение через звук. Таким образом, можно не только вводить человека в транс, но и осуществлять другие влияния на сознание. Важно, чтобы реципиент полностью подчинился звуковому потоку, позволил ему резонировать во всем теле и спонтанно реагировать на него, а музыка должна быть технически качественная и иметь достаточную громкость [1].

Аудио–технология Билла Харриса (США), психотерапевта, – одна из современных моделей работы со звуком, изобретена около 20 лет назад и практикуется в центрах во Флориде и Нью–Джерси (США). Б. Харрис исходил из того, что человеческий мозг является электрохимическим органом (в активном состоянии он производит до 10 ватт электроэнергии). Эта электрическая активность проявляется в виде мозговых волн, которых четыре типа:

– Бета-волны, генерируемые активным мозгом, они характеризуются быстрыми колебаниями с небольшой амплитудой, частота – 15 – 40 Гц;

– Альфа-волны; амплитуда их больше, частота – 9 – 14 Гц, в этом состоянии человек отдыхает после проделанной работы или медитирует;

– Тета-волны; амплитуда еще больше, частота – 5 – 8 Гц, в состоянии тета–волн человек отдыхает и почти засыпает, в этом состоянии не замечаешь, как пролетело время, действия приближаются к автоматизации, происходит формирование новых идей;

– Дельта-волны, с максимальной амплитудой колебаний и частотой 0,5 – 4 Гц, глубокий сон без сновидений – 2 – 3 Гц.150.

Благодаря тета и альфа-волнам устанавливается равновесие между левым и правым полушариями. Это состояние достигается при медитации. Такое уравнивание позволяет человеку использовать все возможности своего мозга. Это работа на крупнейшем интеллектуальном уровне. Еще один эффект, который происходит в режиме альфа- и тета-волн – это механизм рефлекторной саморегуляции биологической системы. Сущность заключается в том, что при определенных условиях любая система предоставлена сама себе и стремится к состоянию наименьшего возбуждения частей, которые ее составляют. Относительно работы мозга: амплитуда увеличивается, частота уменьшается, при этом степень упорядоченности возрастает и происходит саморегуляция. Звуки разных тонов успокаивают мозг и позволяют лучше взаимодействовать его левому и правому полушариям. Для этого звуковой поток разделяется на тоны. В правое ухо направляются звуки одного тона, и, соответственно, воспринимаются левым полушарием. В левое ухо направляются звуки другого тона направляются и воспринимаются правым полушарием. Синхронизация звуки между собой, достигается усилением межполушарных связей мозга. Результатом этой технологии является приобретение пациентом состояния покоя и внутреннего равновесия.

https://buxdu.uz

Действие музыки основано на том, что в мозге реципиента изменяются электроволны. Близким к данной технологии является лечение «Музыкой мозга», основанное на экспериментально подтвержденном убеждении, что человеческий мозг может производить музыку, которая имеет возможность так же влиять на человека, как и обычная музыка: у пациента снимается электроэнцефалограмма, электромагнитные волны, вырабатываемые мозгом, превращаются в музыку.

Действие обеих вышеописанных технологий основано на том, что в мозге изменяются электроволны. Музыкотерапия принадлежит именно к методам целостного воздействия на организм. Ведь звук (его электромагнитные колебания) действуют не на отдельные органы – печень, селезенку или сердце, а на мозг, где содержится информация о разбалансированности тех или иных органов и систем, а часто и кроется первопричина патологий. Мозг посылает импульс команду к проблемным участкам. Таким образом, запускается механизм саморегуляции организма – очищение от шлаков, токсинов обновления крови, усилению обменных процессов. Как следствие, исчезают воспаления, новообразования, нормализуется состояние опорно-двигательного аппарата, повышается иммунитет и т.д. Это и весь секрет музыкотерапии. Звук активизирует «спящие» молекулы ДНК и заставляет человеческий организм работать на самолечение.

Методика С.В. Шушарджана (Москва), президента Международной академии интегративной медицины, основывается на древнекитайском учение о пентатонике, каждому звука которой соответствуют определенные стихии и внутренние органы. Звучание того или иного звука (в разных тембрах, динамике и т. д.) оказывает влияние на соответствующий орган. В научно–исследовательском центре музыкальной терапии и восстановительных технологий с помощью специальной аппаратуры определено соответствие вибраций каждого здорового органа определенному звуку. В зависимости от этого С. Шушарджан предлагает больному издавать определенные звуки в процессе вокалотерапии и объясняет положительный эффект вибрацией, которая вызывает приток крови к больному органу, осуществляя таким образом своеобразный массаж. Поэтому доктор медицинских наук и профессиональный певец С.В. Шушарджан предлагает петь всем – хоть раз в неделю в караоке или просто дома для себя [2].

Методика Рушеля Блаво (Санкт-Петербург), психотерапевта, руководителя Санкт–Петербургского Научно–исследовательского института традиционной народной медицины и терапии, главного врача Санкт-Петербургской клиники «ROYALMED» [3], называется автором «энергоинформационной». Рушель Блаво, на основе экспедиционных исследований в странах Дальнего Востока и Юго-Восточной Азии, связал древние и современные учения и в основу своей методики положил древнеиндийские представления о семи чакрах человека – энергетических центрах, отвечающих за здоровье в своей зоне воздействия. Музыкой, необходимой для определенной чакры, Р.Блаво предлагает воздействовать на человека в процессе медитации вместе с соответствующим цветом и запахом. Известно о соответствии чакрам семи цветов, начиная от красного (самаячакра). Например, четвертой – "сердечной" – чакре, которой соответствует зеленый цвет, посвящен диск "Через медитацию к любви "и др. Кроме того, ученый экспериментирует с энергетическими свойствами воды, практикует сказкотерапию.

Методика Ирины Мельник и Евгения Гаврилина (Москва – Харьков), которую авторы – психологи называют «Синергетической интерактивной музыкотерапией» (СИМ) – яркий пример обновление традиционных для XX века методов психоэмоционального воздействия на личность. Метод И. Мельник – Е. Гаврилина в 1990–х гг. состоял в направленной регуляции психоэмоционального состояния человека путем компьютеризированной «настройки» в заданном направлении с помощью музыко-цвето-терапевтических программ. В конце 1990–х гг. И. Мельник дополнила этот метод «синергетическим способом интерпретации и исполнения музыки». «Синергетическая музыка» представлена аудио-визуальными программами «живой фортепианной музыки», которые включают произведения И. С. Баха, В. А. Моцарта, Ф. Шуберта, Ф. Шопена, Ф. Листа, П. Чайковского, К. Дебюсси, К. Сен-Санса и других композиторов. Такие программы построены на одновременном действия триединства слуховых ощущений, зрительных и кинестетических. Психофизиологической основой такого синтеза является единство левого и правого полушарий мозга человека. Синергетическое

https://buxdu.uz

межполушарное взаимодействие мозга может инициироваться новейшими психотехнологиями, в основе которых синергия искусств (синестетика), наукоемкие технологии (мультимедиа), духовные практики (инициация). Примером такой технологии является компьютеризированная психотерапия и ее важнейший компонент – синергитическая интерактивная музыкотерапия .

Современная наука все больше внимания уделяет явлению вибраций как основе Вселенной. То же явление вибрации есть и в основе музыкального звука. На современном этапе наука близко подошла к пониманию процесса вибрации клеточных структур организма человека. Согласно предположениям учёных, вибрация клеточных структур осуществляется с частотой сотни тысяч колебаний в секунду. Таким образом, организм человека в совокупности представляется биологическим гармоничным «клеточным хором». Вопрос в том, как гармонично «вибрирует» тот или иной человек и как в этом случае вибрации музыкального звука влияют на уровень вибрации организма человека. Показательным является утверждение специалиста в области лечения музыкой соматических заболеваний С.В.Шушарджана: «Музыкотерапия не ограничивается психоэмоциональной действием, музыка способна проникать в организм не только через органы слуха, но и через кожу. При воздействии на вибро-рецепторы звуковых волн определенной частоты запускается противоболевая система». Впервые в мире мы доказали влияние музыки на клеточном уровне» [4].

Можно сказать, что тело человека, вибрируя на клеточном уровне, «поет» вполне гармоничные мелодии. На основе таких мелодий создаются программы гармонизации отдельных органов и систем организма. Таким образом, настройка гармоничной работы органов и систем организма возможна с помощью звучания определённых звуковых рядов и специальных мелодий. Прямое влияние вибрации и мелодии на восприятие и сознание, отдельные физиологические процессы в организме доказали исследования обрядовых песнопений народов мира и тибетских мантр. Энерго-информационная теория, постулируя волновые процессы как основу материи, на самом деле апеллирует к музыкальной основы Вселенной, о которой сообщается еще в древних музыкально–космогонических теориях. Музыка, как считалось, не только отражает, но и начинает порядок во Вселенной. Эта пропорциональность задана внутренним строением любого музыкального звука. В его основе – единый алгоритм последовательности обертонов, что определяется математически точным соответствием дополнительных частот (призвуков). Музыкальная система в целом отражает универсальные схемы мироздания, и наука это подтверждает. Наконец, каждый человек имеет свое звучание, свой отдельный звук, вплетен в мировую симфонию голосов.

Само явление резонанса является основой музыкотерапевтичного целительного воздействия. Разбалансированный вследствие болезни колебательный контур клеток различных органов и систем организма восстанавливает в результате резонанса нормальный режим жизнедеятельности: блоки на пути течения энергии срываются, и жизненная энергия восстанавливает свой свободный ток в организме, уже не встречая никаких препятствий. Включаются саморегулирующиеся функции организма. Музыка способна помочь настроить человека на нужную частоту, подобно настройке музыкального инструмента. Человек рождается с установкой на музыкальные ритмы своей нации – так срабатывает генная память.

Последние исследования в области генетики показали, что ДНК человека способна подчиняться специфическим командами лингвистическую природы, имеющим вибрационную и мелодическую определённость. Существует современная теория канадского ученого Роберта Коксона о влиянии музыки на структуру ДНК. На основе данной теории возникает технология музыкального ГЛП или генно-лингвистического программирования. Согласно данной теории с помощью особого комплекса музыки, слов и намерений человека осуществляется воздействие на информационную структуру ДНК человека. Это определённая форма воздействия определяется как «песня-программа». Лингво-резонансные методы музыкальной и вокальной терапии получают активное применение в рамках данной теории. Эта гипотеза в настоящее время находит всё большее подтверждение в исследовательских центров мира, что открывает значительные возможности для использования данных ультрасовременных музыкально-терапевтических методов в лечебных целях.

Остаются недостаточно исследованными: теория и методология музыкально-вокального воздействия на психические состояния человека, стратегия и тактика комплексного

https://buxdu.uz

применения активных методов музыкально-вокальной терапии для оздоровления психики людей, роль музыкально-вокальной психокоррекции в общем комплексе лечебных мероприятий. Недостаточно изучены и неясны вопросы выбора репертуара музыкального и вокального воздействия на психику человека. Возможности воздействия музыки и пения в комплексной профилактике и лечении негативных психических состояний до сих пор недооценивались и не использовались в России в полной мере. Этот метод имеет большие перспективы, что связано с силой воздействия музыки и пения на психофизиологию человека.

Музыкально-вокальное воздействие может являться как самостоятельным психокоррекционным инструментом для лечения и профилактики негативных психических состояний, так и использоваться в комплексном сочетании с психотерапевтическим лечением. Воздействие музыки и пения может способствовать нормализации психического состояния и повышению адаптационных возможностей личности на фоне длительной стабилизации в эмоциональной сфере, оно может вызывать позитивные и стойкие изменения в психике: уменьшение выраженности астении, формирование навыков саморегуляции, повышение настроения, самооценки и уверенности в себе и др. Здесь разработана модель музыкально-вокального воздействия на психические состояния человека. Проверка эффективности разработанной модели музыкально-вокального воздействия осуществлялась с помощью экспериментального исследования. Модель музыкально-вокального воздействия является системой, включающей психологические, психофизические и психосоциальные лечебно-реабилитационные воздействия. Цель экспериментального исследования - оценка эффективности музыкально-вокального воздействия по комплексу проявлений, свидетельствующих о его успешности. В соответствии с этим, задачами экспериментального исследования были:

- определение характера и качества музыкально-вокального воздействия на психическое и соматическое состояние испытуемых;
- характеристика условий и факторов, влияющих на степень эффективности музыкально-вокального воздействия;
- выделение личностных свойств испытуемых, в наибольшей степени подверженных изменениям под вокальным воздействием.

В исследовании использовались методы:

- анализ литературы по теме исследования в области психологии, педагогики, психотерапии, психиатрии и др.;
- экспериментальное исследование;
- беседа;
- опрос;
- наблюдение;
-тестирование.

В исследовании также применялись следующие психодиагностические методики:

1. тест «СМОЛ в адаптации Ф.Б. Березина и М.П. Мирошникова.;
2. тест «Шкала астенического состояния» Л.Д. Малковой в адаптации Т.Г. Чертовой, отражающая характеристики астенического состояния;
3. цветовой тест А.Н. Лутошкина для определения эмоционального состояния;
4. тест «Шкала дисфункциональных отношений» (ШДО) A.A. Beck и A. Weissman для определения динамики дисфункциональных отношений;
5. Гиссенский личностный опросник;
6. опросник «Sympthom Checklist-90-R» (SCL-90), для изучения клинической симптоматики;
7. опросник «Уровень субъективного контроля» (УСК) Дж. Роттера в адаптации Е.Ф. Бажина, Е.А. Голынкиной, А.М. Эткинда для определения уровня субъективного контроля над жизненными ситуациями;
8. тест «Шкала ситуативной и личностной тревожности» Ч.Л. Спилбергера-Ханина для определения особенностей состояния тревожности;

https://buxdu.uz

9. тест «Шкала состояний» Э. Гроля и М. Хайдера (в адаптации А.Б. Леоновой) для определения степени благополучия субъективного комфорта состояния, переживаемого человеком в конкретный момент времени.

Анализ результатов экспериментального исследования показал статистически значимые сдвиги психологического состояния испытуемых до и после музыкально-терапевтического лечения, т.е. музыкально-вокальное воздействие явилось фактором, положительно влияющим на изменение психологических показателей испытуемых. Однако выяснилось, что вокальное воздействие даёт более эффективные результаты при лечении негативных психических состояний, чем музыкальная психотерапия. До и после музыкально-вокального воздействия проводились беседы с испытуемыми, в их процессе осуществлялась ориентация на замещение активностью «внутренней» неопределенности и беспомощности. В результате применения музыкально-вокального воздействия произошло снижение выраженности негативных предпатологических психологических проявлений. Музыкально-вокальное воздействие на эмоционально-волевую сферу человека способствует преодолению невротических проявлений, и погружает его в противоборство с болезненным состоянием. Под влиянием музыкально-вокального воздействия достигнуто существенное повышение основных ситуативных показателей самооценки (общее самочувствие, общее настроение, сон, активность, общительность и др.). Изменения также произошли в сторону снижения снижения самокритичности, повышения независимости и уверенности в себе.

Результаты проведённого экспериментального исследования показали, что система музыкально-вокального воздействия представляет собой «открытую систему». Допускается варьирование расписания занятий, общего времени творческой работы, формы организации занятий.

Реализация музыкально-вокального воздействия в процессе эксперимента определила его следующие особенности. Музыка и пение не содержит прямого информационного воздействия и адресовано структурам личности, остающимся интактными при «информационных» видах психотерапии. В основном, психотерапия опирается на вербальные формы воздействия. Музыкальное и певческое воздействие пробуждает фантазию у людей и затрагивает эмоционально-образные слои личности, именно таким путём оно помогает выходу из круга неблагоприятных психоэмоциональных состояний.

Заключение. Воздействие на человека музыкой и пением создает новую, непривычную и необычную среду для функционирования психики. Музыка и пение может способствовать нормализации психического состояния и повышению адаптационных возможностей личности человека на фоне длительной стабилизации в эмоциональной сфере. Реализация музыкально-вокального воздействия вызывает позитивные и стойкие изменения в психике людей, уменьшение выраженности астении, формирование навыков саморегуляции, повышение настроения, самооценки и уверенности в себе, воспитание навыков общения и др.

Литературы:

1. Медушевский В.В. Интонационная форма музыки. – М.: «Композитор», 1993.

2. К. Гроф, С. Гроф Холотропное дыхание. Новый подход к самоисследованию и терапии. М., Ганга, 2013. Шушарджан С. В. Руководство по музыкальное терапии. – М., «Медицина», 2005.

3. Блаво Р. Музыка здоровья, СПб., «Нордмед», 2001.

4. Шушарджан С.В. Музыкотерапия и резервы человеческого организма. – М., «Антидор», 1998 г.

https://buxdu.uz

Ҳакимов Хуршид Нозимович,
БухДУ "Жисмоний маданият
назарияси ва услубиёти" кафедраси ўқитувчиси

ЎҚУВЧИ ШАХСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: *ушбу мақолада ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясининг педагогик-психологик хусусиятлари ва имкониятлари очиб берилган. Шунингдек, мақолада ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг интеграциялашувининг педагогик-психологик омиллари кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *педагогика, психология, таълим, тарбия, ўқувчи, шахс, интеграция, жисмоний тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, ҳаракатли ўйинлар, маънавий-ахлоқий мезон.*

Аннотация: *в данной статье описаны педагогические-психологические особенности и возможности интеграции физического и духовно-этического воспитания в личность студента. В статье также упоминаются педагогические и психологические факторы интеграции физического и духовно-нравственного воспитания в формирование студента.*

Ключевые слова*: педагогика, психология, образование, обучение, ученики, личность, интеграция, физическое воспитание, нравственное и духовное воспитание, мобильность, морально-этическое измерение.*

Abstract: *the article describes the pedagogical and psychological characteristics and the possibility of integrating physical, spiritual and ethical education in the student's personality. The article also mentions the pedagogical and psychological factors of the integration of physical, spiritual and moral education in the formation of a student.*

Key words*: pedagogy, psychology, education, training, students, personality, integration, physical education, moral and spiritual education, mobility, moral and ethical dimension.*

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш, Республикамизда кадрлар тайёрлашни давр талаби даражасига кўтариш, таълимнинг ривожланётган бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган механизмини такомиллаштириш, тарбиячи ва тарбияланувчилардаги таълим-тарбия жараёнига бўлган онгли муносабатни, қарашларни шакллантириш каби масалаларни қамраб олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Сўнгги ўн йилликлар ичида таълим фалсафаси шундай илмий йўналишга айландики, у инсоннинг таълим олиш жараёнида яхлит интеллектуал ривожланишига олиб келиши ҳақидаги ғояларга асосланишни таклиф этмоқда. Инсоннинг таълим олиш жараёнидаги комплексли ривожланиши таълимнинг предметли мазмунига боғлиқлиги ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги кўриниб турибди. Таълим олаётган ёш инсоннинг ривожланиш шароитидаги қарама-қаршиликлар мавжудлигини амалиётдаги педагоглар аниқлашган. Ушбу қарама-қаршиликларни енгишнинг муҳим йўналишларидан бири ўқитиш жараёнидаги фанлараро, мавзулараро интеграция бўлиб ҳисобланади.

Чунки, фанни ўқитишдаги интеграция мамлакатда юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, уларнинг мураккаблиги ва етарли даражада илмий асосланганлиги таълим муассасаларида таълим стратегиясини ўзгартириш зарурлигини объектив равишда аниқлайди. Ҳаётнинг замонавий ўзгаришлари, ижтимоий-сиёсий муносабатларни такомиллаштириш, ўқувчи-ёшлар шахсини тарбиялаш, инсонпарварлик, ахлоқ, меҳнатсеварлик, масъулият, жисмоний, ижтимоий-маданий ривожланиш асосларини шакллантиришнинг янги, кенг ёндашувлари, уларнинг интеграл намоён бўлиши зарурлигини кўрсатади. Бу ҳуқуқий фуқаролик жамияти фуқаросинингмаънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантириш ва ривожлантириш, унинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг устуворлигини кучайтиради.

https://buxdu.uz

Таълимнинг интерактив курси кўргазмали таълим тизими бўлиб, интегратив билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш асосида кўргазмали, маҳоратни вужудга келтириш сирларини ўрганади.

Интеграцион курснинг мақсади ва вазифалари мактаб табиий-илмий таълим системасида тавсифланади. Билимнинг интеграциялашган тармоғида интеграциялашнинг усул ва воситалари: ўқув режасидаги ўқитиш жойида вақтнинг ҳажмига қараб шу курсни тўла ўзлаштириш вақти ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси кўп функцияга эгалиги билан тавсифланади.

Интеграция курси - ўқув фанларидан бири бўлиб, фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш учун ўрганилади. У ҳар хил турлар, усуллар, услублар, фанлараро интеграция объектлари асосида тузилган. Таълим-тарбия соҳасидаги тадқиқотлар бизни жисмоний ривожланиш муаммоларини янада кенгроқ кўриб чиқишга, маънавиятга қўшилиш нуқтаи назаридан ечишга имкон беради. Педагогикада юзага келадиган интеграцион жараёнлар ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг тушуниши ва тартибга солиниши айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан таълим тизимида уларнинг мазмуни ва технологиясини асоси сифатида интеграцион жараёнларнинг ташкилий ва бошқарув соҳасини ривожлантириш зарур.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим жараёнида маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия элементларини интеграциялашуви ўқув жараёнини ташкилий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уни такомиллаштириш масалалари етарлича акс эттирилмаганлиги аниқланди.

Бунинг натижасида қуйидаги қарама-қаршиликлар юзага кела бошлади:

- барча турдаги таълим турларининг интеграциялашувининг мақсадга мувофиқлиги ва уларни назарий асослаш ва ташкилий-педагогик қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги;
- педагогик амалиётда шахснинг ривожланишида ўзининг интелектуал салоҳияти нуқтаи назаридан маънавий-ахлоқий ва жисмоний сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан яратилган ёндашув;
- ўзаро боғлиқ маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия жараёнида қўллашга комплекс ёндашиш зарурлиги;
- ўқувчи шахсини яхлит шаклланишига маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбияни зарурлиги ва бошқа бирқатор қарама-қаршиликларни таъкидлаш мумкин[1].

Методика. Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда илмий тадқиқотимизнинг мақсади ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия жараёнини интеграциялашуви, жисмоний тарбия ва спорт жараёнида маънавий-ахлоқий жиҳатдан бой ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш учун ташкилий педагогик шарт шароитларни оқилона ва экспериментал тарзда аниқлаш учун модул дастури ишлаб чиқиш лозимлиги аниқланди.

Интеграциялашган дарслар болалар дунёқарашида бир бутунликни, воқеалар узвийлигини тушунишини табиатан англаб етишга ўргатади. Шуни алоҳида ҳисобга олиш керакки, умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани Одобнома, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари каби фанларнинг интеграцион боғланишли хусусиятлари илмий жиҳатдан етарли ишлаб чиқилмаган.

Мавжуд турли фикрлар ва қарашлар эса бир-бирига зид ва узвий бўлмаганлиги сабабли интеграция муаммоси ҳамон олимларимиз ўртасида баҳсли масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Психологик ва педагогик фан нуқтаи назаридан маънавий ва жисмоний тарбия ва шахсий ривожланишнинг феноменини ўрганиб чиққан олимлардан Б.Г. Ананьев, Ж.К.Бабанский, В.С.Библер, П.Ф.Лесгафт ва бошқаларнинг таҳлилларига кўра, маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбиянинг моҳияти,маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия тизимининг интеграциялашувининг қуйидаги тамойилларини аниқлашга ёрдам беради:

- маънавий-ахлоқий тарбия -бағрикенглик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, адолат ва ҳалоллик ифодаси-энг юксак ахлоқий қадриятларни, моддий жиҳатдан маънавий манфаатларни, инсоннинг ахлоқий ва фуқаролик бурчини бажариш тушунчасини тасдиқлайди;
- жисмоний тарбия шахсни жисмоний камолотга етказишнинг мотивацион-қийматига йўналтирилганлиги, фаол ўзгарувчан фаолиятнинг асоси сифатида намоён бўлади;
- маънавий-ахлоқий билим-бу шахснинг илмий, ҳиссий ҳатти-харакат таркибий қисмларининг яхлитлигини шакллантиридиган ва фуқаролик камолотини, ижтимоий

https://buxdu.uz

фаоллигини, юқори маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини, манфаатлари ва фаолиятининг сабабларини таъминловчи ижтимоий- педагогик жараёндир;

- жисмоний тарбия – бу инсон танасининг шакли ва функциялари, жисмоний сифатлари, ички дунёси (иродаси, характери ва бошқ.)ларнинг соғлом турмуш тарзи асосларини уйғунлаштирадиган педагогик жараён ҳисобланади;

Илмий манбаларининг таҳлили шарқ мутафаккирлари, хориж ва ўзбек педагоглари интеграциялашган дарсларни амалиётга тадбиқ этишга ҳаракат қилганликларини кўрсатади. Таълим жараёни самарадорлигини оширадиган омиллар ичида дарсларни интеграциялашган асосда ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда таълим жараёнига интеграциялашган дарсларни олиб кириш долзарб муаммолардан бири эканлиги бугун ўқув-тарбия жараёнида сезилиб қолди. Бугунги кунда таълим жараёнига интеграциялашган дарсларни олиб кириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Таълим жараёнини интеграциялашган дарслар асосида ташкил этишнинг қулайлиги шундаки, унда ўқувчининг ўқув материалларини ўзлаштиришда оламни ягона бир бутунликда эканлиги, табиатдаги мавжуд ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқликда эканлиги ҳақида таълимотга эга бўлишларига имконият яратилади. Таълим жараёнини интеграциялашган дарслардан фойдаланиш ўқувчиларни билим олишларидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, ўқувчиларни билимларини ўзлаштиришларида юқори самара беради.

Бугунги кунда ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш, айниқса, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда фанлараро интеграцияни ривожлантиришни амалга ошириш муҳим ижтимоий-педагогик ва психологик ҳодисалигини, муаммонинг ечилиши узулуксиз таълим тизими олдида турган муҳим педагогик вазифа эканлигини инобатга олган ҳолда, биз Навоий, Бухоро ва Қарши вилояти мактаблари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларидан сўровномалар ўтказдик.

Сўровномаларда келтирилган “Интеграция деганда нимани тушунасиз?” мазмунли саволга мактаб ўқитувчиларининг 55% фоизи бу сўзнинг луғавий маъноси ҳақида тўлиғича маълумотга эга эмасликлари, 43 % эса жавоб беришга қийналганликлари ва шунинг эвазига турли хил фикрларни билдирганликлари, фақатгина 2% ўқитувчиларда интеграция тушунчаси ҳақида маълумотлар баъзаси мавжудлиги аниқланди.

“Сиз жисмоний тарбия фанини қайси фанлар билан алоқадорликда ўтасиз?” деган саволга қуйидагича жавоб олинди.

Т/р	Ўқув режадаги ўқув фанлари	*Жисмоний тарбия фани интеграциялашган ҳолда ўтилувчи фанлар сони(битта ўқитувчи бир нечта фанни ёзиши мумкин)*	*Фоизда*
1.	Она тили ва адабиёт	0	0%
2.	Ўзбек тили/рус тили	3	18%
3.	Чет тили	10	59%
4.	Тарих	3	18%
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари	0	0%
6.	Иқтисодий билим асослари	0	0%
7.	Математика	3	18%
8.	Информатика ва ахборот технологиялари	0	0%
9.	Физика	0	0%
10.	Кимё	0	0%
11.	Биология	3	18%
12.	Табиийёт ва география	17	100%
13.	Одобнома	5	29%
	Ватан туйғуси	5	29%
	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	9	53%
14.	Мусиқа маданияти	5	29%
15.	Тасвирий санъат	0	0%
16.	Чизмачилик	0	0%
17.	Технология	2	12%
18.	Жисмоний тарбия		

https://buxdu.uz

“Жисмоний ва маънвий-ахлоқий тарбия интеграциясида ўқувчиларнинг руҳий ҳолатига таъсири қандай” деган саволга 34% ўқитувчилар интеграциялашган дарсларда иродавий сифатлар етарли эмас деб ҳисоблаган бўлса, 38% ўқитувчилар иродавий сифатлар ривожланган деб ҳисоблайди. 28% ўқитувчилар ўқувчиларда жисмоний ва маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш зарурлигини таъкидлайдилар.

Илмий таҳлил ва изланишларга таянган ҳолда ва муаммонинг ечилиши узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим вазифани ечишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Бунинг учун қуйидагиларни тавсия этамиз:

- баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний ва маънавий ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини педагогик-психологик муаммо сифатида чуқур ўрганиш ва асослаш;
- ўқувчиларни жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни ва педагогик-психологик хусусиятларини ишлаб чиқиш амалда тадбиқ қилиш;
- ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлашнинг мақбул шакл, метод ва воситаларини аниқлаш ва педагогларга тавсия қилиш;
- ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқувчи шахсини шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциялашувини таъминлашга йўналтирилган модели ишлаб чиқилиб, ушбу модел мазмунидаги тадбирлар назарий ва амалий билим, кўникма, малакаларга эга бўлган баркамол авлодни ривожлантиришга йўналтиришга хизмат қилиши аниқланди. Шунингдек, мазкур иш фаолияти натижасида маданий хулқ, одоб-ахлоқни самарадорлигини таъминлашга асос бўлади.
2. Баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний ва маънавий-ахлоқий тарбия интеграциясини таъминлаш жараёнини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик-псхологик муаммолардан бири ҳисобланади.
3. Ўқувчи шахсини шакллантиришда маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия интеграциясини таъминлаш муҳим масала саналиб, унда ўқувчиларни касбга тайёрлашда назарий ва амалий билимларга эга бўлиши билан бирга маънавий-ахлоқий тарбиялашни ҳам тақозо этиши аниқланди.
4. Жисмоний тарбия ва спортнинг маънавият билан интеграциялашувининг ривожланиши жамият тараққиёти ва шахс камолотига ижобий таъсир этгани ҳолда инсоннинг барча ижобий сифатларини, хулқ-одобини, эътиқодини, ақл-заковатини, соғлом дунёқарашга эга эканлиги, мафкуравий қарашларини узвий боғлаган ҳолда ахлоқ билан уйғунлашади ва «маънавий-ахлоқий тарбия» тизимини ташкил этиши аниқланди.
5. Ўзбек халқининг бой маънавий ва ақлий мероси ёш авлод онгида миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида маънавий-ахлоқий қарашларни шакллантириш билан биргаликда жисмоний жиҳатдан чиниқтириш, уларни ҳар томонлама соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш асосий манба ҳисобланади. Зеро, маънавий-ахлоқий тарбия илдизлари қадим-қадимларга бориб тақалиб, таълим-тарбия тараққиёти жараёнида маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия интеграциялашнинг тамойилларини ҳам такомиллашиб бориши исботланди.
6. Маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия интеграциялашуви ўқувчи шахсида психологик хусусиятлар (ирода, темперамент, қобилият ва қизиқишлар)ни ривожлантиришга катта имконият яратади.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – Т.: 1997 й., 20 бет.

2.Мавлонова М., Раҳмонқулова Н. “Бошланғич таълимни интеграциялаш”. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи. 2011 йил. – б 28-29.

3.Клусман Р. Справочник по психотерапии / Перевела с немецкого Ю. Чекмарева. — 3-е изд. — СПб.: Питер, 2004. — 368 с.

4.Нартова-Бочавер С.К Понятие "психологическое пространство личности": обоснование и прикладное значение // Психологический журнал, 2003. - №6. - С.27-36

https://buxdu.uz

ИЛМИЙ МУШОҲАДА

Остонова Гулшод Раззоқовна,
Бухоро давлат университети илмий тадқиқотчиси

ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: *мақолада умумтаълим мактаб ўқувчиларида тасвирий санъат музейидаги тасвирий санъат асарлари орқали фазовий тасаввурларини ривожлантиришнинг масалалари ўз ифодасини топган.*

Калит сўзлар: *тасвирий санъат, фазовий тасаввур, психология.*

Аннотация: *статья посвящена развитию пространственных образов посредством искусства живописи в Музее изобразительных искусств для учеников начальной школы.*

Ключевые слова: *изобразительное искусство, пространственный подход, психология*

Abstract: *The article focuses on the development of spatial imagery through the art of painting at the Fine Arts Museum for elementary school pupils.*

Key words: *fine arts, spatial imagination, psychology.*

Мавунинг долзарблиги. Фазовий тасаввур инсонга ёшлигидан бошлаб теварак атрофини кузатиш, турли фаолият жараёнларида шаклланади. Баъзида, ўқув предметлари (геометрия, чизмачилик, меҳнат каби) фазовий тасаввурларни ўстиришда самарали воситалардан ҳисобланади. Қаламтасвир билан шуғулланиш ҳам тасаввурларни шакллантириш, хаёлни ривожлантиришда айниқса, қулай йўллардан ҳисобланади.

Ушбу масалаларни ечиш педагогик-психологик муаммолар қаторидан саналади. Демак, психология, педагогика каби фанлар бадиий графика факультетларида расмга ўргатиш жараёнида қимматли материалларни беради. Тажрибали ўқитувчилар қаламтасвир билан шуғулланиш, ўқувчиларда фазовий тасаввурларни шакллантиришда фаол таъсир этувчи аҳамиятини чуқур тушунадилар. Бироқ ушбу муаммо етарли ўрганилмаган ва илмий асосланмаган. Шу сабабли, биз қаламтасвир дарсларига фазовий тасаввурларни шакллантириш бўйича тўлиқ услубий материалларга эга эмасмиз. Ҳаммага маълумки фазовий тасаввур, предметларнинг шакли, оғирлиги, кенглиги, йўналиши, вазияти, узоқлашганлиги, ўзаро жойлашганлиги билан боғлиқдир. Бу фанда олимлар И.С.Якиманский, Б.Н.Кабанова-Меллер, Б.ФЛомов, В.С.Кузин, О.И.Галкина ва бошқалар ўз ишларида батафсил маълумотлар беришган. Фазовий тасаввурларни шакллантириш муаммоси кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Бу ўринда таниқли физиологлар И.М.Сеченов, И.П.Павлов, П.К.Анохин ва психологлар Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Д.И.Узнадзе, Н.Н.Волков, Е.И.Игнатьев, И.С, Якиманской ва бошқаларнинг қимматли тадқиқотлари маълум.

И.П.Павлов биринчи бўлиб, тасаввурнинг асоси сифатида вақтинчалик нерв алоқаларини ҳисоблайди, у эса бош мия пўстлоғида доимий равишда ўқиш фаолиятида шаклланади.

Бу тамойил расм билан шуғулланиш машғулотларига ҳам тааллуқлидир. Нерв алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ўша предметнинг расмини чизиш жараёнида бир қатор элементларни идрок этишни ташкил этиш керак. Бунда идрок этиш шартларини ўзгартириш лозим.

Ҳар бир идрок этиш жараёнида нерв алоқалари онгда осон ва автоматик равишда қолдиради ва кейинги сафар камроқ кучни талаб этади. Шу сабабли расмни бажариш жараёнида предметни алоҳида хусусиятларини юзаки, тез идрок этиш билан чегараланмаслик лозим.

Хотирадан, тасаввур асосида хаёлан расм чизиш жараёнини муваффақиятли ҳал этишда «... мия пўстлоғида ўрганилаётган предметлар излари бўлиши..." шартдир.

Шу нарса маълумки, расмлар сифатида чизувчида кўриш тасаввурлари, хотира бойлиги ва идрок қилиш жараёнининг ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Н.Н.Волков ҳамда

https://buxdu.uz

Е.И.Игнатьев, И.М.Сеченов ва И.П.Павлов назариясига асосланиб эксперимент йўли орқали аниқладиларки, тасвирий фаолиятда идрок этиш жараёнининг боғланиш даражасини ва фазовий тасаввурини шакллантириш ўстиришга мос, кўриш системасини педагогик имкониятларини очиб бердилар.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида (1960-2000 йиллар) олий ва ўрта таълим тизимида тасвирий санъат ўқитиш назарияси ва услубиёти соҳасида қатор илмий изланишлар олиб борилди. Булардан кўзга кўринган мутахассислар: Г.В.Беда, Н.Н.Ростовцев, В.С.Кузин, Т.С.Комарова, Е.В,Шокиров, Г.Шпулкалова, Р.Ҳасанов, Б.П.Юсов, А.П.Яшухин, С.С.Боголюбов, Н.Н.Анисимов, С.Абдуллаев, С.Булатов, Б.Бойметов, Н.Толипов. С.Сулаймонов тадқиқотларини санаб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари ушбу даврда Ўзбекистон миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қатор номзодлик ишлари бажарилган. Булардан К.Қосимов, Б.Бойметов, Б.Азимов, Р.Ашуров, Р.Аҳмедов, И.Аҳмедов, О.Қодиров, А.Носировалар ҳам тасвирий фаолият психологиясининг айрим қирраларини қамраб олган.

Тасвирий санъат машғулотлари ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Тасвирий санъат болаларнинг қизиқиш доиралари кенгайишига, уларнинг эстетик эҳтиёжларини тарбиялашга, тафаккури, тасаввури, хотирасини, бадиий қобилиятларини, борлиқ ва эстетик муносабатларини шакллантиради ва ривожлантиради. Тасвирий санъат дарсларида шахс учун муҳим бўлган қатъийлик, мақсадга интилиш, озодалик, меҳнатсеварлик каби сифатлар тарбияланади. Тасвирий фаолият жараёнида ўқувчилар бизни ўраб турган борлиқ ҳодисаларини ўрганадилар, предметларни таҳлил қиладилар ва қатор график ва рангтасвир борасида кўникма ва малакаларини эгаллайдилар. Шу билан бир қаторда тасвирий санъат ўқувчиларда борлиқни ўрганишнинг самарали воситаси бўлиши билан бир қаторда уларни кўриш идроки, тасаввури, тафаккури, фазовий тасаввури, хотираси, сезгиси ва бошқа психик жараёнларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тасвирий санъат дарсларидаги машғулотлар ўқувчиларнинг тасвирий қобилиятларини бир қатор компонентларини ривожлантириш ва мукамаллаштиршга ёрдам беради. Буларга биз натурани яхлит, актив, кўриб идрок этиш, фазовий, композицион ва образли тафаккур, хотира, тасаввур, кўникма ва малакаларни айтишимиз мумкинки, бу профессионал тайёргарликни яхшилаш имконини беради.

Тасвирий санъат бўйича давлат таълим стандартлари ўқитишда ўқувчиларга, жумладан, борлиқни ва санъат асарларини идрок этиш, болаларда абстракт, мантиқий фикрлаш, ижодий қобилият ва фантазияларни ўстириш, кузатувчанлик, кўз хотираси, чамалаш, фазовий тасаввур, ҳис-ҳаяжон каби шахс учун муҳим бўлган сифатларни тарбиялашга қаратилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда тасвирий санъат фанлари бўйича тузилган режалар бўлажак педагог рассомларни тайёргарлашда бадиий дид ва рангни идрок этиш, фазовий тасаввурни шакллантириш, кузатувчанлик, кўриб эслаб қолиш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, каби шахс ҳислатларини тарбиялашга қаратилган. Шу сабабли, объектни турли кўриниш нуқталаридан, турли вазиятларда чизиш, предмет, конструкциясини тўлиқ, атрофлича ўрганиш керакки, чизувчи хотирасида у ҳақида тўлиқроқ тасаввур қолсин.

Ўқувчиларда фазовий тасаввурларни самарали шакллантириш учун биз олдин нарсани ўзига қараб расм чиздирдик, сўнг тасаввур асосида фақат бошқа ҳолатда чиздирдик. Қўйилган вазифа шундан иборат эдики, ўқувчи натура шаклини бошқа кўриш нуқтасидан тушуниб чизган. Натижада ўқувчига тасаввур асосида расм чизиш ёрдам берди, у нарсани ўзига қараб расм чизганда тушириб қолдирган ёки аҳамият бермаган жойларини билиб олди. Фазовий тасаввурларни самарали шакллантириш учун расм чизишнинг турли хил усулларини қўллаш лозим. Тасвирий санъат дастурларида ҳам расмга ўргатиш жараёнида ўқувчилар натурадан, хотирадан ва тасаввурдан расм чизиш малакаларини эгаллайдилар, техник малакалари шаклланади, шу билан бир қаторда уларда фазовий тафаккурлари ҳам ривожланади. Нарсани ўзига қараб расм чизиш бу кўрув информациясини олиш, ўйлаш асосида ўқувчи ўз идрокини ривожлантиради, предметларнинг фазодаги ҳолатини сезиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимларни ошишига хизмат қилади.

https://buxdu.uz

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш билан бир қаторда расм чизишнинг бошқа турларини ҳам қўллаш лозим. Психологлар фикрича хотира ва тасаввурдан расм чизиш инсон хотираси ва онгида фазовий образларни шакллантиришнинг актив воситаси ҳисобланади. Расм чизишнинг бу турлари талабаларнинг фазовий тафаккурларини шакллантиришда ёрдам беради. Тасаввур асосида расм чизиш чизувчига предметнинг тузилиши ҳақида тўлароқ маълумотлар беради, чизувчи кўзанинг ўзига қараб расмни чизганда, унинг дастагини асосга қандай бирлашганлигига эътиборни қаратмаган бўлса, тасаввур асосида шу предметни чизганда талаба мулоҳаза юритади, дастак қандай бириктирилгани расмда тўғри ифода этилади. Хотирасидаги ҳаётий тажрибаларни эсга олади. Фазовий тасаввурни шакллантириш ва кўрув идрокини ташкил этишга кўргазмали қуролларни танлаш катта ўрин тутади. Моделлар, схемалар, таблицаларни расм чизиш жараёнида қўллашга Леонардо да Винчи, А.Дюрер, ака-ука Дюпии, А.П.Лосенко, А.П.Сапожников, А.К.Саврасов, П.П.Чистяков, Д.Н.Кардовский ва бошқалар катта аҳамият берган. Д.Н.Кардовский фазовий тасаввурни шаклланишида катта ўринда ўқитувчи сўзи туришини кўрсатиб ўтган эди. Амалиёт жараёнида орттирилган билимлар асосий ўринни тутади ва педагог кўрсатмаси чизиш жараёнини ташкил этади, фазовий қарашларни шаклланишига ёрдам беради. Педагог чизиш жараёнини шундай ташкил этиши керакки, ўқувчини қайси мақсадда кузатишни, билимлари билан аниқ бир вазифа устида нимани идрок қилишларини вазифа сифатида қўйиши керак. Масалан, кўзани чизганда, ўқитувчи кўзани чизиқли - конструктив тузилишига эътибор бериш вазифасини қўйди. Демак, чизувчи ўз фаолиятида кўзани конструктив тузилишини чуқур ўрганса аниқ тасвирлаш учун замин тайёрлайди.

Расм чизиш жараёнини тадқиқ қилган Н.Н.Волков, В.С.Кузин, Е.И.Игнатьев ва бошқалар расм чизувчида фазовий тасаввурни ўстиришда қўллаш асосий шартлардан бири деб ҳисоблайдилар.

Болаларнинг кузатувчанлиги ошиши дарсни тўғри ташкил этишни, синфдан, мактабдан ташқари ишлар, экскурсиялар, кўргазмали қуролларни кенг ишлатиш ўқитувчи сўзи катта ўрин тутади.

Шундай қилиб, мақсадга йўналтирилган ўқиш, турли туман метод ва усуллар ўқувчиларда идрок этиш ва кузатувчанликни маълум жиҳатдан ўстиради.

Йиллар ўтган сари улар идроки борлиқни аниқ қабул қилишга қаратилади. Улар ишида ранг ечими анализ ва синтез қилганлари, машқлар ўқувчиларда кузатувчанликни оширади.

Кузатувчанликни ўстиришнинг 1-шарти — қўйилган аниқ вазифа нима ва нимага кузаталади. Кузатиш активлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у 2 шаклда намоён бўлади.

1. Фикрлаш фаодиятига таққослаш, анализ, синтез.

2. Кузатувчининг кузатув объектига муносабати, уни кузатишнинг аҳамиятини билишга натижалар учун жавобгарликни ҳис қилишига.

Борлиқни идрок этиш ўқувчиларнинг эстетик идроки, диди, мазкур соҳага доир тушунчалари, тасаввур ва хотираларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. У одатда мавзули композициялар бажариш олдидан ўтказилади. Айрим объект ва ҳодисаларни қалам, бўёқ ва бошқа материал билан хомаки расмлари ишланади. Бунда ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, балиқларни кузатадилар, табиатнинг турли кўринишлари, кайфияти ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Суҳбатлар ўтказилади нарсалар шакли, тузилма, ранги кабиларни маълум миқдорда таҳлил қилиш ва умумлаштиришдек муҳим сифатларни ўстиришга имкон беради.

https://buxdu.uz

Болаларга режали, чизиқли ва ҳаво перспективасини билмасдан сифатли ишларни бажариб бўлмаслиги тушунтирилади.

Мақсад ўқувчиларни борлиқни билиши, нарса ва ҳодисаларни ўзига хос хусусиятларини, айниқса тузилиши, шакли, ранги, ўлчовлари, ўлчов нисбатлари фазовий ҳолатлари ва ҳ.з. англаб етишларига эришишдан иборат.

“Чўпон” картинаси (5- бола)

Бу расмда чўпон ўз хаёли билан ниманидир ўйлаяпти, чўпоннинг ёнида қўй, орқасида от, эчки турибди, чўпон эса ҳордиқ олиб ўтирибди. Атрофида дашт, тоғлар, осмон, булутлар. харсанг тошлар тасвирланган. Чўпон фарзандлари ва ўтган ҳаёти йўлларини ўйлаяпти.

“Чол чолғу билан” картинаси

Картинада чол чолғу асбоби билан тасвирланган. У қандайдир куй чалаётгани кўриняпти. Шу куйга махлиё бўлиб ҳар хил қушлар унинг ёнига келиб бирга сайрашяпти. Чол қўшиқ орқали ўзининг ғамларини ўйлаб чаляпти. Мана, елкасида қуш, атрофида дарахт, ер, осмон. У билан бирга қушлар сайрашяпти.

“Чўпон картинаси” (4 - бола)

Бу картинада чўпон тасвирланган. Чўпоннинг ёнида эчки, от, тошлар бор. Бу ерда осмон мусаффо. Далалар, тоғлар жойлашган. Чўпон ишдан толиққанида озгина дам олаётиб, ўзининг ҳаёти ҳақида ўйлаб ўтирибди. Тинчлик, осойишталик ҳақида ўйлаб турибди. Гўёки унинг гапларини ҳайвонлар эшитиб тургандай.

“Чол чолғу билан” картинаси

Бу картинада чолнинг қўлида чолғу асбоби ва қушлар, табиат акс эттирилган. Бу расмда чол ўзининг ўтмишини ўйлаб қилган ишларини мусиқа орқали акс эттираяпти ва унинг чалган мусиқасига қушлар ҳам берилиб ўтирибди. Ҳаттоки, чолнинг елкасида ўтириб мусиқа тинглаяпти. Атроф, ҳамма жой қуш билан ўралган. Чол миллий кийимларимиздан бўлган чопон кийган, унинг бошида салласи ҳам бор.

“Чўпон” картинаси (3 - бола)

Бу асарда чўпон ўз қўйларини боқиб ҳордиқ чиқариб ўтиргани кўриняпти. Унинг ўйлари ва фикрлари келажакда мен фарзандларини боқишим керак. Чўпон фарзандларимни боқиши кераклиги ҳақида ўйлаб, уларнинг келажаги ўзидай чўпон бўлмаслигини, ўқимишли бўлиб, катта – катта ишларда ишласин деб хаёл суряпти. Ҳаёт тарзини яхши кечирсин деб хаёл суряпти. Орқасида дала даштлар, сув оқиб турибди. Бу музейдаги картина барчага таъсир қилувчи сурат деб биламан.

https://buxdu.uz

“Чол чолғу билан” картинаси

Бу расмда чол чолғу асбоби билан мусиқа чаляпти. Бунга махлиё бўлиб қушлар уни тинглашга келаяпти. Жуда хам берилиб айтгандан атрофида қушлар кўпайиб кетган. Чол ўзининг ҳаётидан, кечирган кунларини ўйлаб куй чалаяпти. Қушлар ҳам унга махлиё бўлиб, ҳам унинг ғамига шерик бўлгандай тинглаб туришибди.

Ўқувчиларнинг тасвирий санъатда фазовий тасаввурини шаклланганлигини билиш учун тажриба олиб борилди. Тажрибада 34- сон мактабининг 7 “А” синф ўқувчиларидан 3 нафарини тасвирий санъат фанидан аълочи, яхши ва қониқарли ўзлаштирадиган ўқувчиларни тасвирий санъат музейига олиб борилди. Улар Бухоро рассоми Музаффар Абдуллаевнинг 2 та асарини таҳлил қилдилар. Уларнинг фикрлари ҳақида суҳбат олиб борилди.

Тажриба синов натижаси шуни кўрсатдики, аниқ фанларни яхши ўзлаштирган ўқувчи кўпроқ бизнес, ахборот технологияси соҳасида келажакда ишлаш мойиллиги кўпроқ. Ижтимоий-гуманитар фанларга қизиқадиган ўқувчи хиссий сезгир, картинани тўлиқроқ таърифлайдиган, тасаввур хаёли, фантазияси ранг-баранг бўлганлиги сабабли, картина қаҳрамонининг ҳис туйғуларини нисбатан бойроқ тасаввур қилишга қодир ўқувчи бўлади.

Респондентлар (ўқувчилар) сони етарли бўлмаганлиги сабабли юқоридаги фикримиз илмий тахмин сифатида таклиф этилади. Шу билан бирга тасвирий санъат асарларини идрок этиш, ундаги муаллиф (рассом) ғоясини кўрабилиш, тўлиқ таърифлаш нафақат идрок этаётган шахсни аниқ ёки гуманитар фанларга мойиллиги балки уларни маълумот, маданият савияси, хаётий тажрибаси, ақлий савияси, серқирралик даражаси, тасвирий санъат асарларига қизиқиши, шахсни йўналганлиги, хиссий-эмоционал ҳолати ва бошқа индивидуал-психологик хусусиятларга боғлиқ. Буларни аниқлаш илмий тадқиқотимизнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Адабиётлар:

1.Ғозиев Э.”Тафаккур психологияси” – Т.: 1989.

2.Ғозиев Э. “Олий таълим психологияси” – Т.: 1997.

3.Растовцев Н.Н. “Методика преподавания изобразительного искусства в школе”. – М. 1999.

4. Ҳасанов Р. “Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси” – Т.: 2002.

5.Растовцев Н.Н, Терентьев А.Е.”Развитие творческих способностей на уроках изобразительного искусства”.

https://buxdu.uz

Қодирова Азиза Бекмуродовна,
Термиз давлат университети
Психология кафедраси катта ўқитувчиси

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ БИЛИШ НАЗАРИЯСИГА ДОИР ФИКРЛАРИ

Аннотация: *maqolada Al Hakim at-Termiziyning psixologiya fanining turli sohalarida asosiy qarashlari bayon etilgan. Ruhiy hodisalar va shaxsiyat xususiyatlari bilan bog'liq ba'zi diniy fikrlar muhokama qilinadi.*

Калит сўзлар: *ҳиссиёт, тасаввуф, маърифат, сўфий, гносис.*

Аннотация: *в статье рассмотрены основные взгляды Ал Хаким ат-Термизи по различным направлениям психологической науки. Обсуждены некоторые религиозные мысли, относящиеся к психических явлений и особенностей личности.*

Ключевые слова: *чувства, суфизм, просветление, суфий, гнозис.*

Abstract: *The main views of Al Khakim At-Termizi on various ways psychological science have been presented in the article. Some religious thoughts related to psychological phenomenon and personal peculiarities have been discussed.*

Key words: *feelings, sufism, enlightenment, sufi, gnosis.*

Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотидаги муҳим масалалардан бири инсонда билиш (ал - маърифа)ҳақидаги фикрларидир. Билиш учун махсус тизимга эга бўлиб, у тўртта асосий қисмдан иборатдир, дейди. Улардан биринчиси идрок этиш орқали бўлиб, улар инсондан ташқи бўлган ҳиссиётлар – билим, тажриба, малака, уларни тушуниб идрок этиб, улардан ўз фаолиятида фойдалана билиш. Бу тизимнинг фаолиятида кўз, қулоқ, тил каби аъзолар билан бир қаторда ташқи маълумотларни қабул қилиш, бунда инсоннинг зеҳни, фаҳму фаросати, қувваи ҳофизаси катта ўрин тутади. Яна бир хил воситалар борки, булар ҳаяжонланиш, ҳиссиётлар, шуур билан боғлиқ ҳолатлар – булар жигар, талоқ, буйрак шахват билан боғлиқдир. Иккинчи тизим инсонда бор билим воситасида амалга оширилади, Учинчи тизим аҳлоқ масалалари билан уйғунлашиб амалга ошади, бу сўнгги иккаласи муштарак бўлса, инсонда зийраклик, латофат, юксак салоҳият каби алоҳида фазилатлар ҳосил бўлади. Алломанинг ўзига хос бу фикрлари, шунингдек инсоннинг билишида унинг руҳияти, ақли ва қалби қандай ўрин тутиши ҳақидаги қарашлари тасаввуф аҳлининг руҳонияти ва тафаккурига катта таъсир кўрсатади. Инсон эришиши қодир бўлган билим – бу тасаввуфий маърифат ёки ҳикмат деб, уни инсон қалбида тажалли бўлган илоҳий бир нур билан тенглаштирди. Чунончи шариатнинг турли масалаларини талқин қилиб, уни ҳаётга татбиқ қилишга қодир бўлган билим (илм) дан фарқли ўлароқ маърифат (гносис) ўша нарсаларнинг яширинган (сирли) моҳиятини, охир-оқибатда унинг илоҳий моҳиятини, англашга эришади. Агар илмга ўқиш, ўрганиш жараёнлари орқали эришилса, маърифатни эса Оллоҳ таоло ўзи суйган, танлаган бандаларигагина марҳамат қилади. Илмни ҳаётга татбиқ қилиш замони ва майдони (ҳудуди) бир қадар маҳдудий, чегараланган бўлса, маърифатнинг эса чеки чегараси бўлмайди. Маърифат фақат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза бўлиб, бутун ниятию фикр-зикри билан Оллоҳга таважжуҳ қилган инсонларгагина насиб этади. Мана шундай инсонлар тоифасига ал-Ҳаким ат-Термизий, энг аввало, сўфий валийларни мансуб этади. Унинг фикрича, улар (валийлар) мана шу жиҳатлари-маърифатлари билан бошқа мўмин-мусулмонлардан ажралиб туради. Эҳтимолдан ҳоли эмаски, ал-Ҳаким ат-Термизий биринчилардан бўлиб, назарий жиҳатдан авлиёлар ҳақидаги тасаввуфий қарашларни асослаб, амалда ҳуқуқий жиҳатдан уларни Оллоҳнинг элчилари (русул) ва пайғамбарлари (анбиё) билан даражаларини тенглаштирган. Алломанинг пайғамбарлик ва валийлик хусусидаги, айниқса унинг тасаввуфда валийликнинг муҳим ўрни ҳақидаги қарашлари кейинчалик ислом оламида машҳур бўлган буюк файласуф Ибн ал-Арабий (1165—1240) томонидан янада ривожлантирилди. Ҳатто ушбу масалага бағишланган қатор асарларида Ибн ал-Арабий ал-Ҳаким ат-Термизий рисолаларидан бутун-бутун саҳифаларни сўзма-сўз кўчириб келтирган ҳоллари ҳам учрайди [1].

https://buxdu.uz

Умуман олганда ал-Хаким ат-Термизийнинг билиш (маърифат) назариясига доир фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан алломанинг айнан шу масала бўйича қарашларига бағишланган махсус асарлар, тадқиқотлар ҳам яратилган. Бу фикримизга мисол тариқасида араб олими Абдулмуҳсин ал-Ҳусайнийнинг «Ал-Хаким ат-Термизийда билиш масаласи» («Ал-Маърифат иънд ал-Ҳаким ат-Термизий») асарини кўрсатиш кифоядир. Буюк аллома ал-Ҳаким ат-Термизий ўз замонасининг диний илмларидан ҳам, дунёвий илмларидан ҳам ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиб, кўриб ўтганимиздек жуда кўп асарлар яратган. Унинг мукаммал илми ва беқиёс салоҳиятига кўпчилик алломалар юксак баҳо берганлар. Жумладан, буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида уни энг улуғ шайхлар қаторида зикр этганлар ва мутасаввуфларнинг иккинчи бўғинига киритганлар. Хусусан, Алишер Навоий ҳазратлари ал-Ҳаким ат-Термизий тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтирган: «Мухаммад бин Али Ҳакими Термизий - иккинчи табақдиндур. Кунияти Абу Абдуллоҳдур. Машойихи кибордандур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Ҳадравайҳ ва Ибни Жалла била суҳбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи (ёзган асарлари) бор. Ул жумладин «Хатм ул-вилоя» китоби ва «Наҳаж» китоби, «Наводир ул-усул» ва бундан ўзга хам китоблари бор ва зоҳир улумида ҳам кутуби бор ва бир тафсир («Қуръон тафсири») ҳам ибтидо қилғондур. Аммо итмомиға (охирига) улар вафо қилмайдур...»

Хожа Баҳоуддин ан-Нақшбанд ҳазратлари ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақларида: «Азиз авлиёларнинг пешвоси Хожа Мухаммад Ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизийнинг руҳониётига таважжуҳим тушганда, ҳар сафар менга таъриф ва тавсифдан холи тасаввуф намоён бўлади» деб, унинг руҳоний оламидаги юксак мартаба ва мақомларини алоҳида лутф билан таъриф этганлар[1].

Ал-Ҳаким ат-Термизий илм ҳақида сўзлар экан, бу масалага тасаввуф тариқати нуқтаи назаридан ёндашади. Аллома "Китоб ал-ҳуқуқ" асарида: "Аллоҳ таоло энг аввало, илмни яратган. Илмдан эса донишмандлик (ҳикмат)ни вужудга келтирган. Донишмандликдан бўлса адолат (адл)ни ва ҳақ(ҳақиқатни)ни пайдо қилган", деб ёзади. Ана шу хил илм зикрида айтилган фикр – ўйлар "Масала фи-л-фарқ байн ал илм ва-л-фиқҳ"("Илм ва фиқҳ ўртасидаги фарқлар масаласи") китобида давом эттирилади:"Билм нарсаларнинг намоён бўлиши (тажаллиси)дир", илм бу ерда айни нарсалар моҳиятининг (тажалли жилваланиш) кашфиёти тарзида таҳлилга жалб этилмоқда.

Исломда иқрор моҳиятан ҳам тасдиқ ва ҳам иймонга яқин жиҳатларга эгадир. Тасдиқ каломи иқрор каломи билан уйғун ва уйқаш, ҳатто улар иймоннинг бир бутун икки палласи сифатида эътирофини топган. Иймон ҳатто тасдиқ ва иқрорнинг қўшилувидан ҳосил бўлган ҳам дейилади, шу зайлда илм - илдизни, иймон - тилни, тасдиқ - қалбни, иқрор - аҳком(ҳукм)ни намоён этади. Гоҳо юқоридагиларнинг таъсирчан ифодаси учун «яқин» истилоҳи қўлланган, ўзбек тилида яқин сўзи узоқнинг зиди бўлган ҳолда, тасаввуфда яқин (арабча) сўзи ишонч (иймон) маъносини англатади. Шундан бўлса керак Ислом динининг дастлабки кезлари «Иймон нимадир?» деган саволга одатан: «Бу - тасдиқ ва маърифат ва яқин ва иқрор ва Ислом» деб жавоб берилар экан.

Илҳом нури - инсон бошида, суҳбат нури икки қош ораси (пешона)да, яқин (ишонч) нури - қулоқда, равшанлик нури - тилда, иймон нури - бағир (кўкрак)да жойлашган».

Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз фикрларини давом эттириб айтадики: «ҳар қандай ҳақиқий маънавий дунёни билиш ёки мушоҳада этиш, янада аниқроғи ботиний дунёқараш табиатан нур сифатида қаралади. Бу нурга, албатта, содиқликни истовчи, садоқатни изловчи қули етади, Аллоҳнинг нурларидан фақат ва фақат содиқ қули баҳра олади ёки аксарият мутасаввуфлар нур орқали, нур воситасида ёки нур (илм)да Аллоҳни кўришни, англашни истайдилар». Нур мавзуи ўта қадимийдир, у Қуръоннинг иккинчи бир номи Фурқон (фаркҳлар, яхшини ёмондан, ёмондан яхшини фарқлаш)да тўкис тажассумини топган. Фурқоннинг маъноси шуки: нурнинг инсон қалбига жо этилишидан мурод - ҳақни ноҳақдан ажратишдан иборатдир. Сўфийликда маърифат нури ва ботиний нур (ан-нур ал-ботин) - ички нур, ички илм бир нарсадек талқин этилади, яъни маърифат нури - идрок нури, ботиний нур - тариқат илми ҳисобланади.

[1] Мазкур маълумотлар Убайдулло Уватовнинг «Ал-Ҳаким ат-Термизий"(ҳаёти ва мероси) Тошкент, 2001, 35-37 бетлар.

https://buxdu.uz

Ал-Ҳаким ат-Термизий бошқа мусулмон тафаккури намояндалари каби мутасаввуфлар моддий манфаат ва сохта шуҳрат йўлида илмни суиистеъмол қилувчи илм аҳлидан шикоят қиладилар ва уларни қаттиқ; танқид остига оладилар. Сўфийлик тариқати ва таълимоти илм хусусида жуда кўп баҳсу мунозара қилади ҳамда турли хулосаларни ўртага ташлайди. Илмни нур тарзида талқин этган сўфийлар унинг бошқа қирраларини кашф этишга интиладилар ва бу соҳада қатор ютуқларни қўлга киритишга эришган ҳамдирлар. Сўфийликда илмга бир ёқлама муносабат изҳор этилмайди, балки илмни бутун бошли борлиги билан намоён этиш йўлида толмай кураш олиб борилади. Чунончи, тасаввуф тариқати намояндалари илмни том маънодаги фан даражасига етказиш ниятида унинг турли усулларини ишлаб чиқади ва шундан сўнггина таҳлилга ўтади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида илм ва ҳикмат (донишмандлик) сўзлари IX аср мусулмон дунёси олимлари асарларида бўлганидек, маънодош сифатида ишлатилади ёки илм (оддий доимий) ва олий илм-маърифат ва ҳикмат деб талқин этилади. «Инсонларга хос олий билм илоҳий қудрат томонидан берилган маърифат ёки ҳикмат бўлиб, бу одамзот юрагига сингдирилган», деб таъкидлайди аллома. Шариат қоидаларини талқин этадиган ва уни ҳаётга тадбиқ қиладиган илмдан фарқли маърифат ва ҳикмат жисм ва ҳодисаларнинг ички, сирли хусусиятларини англайди. Илм мутолаа давомида шаклланса, маърифат Аллоҳдан унинг бандаларига берилган буюк неъматдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий илм шуълаларини таратувчи тасаввуф экани ташвиқотини зинҳор рад этмаган ҳолда, унинг турли қирраларини топишда толмай интилди. Ҳатто алломанинг қабр тошларида шундай ҳадис битилган ва у яхлит бир қоида асосида қурилгандек жаранглайди. Мана ўша ҳикмат: «ҳар ким илмнинг изидан бўлса, жаннат унинг оёғи остидадир, ҳар ким гуноҳ изидан бўлса, дўзах унинг оёғи остидадир». Ёки Аллома айтадики: «Энг қийналган вақтларимда китобларим менга тасалли берар эди» ёки «Замон шиддатлари менга зарба берганда, мен ўз китобларимга суянардим».

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” – 2016. 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.Тошкент: – “Ўзбекистон” – 2016, 488 б.
3. Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Тошкент: Университет, 2000 й.
4. Муртазоев Б. Ал-Ҳаким ат-Термизий илм зикрида// Термиз Давлат университети илмий тўплами. – Тошкент, 2003.
5. Убайдулло Уватовнинг «Ал-Ҳаким ат-Термизий” (ҳаёти ва мероси) Тошкент, 2001, – Б. 35-37.
6. Ислам. Энциклопедический словарь. Москва: Главная редакция восточной литературы, 1991. – С. 237-238.

https://buxdu.uz

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ ҲАЁТИДАН

УСТОЗ Э.ҒОЗИЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА ҚУТЛОВЛАР

ҒОЗИЕВ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистонда психология фани тараққиёти учун салмоқли ўринга эга бўлган олим – психология фанлари доктори, профессор Эргаш Ғозиевнинг ҳаёти ва ижоди алоҳида ўрганилмоқда. Зеро, фидоий олимнинг ўзига хос юксак тафаккури, илмий мактаби Ўзбекистонда психологик билимларни шакллантиришда ва тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан журналхонларимизга олимнинг кенг қамровли илмий ижоди ва инсонни комилликка етакловчи илмий мушоҳадаларидан муштарак лавҳалар тақдим этишни лозим топдик. Айни пайтда, ҳар бир олимнинг буюклиги у яратган илмий асарларнинг комилликка хизмат қилувчи салмоғи билан белгиланади ва баҳоланади.

Ш.Р.Баротов

Психология фанлари доктори, профессор.

Журнал таҳририяти

https://buxdu.uz

Э.Ғ.ҒОЗИЕВ – МИЛЛАТ КЎРКИ

Олимлар бўладики, ўзларидан кейин жуда кўп шогирдлар чиқариб, илмий мактаб яратган, олимлар бўладики, ўзларидан кейин жуда кўп ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиб, ўзларидан кейин илмий мерос қолдирган бўладилар. Шундай олимлар сирасига, яқиндагина 75 баҳорни қаршилаган психология фанлари доктори, профессор Эргаш Ғозиевич Ғозиевни киритиш мумкин. Мен Эргаш Ғозиевни 1982 йилда Тошкент давлат университети "Психология" кафедрасига мудир бўлиб келган пайтларидан бери биламан. Эргаш Ғозиевич Ғозиев ҳаётимда муҳим роль ўйнаган, илмнинг қийшиқ қинғир, ўнқир-чўнқир йўлларида атак-чечак қилишга ўргатган олим. Домла менинг "Ақлий тараққиёт диагностикаси муаммоси" номли битирув малакавий ишимга илмий раҳбарлик қилганлар. Битирув малакавий ишим бўйича маслаҳат олишга борсам, домланинг олдида навбат кўп бўлар, республиканинг турли вилоятларидаги шогирдлари келиб, домладан маслаҳат, йўл-йўриқлар олишарди. Менинг навбатим келганида домланинг олдига кирсам: "Бу менинг палончи аспирантим, мана бу мавзуда илмий иш қилаяпти" деб таништирардилар. Мен бу аспирантларга шундай ҳавас қилган эканман, йиллар ўтиши билан ўзим ҳам аспирант, докторант бўлдим. Домлага шундай ҳавас қилган эканман, ҳозирда менинг республиканинг турли олий ўқув юртларида, аспирантларим бор.

Эргаш Ғозиевич Ғозиев жуда камтарин, меҳнаткаш, ўз устида тинмай изланувчи олим, талабчан, шу билан бирга меҳрибон устозлар. Домладан бирон мавзу бўйича маслаҳат, фикр сўрасак, узоқ ўйланиб, сўнгра ўзларининг фикрларини билдирадилар, уларнинг бу фикри одатда креатив энг тўғри фикр бўлади.1993 йили "Юқори синф ўқувчилари ақлий фаолият усуллари ва йўлларини эгаллашининг психологик хусусиятлари" номли 19.00.07-ёш ва педагогик психология ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациямга расмий оппонент бўлганлар. 2005 йилда Э.Ғозиев раислик қилган илмий Кенгашда докторлик диссертациямни ёқладим. Ҳимояда домла: "Замира Карабалаева бу мавзуда 20 йилдан бери илмий тадқиқот олиб боради. Бу мавзуда у битирув малакававий иши ёзган", – деб ишимни роса мақтадилар". Шунда домланинг хотираларига қойил қолганман. Университетини битирганимга 20 йил бўлса ҳам қизлик фамилиям ёдларида экан....

Эргаш Ғозиевич томонидан яратилган "Умумий психология" , "Психология", "Онтогенез психологияси", "Психология методологияси", "Социал психология", "Тафаккур психологияси" каби жуда кўплаб ўқув адабиётлари республикамизда психология ва педагогика ва психология таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва магистрларнинг севимли китобларига айланган. Домла республикада олимлар орасида илмий ва ўқув адабиётлари яратиш бўйича энг сермаҳсуллиги билан ажралиб турадилар, улар томонидан 600 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган.

Э.Ғ.Ғозиев Ўзбекистонда тафаккур психологиясини кенг ёритган олимлардан биридир. Муаллифнинг фикрига кўра, инсон тафаккури ўзининг мустақиллиги жиҳатидан мустақил ва номустақил тафаккурга ажратилди. "Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз қилиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасисиз ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш керак"(Э.Ғ.Ғозиев "Тафаккур психологияси").

Тафаккурнинг мустақиллиги ақлнинг серташаббуслиги, пишиқлиги ва танқидийлигида намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда инсоннинг ўз олдига янги муаммо, аниқ мақсад ва конкрет вазифалар қўйишини, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда, ниҳоясига етказишда, ечимини қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлишини назарда тутамиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни тез излаб топишда, уларни саралашда, ана шу усуллар ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда трафаретга айланган усул, эски йўл ва усуллардан фориғ бўлишда ва бошқа жараёнларда ифодаланади.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера билишда ақлнинг

https://buxdu.uz

танқидийлиги объектив ва субъектив равишда ифодаланиши мумкин. Мазкур сифат - инсонни баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш каби тафаккурнинг индивидуал хусусияти билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Агар танқидийлик оқилона муҳим белгиларга, муаммо моҳиятини тўғри очилишига асосланиб амалга ошса, бундай танқидийлик объектив танқидийлик деб аталади. Мабодо тафаккурнинг танқидийлиги субъектив хатоларга, умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик дейилади. Субъектив танқидийлик салбий оқибатларга олиб келади, шунингдек, инсонлар ўртасида “англашилмовчилик ғови”ни вужудга келтиради, икки шахс ўртасида кутилмаганда зиддиятлар пайдо бўлади.

Мақсад, муаммо ва вазифалар ўзга шахс томонидан қўйилиб, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда ўзга кишиларнинг бевосита ёрдами билан амалга оширилиши жараёнида бир оз иштирок этган тафаккур номустақил тафаккур деб аталади. Номустақил тафаккурли кишилар тайёр маҳсулотлар қулига айланадилар.

Э.Ғозиевнинг шундай муваффақиятларга эришишида рафиқаларининг ролини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Эркакларнинг ишида муваффақиятларга эришишида аёлларининг ҳиссаси катта, аёлларнинг ҳаётда муваффақиятга эришишида турмуш ўртоғининг роли беқиёс эканлиги ҳаётда аксиома сифатида қабул қилинган. Эргаш аканинг рафиқалари олий маълумотли педагог, меҳмондўст, оқила, пазанда аёл, биз шогирдларни шошиб турсак ҳам бир пиёла чой ичтирмай, уйларидан чиқармаганлар. Ноиба опа Эргаш акани ҳар доим қўллаб-қувватлаган, маънавий озуқа берган севикли ёр, моҳир педагог, фарзандларнинг меҳрибон онасидир. Уларнинг тўрттала фарзандлари ҳам олий маълумотли. Кенжа фарзандлари Фотима-Зуҳра ота изидан бориб, психология фанлари бўйича фалсафа доктори бўлишди.

Ўзбекистонда психология фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган, 50 га яқин шогирдларга илмий раҳбарлик қилган, жуда кўплаб дарслик, ўқув қўлланма, монография ва ўқув услубий қўлланмалар муаллифи бўлган Эргаш Ғозиевич Ғозиевни том маънода миллат кўрки дейиш мумкин. Домлани муборак 75 ёшлари, таваллуд айёмлари билан табриклаб, уларга оталик, устозик, боболик бахтин, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодий зафарлар тилаб қоламан.

Нишанова З.Т.
ТДПУ професори, психология фанлари доктори

https://buxdu.uz

Э.Ғ.ҒОЗИЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПСИХОЛОГИЯ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ (ИЛМИЙ, ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ, ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ МИСОЛИДА)

Ўзбекистонда психология фани ривожида профессор Э.Ғ.Ғозиевнинг ҳиссасининг юқори эканлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Профессор Э.Ғ.Ғозивнинг илмий ва педагогик фаолиятини кузатган ҳар бир шахс бу ҳолатнинг гувоҳи бўлиши шубҳасиз. Э.Ғ.Ғозивнинг психология фани ривожидаги аҳамияти яратган илмий ва илмий-методик ишларнинг улуши билан белгиланади. Ушбу мақсадда профессор Э.Ғ.Ғозиевнинг илмий, илмий-услубий, ўқув-услубий ишлари юзасидан олиб борган ўрганишларимизнинг умумий натижалари сифатида айрим мулоҳазаларни тақдим этишни лозим топдик. Ўрганишларимиз ҳали тор доирада ҳамда айрим чекланишларга эга бўлса-да, профессор Э.Ғ.Ғозиев илмий ижодининг бир йўналиши, яъни яратган асарларининг маълум бир қисмини таҳлил қилишга эришдик. Тўпланган маълумотларимизга таяниб профессор Э.Ғ.Ғозиевнинг нашр қилган ишларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, нисбий равишда тўрт даврга ажратишни лозим топдик. Олим ижодининг мазмун ва моҳиятини тўпланган материалларга мувофиқ амалга оширилди. Илмий, илмий-услубий ва ўқув-услубий ишларининг дастлбаки босқичи 20-асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Унинг илк илмий мақоласи тафаккур жараёнининг шаклланиши хусусиятига бағишланган. Умумлаштириш жараёни шаклланиши ва кўчиш усуллари масаласига бағишланганлиги олимнинг илмий ижодий кейинги босқичларида тафаккур муаммосини ўрганишга асос бўлганлиги шубҳасиз.

Э.Ғ.Ғозивнинг илмий ва илмий методик ишларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги манзарини кузатишимиз мумкин:

1-жадвал

Профессор Э.Ғ.Ғозивнинг илмий ва илмий-методик ишлари

№	Илмий ва илмий – методик иш турлари	Даврлар				Жами
		XX асрнинг 70- йиллари	XX асрнинг 80 -йиллари	XX асрнинг 90 -йиллари	XXИ асрнинг дастлабки 20-йиллиги	
1	Мақолалар	18	31	68	75	192
2	Илмий-услубий ишлар	2	13	26	20	61
3	Дарслик, ўқув қўлланма	-	-	6	8	14
4	Монография			1	2	3
	Жами	20	44	101	105	270

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, профессор илмий ва илмий методик ишларини салмоғини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан ўсиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу миқдорий кўрсаткичлар ҳам олим ижодининг нақадар маҳсулдор ва илмий салмоққа эга эканлиги кўзга ташланади. Профессор Э.Ғ.Ғозиевнинг илмий ва илмий-услубий ишларининг даврлар бўйича таҳлил қилинган-да, миқдор ва мазмун жиҳатдан динамика кузатилади. Олим ижодининг дастлабки босқичидаги нашр қилган ишлари XX асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Бу даврда нашр қилинган асарлари 20 тани ташкил этган бўлиб, уларнинг 18 таси мақолалар ва 2 таси илмий-услубий ишлардан иборат. Муаллифнинг илк мақолалардан бири "Формирование и перенос приёмов обобщения" деб номланиб, у 1973 йилда эълон қилинган. Ушбу мақоланинг олим ижодининг кейинги босқичлари билан боғлаганда тафаккур муаммоси устида кенг кўламда тадқиқотлар олиб борган ҳамда Ўзбекистонда тафаккур муаммосига бағишланган "Тафаккур психология" (1990) номли ўқув қўлланмасини яратилишига илк асос бўлган дейиш мумкин. Шунингдек, ушбу даврда яратилган илмий, илмий-услубий ишларда умумлаштириш жараёни хусусиятларини ўрганишга кўпроқ этибор қаратилган. Биринчи даврда нашр этилган ишлар қаторига ақлий тараққиёт диагностикасига ("Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида мумлаштириш усулларини шакллантириш методикаси" (1975), касб танлаш психологияси ("Касб танлашнинг

https://buxdu.uz

психологик асослари" (1978), психодиагностик методикаларнинг психометрик мезонлари масаласи ("Диагностик методларнинг статистик ишончлилиги" (1979) га бағишланган асарларини ҳам киритиш мумкин.

Профессор Э.Ғ.Ғозиевнинг илмий, илмий–услубий асарларини иккинчи даврини XX асрнинг 80-йилларида ёзган ишлари билан боғладик. Ушбу даврда 44 та илмий ва илмий-услубий ишлар эълон қилинган бўлиб, уларнинг миқдори биринчи даврга нисбатан икки баробар ўсганлигини гувоҳи бўлинади. Эълон қилинган илмий ва илмий–услубий ишларнинг 31 таси мақолалар ва 13 таси эса илмий-услубий асарлар улушига тўғри келмоқда. Ушбу асарларда ёритилган муаммолар биринчи даврдан анчагина фарқ қилиб, фаолиятни индивидуаллаштириш ("Таълимни индивидуаллаштириш ва уни бошқариш" (1980), "2-синфда математика дарсларини индивидуаллаштириш" (1981)), субъектив назоратни шакллантириш ("Ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш" (1980), "Профессиональное самоопределение и самоконтроль" (1981)), шахс психологияси ("Психология личности" (1983), "Шахс психологияси ва касб танлаш" (1987)), таълим ва тарбиянинг психологик муаммолари ("Таълим жараёнида ўсмирлар тарбиясига комплекс ёндашиш" (1981), "Некоторые вопросы психологии преподования" (1982), "Тарбияси қийин ўсмирлар" (1989) ва бошқалар) ўқитиш методикасининг психологик асослари ("Таълим усулларининг ўқувчилар ақлий ақлий тараққиётидаги роли" (1982), "Географияни ўқитишда кўргазмалиликни роли" (1983), "Психологические способы повышения эффективности лекционной пропоганды" (1983)), ўқув фаолиятини бошқариш ("Проблемы управления процессом обучения" (1982), Управления учебной деятельности школьников" (1986)), психодиагностика муаммолари ("Методы изучения личности студента" (1982), "Ўқувчилар тафаккурини ўрганиш усуллари" (1987)) ва бошқа йўналишлардан бағишланган.

Учинчи даврда яратилган асарлар XX асрнинг 90-йилларида яратилган бўлиб, бу давр олдинги икки даврдагидан миқдор ва сифат жиҳатидан тафовутланганлиги кузатилади. Профессор Э.Ғ.Ғозиев бу даврда 101 та асар ёзган. Ушбу асарлар мақола (68 та), илмий-услубий (26 та), дарсдик (4 та), ўқув қўлланма (2 та), монография (1 та) иборат. Олимнинг ижодий иши янги босқичга ўсиб ўтганлигини келтирилган миқдорий кўрсаткичлардан ҳам фаҳмлаш мумкин. Асарларнинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларни қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин: умумий психология муаммолари ("Тафаккур психологияси" (1990), "Диққат психологияси" (1993), "Хотира психологияси" (1994), юридик психология ("Суд психологик экспертиза" (1992), "Ҳуқуқшунослик психологияси" (1992), онтогенез психологияси ("Болалар психологияси" (1992), "Ўспиринлик психологияси" (1992), "Ёш психологиядан методик кўрсатма" (1990)), оила психологияси муаммолари ("Оилада бола тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари" (1993), "Оила ахлоқи ва одоби" (1994), "Оила одоби ва ахлоқи" (1995), психологиянинг турли соҳалари ("Муомала психологияси" (1994), "Олий мактаб психологияси" (1994), "Интеллект психологияси" (1996), "Таълимнинг психологик асослари" (1997),"Тараққиёт психологиядан маърузалар" (1999), "Ташкилий психологиядан маъруза" (1999), "Этнопсихология асослари" (1999), "Дифференциал психофизиология" (1999) ва бошқалардан иборат. Юқорида келтирилган илмий ишлар олим асарларини энг сара ва катта ҳажмдагилари бўлиб, илмий мақолалар бағишланган муаммолар эса янада долзарб муаммоларга бағишланган. Масалан, "Раҳбар қобилиятининг психологик қиёфаси" (1994), "Мактаб психологиясининг психодиагностик ва коррекцион ишлари мазмуни" (1995), "Мактаб психологининг консультатив ишлари" (1995), "Ўзбек миллий ўйинлари" (1997), "Муомала психологияси" (1998), "Онгнинг психологик тавсифи" (1998), "Интеллект тестлари назарияси" (1999), "Ўқитувчи этнопсихологияси" (1999) ва бошқа мақола мавзуларини мисол сифатида келтириб ўтамиз. Профессор Э.Ғ.Ғозиев илмий ва илмий-услубий фаолиятининг ушбу босқичида психологияси фанининг деярли барча соҳалари бўйича ижод қилганлиги ўзбек психология фанига янгича бир руҳиятни олиб кира олган. Бу эса Ўзбекистон психологияси жаҳон психологияси билан ҳамоҳангда ривожланаётганлигидан далолат бермоқда. Ўз навбати профессор Э.Ғ.Ғозиев ушбу асарлари орқали маҳаллий мутахассисларни психология фанининг янги ўрганишга зарурати бор муаммоларга чорлаб турган дейиш мумкин. Бунда психологиянинг методологик масалалари, умумий психология, социал психология, амалий психология ва психодиагностика, психологиянинг бошқа соҳаларига дахлдор муаммоларни ўрганишга зарурат ва Ўзбекистон психологиясида кўплаб тадқиқотлар олиб бориши кераклигидан далолат беради.

https://buxdu.uz

Олим ижодининг тўртинчи даврини XX асрнинг дастлабки 20 йиллиги билан боғлашни лозим топдик. Бу давр олим ижодийнинг чўққиси дейишимиз мумкин. Профессор Э.Ғ.Ғозиев томонидан бу даврда яратилган асарларнинг миқдори ва мазмуний салмоғи янада ошганлигини гувоҳи бўламиз. Тўртинчи даврда олим томондан яратилган асарлар миқдори 105 тани ташкил этмоқда. Олим томонидан мақолалар (75 та), илмий-услубий (20 та), дарслик ва қўлланмалар (8 та) ва монография (2 та)ни ташкил этмоқда. Таҳлилимизда олим томонидан кейинги йилларда ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмаларни номма ном келтириб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бу адабиётлар ҳам профессор Э,Ғ.Ғозиевнинг Ўзбекистон психологияси фани ривожланишига қўшилаётган ўлкан ҳиссалар деб баҳолаш ўринлидир. Яратилган асалар мамлакатимизда 5210200-Психология (фаолият турлари) таълим йўналиши талабаларининг касбий тайёргарлиги учун мўлжалланган: “Умумий психология” (2010), “Онтогенез психологияси” (2010), “Социал психология” (2012), “Психология методологияси” (2012), “Педагогик психологияси” (2014), “Психология (академик лицей вакасб-ҳунар коллежлари учун)” (2016). Бундан кўринадики, олим ўзининг узоқ йиллик илмий ва педагогик тажрибалар асосида бўлғуси психологлар тайёрлаш учун зарур бўлган ўқув адабиётлар устида ижод қилмоқда. Олим томонидан ёзилган “Умумий психология” (2010) дарслиги мамлакатимизда психология талим соҳаси учун яратилган ўзбек тилидаги юқори савияда тайёрлангани адабиётлардан саналади. Дарслик психология фанининг предмети, психология фанининг соҳалари ва тадқиқот методлари, онгнинг психологик тавсифи, фаолиятнинг психологик талқини, шахс тўғрисида умумий тушунча, шахснинг ички регуляцияси,. Шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари, шахснинг психологик хусусиятлари, билиш жараёнларига доир маълумотларни ўз ичига олган боблардан иборат.Профессор Э,Ғ.Ғозиевнинг ҳар бир дарслиги ва ўқув қўлланмаларида мутахассислар тайёрлаш жараёни учун муҳим материаллар мужассамлаштирган.

Юқорида тақдим этилган материаллар профессор Э.Ғ.Ғозиев илмий ва илмий-методик ишлари юзасидан амалга оширилган кузатишларнинг бир дебочаси саналади. Келажакда профессор Э,Ғ.Ғозиев илмий ва илмий-методик ишлари ҳамда Ўзбекистон психологиясида ўрни юзасидан магистрлик ва психология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

А.И.Расулов
Ўзбекистон Миллий университети доценти,
психология фанлари номзоди





https://buxdu.uz

УСТОЗ ОЛИМ ВА МУАЛЛИМ

Бой ва узоқ тарихга эга бўлган психология фани кейинги йилларда мамлакатимизда тез ривожланиб, малакали мутахассисларга эҳтиёж ва уларни тайёрлашга бўлган талаблар ҳам ортиб бораяпти. Бундай талабларни бажаришда таниқли олим, камтарин инсон, психология фанлари доктори, профессор Эргаш Ғозиевнинг хизматлари катта.

Бўлғуси олим 1944 йил 16 февралда зиёли оилада таваллуд топди. У олий таьлимни Низомий номидаги Тошкент педагогика университети педагогика ва психология факультетида (1969), Ломоносов номидаги Москва давлат университети психология факультетида (1973й. кечки бўлим) олди. 1971-1973 йилларда Москвадаги Умумий ва педагогик психология илмий текшириш институти аспирантурасида ўқиди ва 1973 йилда "Умумлаштириш усулларининг шаклланиши ва қўчиши" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, Тошкентга қайтиб келди.

1972-1982 йилларда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтида илмий ходим ва сектор мудири лавозимларида ишлаган. 1982 йил сентябрдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб келаяпти. 1982-2010 йиллар оралиғида кафедра мудири лавозимида ишлаган. Э.Ғозиев кафедрага раҳбарлик ва педагогик фаолиятини психология йўналишида ўқитилаётган курсларининг илмий-назарий жиҳатларини кўтариш ва амалий тайёргарлик даражасини оширишдан бошлади. Психология бўлимининг миллий гуруҳларида психология фанининг асосий курсларидан дарслар рус тилида олиб борилганлиги боис, туман ва қишлоқлардан келган аксарият талабалар ўзлаштиришда қийналиб, олаётган билимлари ҳам мукаммал бўлмасди. Таълим жараёнидаги бу кемтикликни тўлдириш учун миллий гуруҳдаги асосий курсларни ўзбек тилида ўқитишни бошлаб, шахсан ўзи бир неча фанларнинг маъруза матнларини яратди.

Захматкаш олим педагогик фаолиятини илмий ишлар билан вобаста олиб борди ва 1991 йилда Москва шаҳрида "Ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқаришнинг психологик асослари" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1993 йили профессорлик илмий унвонини олди.

Олимнинг серқирра истеъдоди ташкилотчилик фаолиятида ҳам тўла намоён бўлди. Республикамизда биринчилардан бўлиб, психологик хизматни ташкил қилиш, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишда бош-қош бўлиб турди. Тошкент шаҳрида ўндан ортиқ завод ва фабрикаларда, жумладан, "Юлдуз", "Трактор" заводи, "Тошкент авиация заводи" каби йирик ишлаб чиқариш Бирлашмаларида психологик хизматни ташкил этишда қатнашди. Психологиядан иккинчи мутахассислик олувчилар учун ўқув дастурлари, таълим стандартлари ва ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаб берди. Бир неча дарсликлар муаллифи бўлди. Умуман, Э.Ғозиев чоп этган китоб ва илмий мақолалар сони кишини ҳайратга солади, ҳавасини келтиради. Олим томонидан эълон қилинган илмий ишлар миқдори 700 дан зиёд бўлиб, улардан 100 га яқини китоб, 400 дан ортиқ мақола ва тезислар, 100 та оммабоп асарлар, 100 дан ортиқ номдагиси Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ва фалсафа луғатида мужассамланган.

Э.Ғозиев психология фанининг ўнга яқин соҳалари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратганки, бу унинг кенг қамровли, фаннинг кўп соҳаларидан яхши билимга эга олим сифатида шаклланганлигини кўрсатади. Ўзаро суҳбатларда қайси мавзуда гап кетса, албатта, шу соҳага оид, аксарият кўпчилик билмайдиган янги-янги фикрларни айтади. Унинг қаламига мансуб бўлган "Тафаккур психологияси", "Олий мактаб психологияси", "Муомала психологияси", "Менежмент психология", "Касб психологияси", "Социал психология", "Онтогенез психология", "Умумий психология", "Психология методологияси" касб-ҳунар коллежлар учун ёзилган "Психология" дарслиги каби қатор китоблар психолог мутахассис ва талабалар учун бебаҳо дарслик ва ўқув-методик қўлланма сифатида фойдаланиб келинаяпти.

Бу асарларда психология фанининг асосий категориялари, илмий тадқиқотларнинг метод ва усуллари, билиш назариялари, шахс муаммолари, билиш жараёнлари, акс эттиришнинг методологик асослари, бошқариш ва ташкилотчилик психологияси, ёш даврлар психологияси каби масалалар бафуржа очиб берилган. Айниқса, муаллифнинг "Психология методологияси" китоби ижтимоий ва гуманитар фанлар методологияси ва илмий-назарий тамойиллари ўзгариб бораётган ҳозирги даврда фақат психолог ва педагоглар учун эмас, балки бошқа ижтимоий фанлар мутахассислари учун ҳам муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Ўқув қўлланманинг 2013 йилда чиққан иккинчи нашрида психология фанининг ҳозирги босқичдаги методологик

https://buxdu.uz

муаммолари атрофлича ёритилган. Психология фани олдида турган вазифалар, бу вазифаларни ҳал этиш йўл-йўриқлари, принцип ва методлари, қонуният ва механизмлари, феноменал ҳолатлари тўғрисида ўзига хос тарзда, “теша тегмаган” фикрлар билдирилган. Хусусан, “Психология феноменлари” бобида Бахт феноменал ҳодиса сифатида таҳлил қилинган. Қадим даврлардан инсонларни бахт нима? Кимни бахтли киши дейиш мумкин? каби саволлар қизиқтириб келган. Бу савол ҳозирги кунларда ҳам турли баҳслар мавзуси бўлиб туради. Бу ҳақда турли соҳа вакиллари, шу жумладан, психологлар ҳам бир-биридан қизиқ, оригинал фикрларни билдиришган. Лекин, бир-бирини инкор этувчи фикрлар бор экан, баҳс тугамайди. Бизнинг фикримизга кўра, муаллиф, “Хўш, бахтли одамлар кимлар?” деган саволни ўртага ташлаб, унга баланд парвоз гаплардан қочиб, “Булар жамики нарсаларнинг ижобий томонини кўрадиган, борлиққа оптимистик (некбинлик билан) ёндашадиган инсонлардир”, деб жўяли жавоб топа олган. Шунингдек, Армон, Адаптация, Эмпатия ва Деструктив хулқларни психологик феномен сифатида таҳлил қилган. Айтиб ўтиш керакки, психологияга оид аксарият дарсликлар ва монографияларда бу муаммолар акс этмаган.

Қувонарли томони шундаки, муаллифнинг илмий мақолалари, қўлланма ва дарсликлари мамлакатимиз доирасидагина қолиб кетмасдан, у рус ва қўшни мамлакатлар тилларида ҳам босилиб чиқяптики, бу ўзбек психологининг илмий ишлари билан хориж олимлари ҳам қизиқаётганлиги, эътироф этилаётганлиги қалбларимизда фахр туйғусини ўйғотади. Педагогик ва илмий фаолият билан бирга олим, мамлакатимиз ва хориж мамлакатлари учун олий тоифадаги мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. У 35 нафар фан номзоди, тўрт нафар фан докторига раҳбарлик қилган. Улардан тўққиз нафари хорижий олимлар.

Олимлар кўп. Лекин илмда ўз мактабини яратиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Э.Ғозиев Педагогик ва онтогенез психологияси, Тафаккур психологияси, Ҳамкорлик психологияси соҳалари бўйича мамлакатимизда илмий мактаб яратган ва эътироф этилган аллома ҳисобланади. Шу боисдан, қўшни мамлакатлардан аспирант ва докторантларга раҳбарлик қилиш, Ихтисослашган илмий кенгашларга аъзо бўлишни сўраб тез-тез мурожаат қилиб туришади. Бу ўзбек олимига хорижий ҳамкасблар томонидан билдирилаётган ишонч ва юксак баҳодир.

Профессор Э.Ғозиев мамлакатимиздаги илмий жараённи доимо кузатиб, унга фаол қатнашиб келади. Бир неча илмий журналларнинг таҳририят аъзоси, 1999 - 2009 йиллар оралиғида психология фанлари номзоди илмий даражасини берувчи Ихтисослашган кенгаш раиси, Халқаро илмий анжуманлар ташкилотчиси ва фаол иштирокчиси ҳисобланади. Мамлакатимизда психология фанининг ривожланиши, Олий ва ўрта таълим тизимидаги муаллим ва ўқитувчилар, педагогик фаолиятнинг турли соҳаларида ишлайдиган мутахассисларни психологик билимлар билан қуроллантириш, психология фанини тарғиб қилиш каби масъулиятли ва ҳайрли ишларга раҳбарлик қилиб келади.

Профессор Э.Ғозиев ҳар доим ўзи сабоқ бераётган юзлаб талабалар, ўнлаб аспирант ва докторантлар, ҳамкасблар қуршовидагина эмас, шунингдек, мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида психология, педагогика ва методикадан дарс берадиган ўқитувчилар ундан ўрганиш ва маслаҳат олиш учун қабулига келиб туришади. Олим уларни қабул қилиш, маслаҳатлар бериш учун вақт топади. Захматкаш олим, камтарин инсон Эргаш Ғозиев иноқ ва аҳил оила бошлиғи, бир-биридан илмли, ахлоқ - одобли беш фарзанднинг меҳрибон ва талабчан отаси, ўнлаб набираларнинг донишманд ва маслаҳатгўй бобоси ҳамдир.

Ҳассос олим Э.Ғозиевдан ҳали кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалар, ўнлаб олий тоифадаги шогирдлар етиштириб беришидан умидвормиз. Устоз олимга ушбу ҳайрли, заҳматли ишларни амалга оширишида мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, куч-ғайрат, ўзининг ибораси билан айтганда, “креатив тафаккур” тилаб қоламиз.

Мўминхон Маматов,
Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси профессор в.б.

https://buxdu.uz

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ ВА ЭРГАШ ҒОЗИЕВ ТАЪЛИМОТЛАРИДА ТАФАККУР ЖАРАЁНИ ТАЛҚИНИ.

Тарихимиз зарварақларига бевосита ва билвосита эътибор қаратадиган бўлсак, буюк бобоколонларимиз томонидан барча замонавий фанларнинг тамал тошини мустаҳкам қўйганликларининг гувоҳи бўламиз. Руҳиятшунослик фанининг энг мураккаб ва долзарб муаммоларидан бири бўлмиш тафаккур муаммосига ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан ёндашган беназир алломалар сафида Абу Ҳомид Ғаззолий алоҳида ўзига ҳос ўринга эга десак хато бўлмайди. Унинг назарий ва амалий-илмий маҳсулига мансуб “Иҳйо улумид-дин” (“Дин илмларини жонлантириш”) асаридаги «Тафаккур китоби»да, инсон ўз тафаккури орқали Аллоҳнинг қудрати ва яратувчанлигини англаши билан бир қаторда, ўзлигини англаши ва дунёни таниш қонуниятларини илмий асосда изоҳлаган. Мазкур дурдона асарнинг асосий қисми одамзот фарзандининг тафаккури шаклланиши, бойиб боришига таъсир этувчи омилларга қаратилган.

Буюк аждодларимизга муносиб авлод сифатида жаҳон инсоншунослик фани таррақиётига улкан ҳисса қўшиб, Ўзбекистонда ўзига хос мактаб ярата олган, замонамиз руҳиятшунослик фанининг забардаст сарбони, профессор Эргаш Ғозиев ҳам ўз изланишлар маҳсули бўлмиш илмий асарларида тафаккур жараёнига алоҳида урғу бериб келмоқда.

Қуйида қарийб ўн асрлик вақт оралиғи ажратиб турган икки ватандошимизнинг инсон тафаккури борасида илгари сурган фикрлари таҳлилига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Ғаззолий тафаккур жараёнига таъриф берар экан, унинг моҳиятига алоҳида урғу бериб, “Тафаккурнинг фойдаси эса илмни кўпайтириш ва ҳосил бўлмаган илмни жалб қилишдан иборат. Агар илмлар қалбда махсус тартибга кўра жамланса ва бир-бирига мос тушса, бошқа бир илмни келтириб чиқаради. Демак, илм илмнинг “ҳидоя”сидир. Агар илмдан бошқа бир илм ҳосил бўлса, ўз навбатида бу ҳам, бошқа бир илм билан мослашса, бундан тағин бошқа натижа юзага чиқади. Шу тарзда натижа, илм ва фикр чексиз давом этаверади”



Эргаш Ғозиев тафаккур жараёнига қуйидагича таъриф беради; “Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеликни нутқ ёрдами билан бавосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, ижтимоий-сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир”.



Юқоридаги ҳар иккала таърифни умумий асосини, дунёни билишда мавжуд ижтимоий билимларни ўзлаштириш бўлса, ўзига хослиги ўзлаштирилган билимлар таъсирида янги билимларни билвосита ва бавосита умумлаштириб акс эттириш орқали билимларни бойитилиши ташкил этади.

Ғаззолий тафаккур жараёни асосини ташкил этувчи хусусиятига қуйидагича таъриф беради. “Фикр нурлар калити ва билиш учун ҳаракат асосидир. Шунингдек, фикр илмларни ўзида тутиб қоладиган тўр, мақсад ва тушунча тузоғидир. Фикр самарасига келсак, у илм, ҳол ва амаллардан иборат. Лекин фикрнинг хос самараси илм бўлиб, ундан бошқа нарса эмас”.

https://buxdu.uz

Э. Ғозиев таърифида тафаккурнинг муҳим хусусиятлари ва вазифаси санаб ўтилган, "Яъни тафаккур сўз (фикр) билан, умумлаштириб, бавосита, ижтимоий-сабабийлик, янгилик очиш, башорат қилиш, жараён ва фаолият ".

Тафаккур жараёни асосини ташкил этувчи хусусиятларини очиб беришга қаратилган ҳар иккала таърифнинг умумийлиги тафаккур асосини фикр (нутқ) ва амал (фаолият) ташкил этишлигининг гувоҳи бўламиз. Таърифнинг ўзига хослиги тафаккур ҳусусиятларининг юзага келиш қонуниятларига турлича ёндашувда акс этади. Ғаззолий таълимотида ФИКР — ИЛМ —ҲОЛ — АМАЛ тафаккур юзага келишида муҳим асос бўлса, профессор Э.Ғозиев мазкур масалага СЎЗ (ФИКР) — УМУМЛАШТИРИШ — САБАБИЙЛИК — ФАОЛИЯТ каби ҳусусиятлар кетма-кетлиги асносида ёндашиб, ўз фикрини қуйидагича давом эттиради. "Инсон билимларнинг аксарияти қўл билан ушлаш, кўз билан кузатиш эвазига эмас, балки олаётган кенг кўламдаги билимлар фарқини фикран таққослаш ёрдамида англаб етади".

Ғаззолий таълимотида тафаккур асосида ўзлаштирилган билимларнинг сақланиши ва ундан вақти келганда фойдаланиш йўлларини қуйидагича таърифлайди. "Тазаккур (ёдламоқ)нинг фойдаси қалбда ўрнашиб қолиши ва ўчиб кетмаслиги учун илмларни такрорлашдан иборат. Агар илм қалбларимизга аниқ таъсир кўрсатса, бу нарсани биз ҳол деб белгиладик. Ана шу илм туфайли қалб ҳолати ўзгарди, ирода ва рағбат янгича тус олди"

Э.Ғозиев таърифида юқоридаги ҳолат қуйидагича акс этади. "Билимлар дастлаб қисмлари бўйича, сўнг яхлит ҳолда онгда тизимлашади. Тизимлаштиришнинг иккинчи босқичида, бир-бирга ўхшаш предметларга оид билимлар фикран тартибга солинади. Учинчи босқичда, бир неча тўпланган билимлар маълум тартибга тушади, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ажратилади. Тизимга солишнинг тўртинчи босқичида, эгалланган билимларни тизимлаштириш ва улардан фойдаланиш назарда тутилади".

Ғаззолий дунёни билиш ва тафаккурнинг шаклланиши ҳамда уни ўрганиш жабҳаларини қуйидагича таърифлайди."Тош темирга урилганда, ундан муайян жойни ёритадиган учқун сачрайди. Шундан кейин кўрмай турган кўз бирдан кўра бошлайди ва аъзолар ҳаракатга тушади. Илм нурининг чақмоқтоши – фикр ҳам икки илмни бир-бирига "уриштиради". Тош темирга қай тариқа урилса, фикр шу икки илмни ўзига хос усулда бирлаштиради. Темирдан учқун пайдо бўлганидек, илм нури пайдо бўлади. Худди ўтдан сачраган нур воситасида кўриш сезгиси ўзгариб, мубҳам нарсани кўрганидек, қалб ҳам илм нури туфайли ўзгариб, мойил бўлмай турган нарсага мойил бўлади. Шундан сўнг аъзолар қалб ҳолининг тақозосига биноан амал қилишга киришади. Бу ҳол, худди зулмат ва қоронғуликда кўрмаётгани учун юра олмай турган кишининг ҳаракатни бошлаганига ўхшайди. Демак, фикр самараси илм ва ҳолдан иборат, илмларнинг эса ниҳояси йўқ. Чунки, фикрнинг пайдо бўлиш ўрни чекланган нарса эмас ва фикр самараси ҳам беҳад ва чексиз. Бу нарса умумий таҳлилдан иборат бўлиб, албатта бунинг тафсили барча илмлар шарҳини талаб қилади.

Банданинг бутун фикри-зикрида энг аввал ўзи, ўзининг сифатлари ва ҳолатлари турса, ундан кейин маъбуд, унинг сифатлари ва ишлари билан боғлиқ нарса туради. Мана шу иккисидан четга чиқиб бўлмайди. Шу иккисидан бошқасини тафаккур қилишга ҳожат йўқ".

Алломанинг таърифидаги сўнгги мисраларига эътибор қаратадиган бўлсак, одамнинг (болани дунёни танишида) дастлабки фикр-зикри асосини ўзини ва ўзлигини (менлигини) англашга қаратилган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ташкил этади. Замонамиз руҳиятшуносларининг олиб борган тадқиқотларини натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, бола дунёни англаш жараёнини аввалом бор, ўзини "мен"лигини (катталар ёрдамида) англаш орқали амалга оширади. "Мен" лигини мантиқий англаш асносида, одам фарзанди ўзини қуршаб турган предмет ва воқеликни (катталар ёрдамида) билвосита ва бевосита яхлит акс эттириш орқали мантиқан умумлаштириб билимларини бойтиб боради. Катталарни (болани қуршаб турган итимоий муҳит) ёрдами ҳамда ўзлаштирган билимларини умумлаштириш моҳияти натижасида яратганни таниди.

Ғаззолийнинг илгари сурган таърифига кўра, банда ўзи, ўзининг сифатлари ҳамда маъбуд, унинг сифатлари ва ишлари билан боғлиқ нарсаларни тафаккур қилса бўлди. Шу иккисидан бошқасини тафаккур қилишга ҳожат йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Э.Ғозиев шахс тафаккурининг ривожланиши ҳамда уни ўрганиш жабҳаларини қуйидагича таърифлайди: - "Фикр юритишнинг мустақиллиги, ақлнинг серташаббуслигида, пишиқлиги ва

https://buxdu.uz

танқидийлигида намоён бўлади. Тафаккурнинг серташаббуслиги деганда, шахс ўз олдига янги муаммони аниқ мақсад, яққол вазифа қўйишини, ечимни қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлиши назарда тутилади. Ақлнинг пишиқлиги, вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда, эски йўллардан фориғ бўлишда ҳамда бошқа руҳий жараёнлар ифодаланади”.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера олишда тафаккур муҳим аҳамиятини касб этади.

Шахс оддий нарсалар тўғрисида фикр (тафаккур) юритганда ҳам уларнинг ташқи белгилари билан чегараланиб қолмайди, балки ҳодисалар моҳиятини очишга интилади, оддий турмуш ҳақиқатидан умумий ижтимоий қонуният яратишга ҳаракат қилади.”

Юқорида, биз келтирган шахс тафаккурининг ривожланиши ва уни ўрганиш жабҳалари ҳақидаги сўнгги икки мулоҳазани изоҳлаш ортиқча бўлса керак. Чунки, руҳиятшунослик фанидан қисман бошланғич билимга эга бўлган шахс ҳам ҳар иккала фикрнинг моҳиятини яхши тушуниб, қиёслай олади.

Шарқ мутафаккирларининг қадимдан руҳиятшунослик фани ривожига улкан ҳисса қўшганликлари исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат бўлгани каби, замонамизнинг руҳиятшунослари ҳам мазкур йўналишда ўз саъй изланишлари асносида жаҳон инсоншунослик фанининг амалий бойиши йўлида ўз улушларини қўшиш орқали аждодларининг муносиб издошлари эканликларини намойиш этмоқдалар.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишишлари учун жаҳон фани тараққиётига юқори даражада ҳисса қўшган аждодларимизнинг таълимотлари билан замондош олимларимизнинг илмий изланишлари натижасида илгари сурган фикрларини қиёслаб билим бериш фойдадан холи бўлмайди.

Турсунов Лутфулла Сайфуллаевич,
Ўзбекистон халқаро Ислом Академияси,
“Дин психологияси ва педагогикаси”кафедраси доценти,
психология фанлар номзоди,

https://buxdu.uz

Интеллектуальные тесты АЙЗЕНКА-ГОРБОВА

Лица, наиболее успешно выполняющие задания **наглядно-образного теста** (24 вопросы, выше 100 баллов), обладают художественным типом восприятия. Это значит, что информация об окружающем мире воспринимается ими через целостные, чувственные образы. Такой тип восприятия часто встречается у людей эмоциональных, с преобладанием чувств над рассудочностью. В профессиональном плане их интересы тяготеют к эстетическим сторонам жизни, они неравнодушны к ярким краскам природы, рельефно и чувственно воспринимают явления окружающей жизни. Среди лиц с таким складом ума встречаются специалисты по рекламе, дизайну, журналисты, популяризаторы новаторских идей, а также те, кто увлекается работой с людьми.

1. Исключите лишнюю фигуру.



2. Исключите лишнюю фигуру.



3. Исключите лишнюю фигуру.



4. Исключите лишнюю фигуру.



5. Исключите лишнюю фигуру.



https://buxdu.uz

6. Исключите лишнюю фигуру.



7. Исключите лишнюю фигуру.



8. Исключите лишнюю фигуру.



9. Исключите лишнюю фигуру.



10. Исключите лишнюю фигуру.



11. Исключите лишнюю фигуру.



https://buxdu.uz

12. Исключите лишнюю фигуру.



13. Исключите лишнюю фигуру.



14. Исключите лишнюю фигуру.



15. Исключите лишнюю фигуру.



16. Исключите лишнюю фигуру.



17. Исключите лишнюю фигуру.



18. Укажите две лишние фигуры.



https://buxdu.uz

19. Укажите две лишние фигуры.



20. Укажите две лишние фигуры.



21. Укажите две лишние фигуры.



22. Найдите три лишние фигуры.



23. Найдите три лишние фигуры.



24. Найдите три лишние фигуры.



https://buxdu.uz

Графики обсчета результатов путем суммации правильно самостоятельно решенных заданий по каждому тесту



Процентные соотношения уровней интеллекта	
Значения ИҚ	
130 и выше	Очень высокий
120 – 129	Высокий
110 – 119	Хорошая норма
90 – 109	Средний
80 – 89	Низкая норма
70 – 79	Пограничная норма
69 и ниже	Умственный дефект

Ответы на Наглядно-образный тест:

1. – 3	13. – 2
2. – 2	14. – 6
3. – 4	15. – 5
4. – 1	16. – 3
5. – 4	17. – 3
6. – 4	18. – 2,5
7. – 5	19. – 1,2
8. – 3	20. – 3,6
9. – 3	21. – 1,4
10. – 2	22. – 2,3,6
11. – 1	23. – 1,3,6
12. – 4	24. – 1,6,7

https://buxdu.uz

QIZIQARLI PSIXOLOGIYA

ҚИЗИЛ РУЧКАДАН ВОЗ КЕЧИНГ!

Сиз ўқитувчимисиз? Бисотингизда ҳалиям қизил ручка борми? Унда ҳозироқ уни отиб юбориб, ўрнига яшил ручка сотиб олинг! Нимага, дейсизми? Чунки ҳозир бу борада инновацион педагогик ёндашув жорий этилган ва дунёдаги барча эси бор ўқитувчилар қизил ручкалардан воз кечмоқдалар.

Мен тажрибали психотерапевт сифатида Сизга бу услубнинг нега кераклиги ва унинг афзалликларини қисқача баён қилиб бераман. Демак, бола дафтарида ўқитувчи томонидан қизил ручкада ажратиб кўрсатилган хатолар унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Қизил ручкада белгиланган хатолар боланинг кўрув хотираси (фотохотира) орқали онг остида сақланиб қолади ва у айнан қизилда ажратиб кўрсатилган хатоларнигина эслаб қолади, тўғри ёзилган ҳарфларни ёки тўғри ечилган мисолларни эмас. Чунки Сиз айнан хатоларни ажратиб кўрсатиб бергансиз. Бу билан Сиз (ўзингиз англамаган ҳолда) болада ўзидан қониқмаслик, ўзидан норози бўлиш, ўзини камчиликли сезиш, ўзига ишонмаслик туйғусини шакллантириб қўясиз. Келинг, яхшиси, боланинг тўғри ечган мисолларини ёки тўғри ёзган ҳарфларини яшил ручка билан ажратиб, кўрсатиб, алоҳида белгилаб беринг. Муваффақиятлари, яъни тўғри бажарган амаллари алоҳида ажратиб, кўрсатиб берилса, болада ижобий ҳис-туйғулар шаклланади: ўзидан қониқиш ҳисси ва ўзига бўлган ишончи ортади. Энди у айнан муваффақиятларини такрорлашни, янада яхши натижаларга эришишни истайди ва бунга яхши кайфият билан, ўзига ишонч билан уринади.

Унутмангки, болалигидан фақат хатолари кўрсатиб берилган болалар улғайганда ҳам кўпроқ негатив туйғулар билан яшайдилар. Алалоқибат, ҳаётда фақат хато ва камчиликларнигина кўрадиган шахсга айланиб қолишлари ҳеч гап эмас, чунки болалигида унинг хатоларини тагига қизил ручка билан чизиб, алоҳида кўрсатиб беришар эди...

Киши миясига ёшлигидаёқ муҳрланган хатолар унинг келажакда ўз ҳаётидан қониқиб, шукр қилиб яшашига тўсқинлик қилади.

Хулоса шуки, болаларнинг хатоларини «қизил билан» белгилашнинг ўрнига, муваффақиятларини, тўғри ишларини «яшил билан» белгилашни одат қилсак, уларнинг руҳиятига (ва бу орқали келажагига) катта ижобий таъсир қилган бўламиз.

https://buxdu.uz

10 ИНТЕРЕСНЫХ ФАКТОВ О ПСИХОЛОГИИ ЧЕЛОВЕКА. ЭТОГО ВЫ О СЕБЕ НЕ ЗНАЛИ!

Всем нам известно, что психология — это наука о совокупности психологических явлений и поведение человека, высших животных, которая объясняется на основе этих явлений. Итак, объектом науки является человек, существо наделено сознанием и внутренним субъективным миром. Психологию можно отнести к одной из самых интересных наук. Если Вам все же хочется узнать больше, то интересные факты о психологии Вам помогут.

1 Мозговая деятельность продолжается даже тогда, когда мы отдыхаем. В этот момент происходит фильтрация того, что действительно нужно отложить в памяти, а что убрать «про запас». Проснувшись утром вы никогда не забудете то, что действительно важно для вас, но и не вспомните того, на чем остановили свое внимание вчера.

2 Человек чувствует себя более успешным и счастливым только тогда, когда его мозг чем-то занят. Более того, серое вещество не интересует монотонная работа — речь идет как раз о постоянной суете концентрации и переключения с одной работы на другую. Только в такие моменты человек чувствует себя счастливым.

3 Вы не можете не обращать внимание на еду, на секс и опасности. Замечали ли вы, что люди всегда останавливаются, чтобы посмотреть на сцены несчастных случаев. На самом деле, мы не можем не обращать внимания на ситуацию опасности. У каждого человека есть особая часть мозга, которая отвечает за выживание и спрашивает: «Могу ли я это съесть? Можно ли с этим заняться сексом? Может это меня убить? ».

4 Исследователи доказали, что если в юности человек умел отказываться от того, чего сильно хотел, жизненные испытания даются проще и с минимальными потерями.

5 Для того, чтобы к чему-то привыкнуть необходимо не более 2-х месяцев, а точнее — 66 дней. Именно такой период понадобится человеку для того, чтобы сформировать и довести до автоматизма любое действие. Например, если вы хотите перейти на правильное питание, то вам может понадобиться чуть меньше — примерно 55 дней. А вот к спорту придется привыкать дольше — до 75 дней.

6 Если вы думаете, что можете иметь неограниченное количество друзей, вы глубоко ошибаетесь. Оказывается, что человек за всю свою жизнь может дружить до 150 раз. #

7 Бывают случаи, что вы хотите сделать девушке приятное, подарив подарок, но не знаете что ей нужно. Решение есть! Скажите ей, что купили подарок и предложите отгадать, что это. Она перечислит то, что хочет.

8 Если вас мучают кошмары по ночам, возможно, вы мерзнете во сне. Научный факт — чем холоднее в спальне, тем больше шансов увидеть дурной сон.

9 Даже положительные события, такие как окончание университета, вступление в брак или новая работа, могут привести к депрессии.

10 Лучшим средством от забот, тревожности и стресса является чтение. Это занятие оказывает более быстрый эффект на организм. Удивительно, но этот способ намного лучше приема алкоголя, намного эффективнее прогулки, чаепития или прослушивания музыки.

https://buxdu.uz

ОПРЕДЕЛИТЬ ЖИЗНЕННУЮ ЦЕЛЬ МОЖНО С ПОМОЩЬЮ 7 ВОПРОСОВ

1. Чем вам нравится заниматься?

Ваша цель неразрывно связана с тем, что вы любите. Самые целеустремленные люди занимаются именно любимым делом: Биллу Гейтсу нравятся компьютеры, Опра Уинфри любит помогать людям, а Эдисон предпочитал изобретать что-то новое. А что нравится вам? Может, вы любите читать, писать произведения, заниматься спортом, петь, рисовать или готовить? А может вам по душе бизнес, продажи, общение, ремонт каких-либо вещей? Или у вас получается хорошо слушать человека? В любом случае, ваша жизненная цель будет связана с любимым делом.

2. Чем вы занимаетесь в свободное время?

То, чем вы занимаетесь в свободное время, поможет вам определить вашу цель в жизни. Если вы любите рисовать, значит «рисование» — это своеобразный знак, в каком направлении вам следует двигаться. То же можно сказать о любом хобби и увлечении, будь то приготовление пищи, пение или переговоры. Вы только должны не пропустить эти знаки. Как же рассматривать эти знаки? Например, кому-то очень нравиться учиться и познавать все новое, значит, возможно, его жизненной целью может стать преподавание. Обязательно продумайте, что вы делаете в свободное время, или что бы вы хотели делать.

3. На что вы обращаете внимание?

Продавец с легкостью отличит, будет ли товар пользоваться спросом или нет; парикмахер безусловно обратит внимание на внешний вид прически человека, дизайнер отметит нелепое одеяние, а механик лишь по звуку от машины сможет установить возможные неполадки в ней. А на что вы обращаете внимание? И что вас раздражает? Все ваши ответы и будут теми знаками, которые помогут вам в установлении вашей жизненной цели.

4. О чем вам нравится узнавать, и что вы предпочитаете изучать?

Какие книги и журналы вам нравится читать? Может вам интересна литература о бизнесе, кулинарии или рыбалке? В любом случае, вы должны расценивать свои предпочтения как намек на то, какую проблему вы должны решить в своей жизни. Подумайте, если бы вы создавали свою библиотеку, какие бы книги вы подобрали для нее? А может вам по душе книги по саморазвитию?

5. Что пробуждает в вас желание заниматься творчеством?

Может, для вас процесс продажи – это целое искусство? Или вы хотите немедля начать готовить, увидев в журнале новые оригинальные рецепты блюд? А быть может какая-либо пережитая ситуация является толчком к написанию картины? Продумайте, что заставляет вас двигаться вперед.

6. Что другим людям нравиться в вас?

У вас есть «поклонники», которые по достоинству оценивают вашу стряпню? Ведь, если ваши блюда никому не нравятся, то и шеф-поваром вам, скорее всего не быть. Или некоторые восторгаются вашим пением, умением танцевать? А может, кого-то покорил ваш талант писателя или продавца? Согласитесь, у каждого из нас есть способность, которая по нраву другим людям.

7. А если бы вы знали заранее, что вы добьетесь успеха, чем бы вы занялись?

Кто-то бы создал собственный салон красоты, другой бы решил попробовать свои силу в музыкальном проекте, например «Фабрике звезд», а третьего прельстила бы перспектива быть владельцем магазина. Любой ваш ответ будет еще одним знаком вам для поиска жизненной цели.

Тўпловчи: Останов Ш.Ш.

https://buxdu.uz

TAHRIR HAY’ATI * РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ * EDITORIAL BOARD

ТУЛАГАНОВ А.А.
Бухоро давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

БАРОТОВ Ш. Р.
БОШ МУҲАРРИР
Халқаро Психология Фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси.
Психология фанлари доктори, профессор.

КОЗЛОВ В.В.
Халқаро Психология Фанлари Академияси президенти.
Психология фанлари доктори, профессор.

МАЛЫХ С.Б.
Россия Таълим Академиясининг ҳақиқий аъзоси.
Психология фанлари доктори, профессор.

ҒОЗИЕВ Э.Ғ.
Бош муҳаррир ўринбосари.
Психология фанлари доктори, профессор.

ШОУМАРОВ Ғ.Б.
Бош муҳаррир ўринбосари.
Психология фанлари доктори, профессор.

КАРИМОВА В.М.
Психология фанлари доктори, профессор.

ЖАББОРОВ А.М.
Психология фанлари доктори, профессор.

ҚОДИРОВ Б.Р.
Психология фанлари доктори, профессор.

САФОЕВ Н.С.
Психология фанлари доктори, профессор.

НИШОНОВА З.Т.
Психология фанлари доктори, профессор.

УМАРОВ Б.М.
Психология фанлари доктори, профессор.

ИБОДУЛЛАЕВ З.Р.
Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

БЕГМАТОВ А.С.
Фалсафа фанлари доктори, профессор.

БЕКМУРОДОВ М.Б
Социология фанлари доктори, профессор.

АБДУРАХМАНОВ Ф.Р.
Фалсафа фанлари доктори, профессор.

ҚАҲҲОРОВ О.С.
БухДУ, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор.
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

https://buxdu.uz

TAHRIR HAY’ATI * РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ * EDITORIAL BOARD

МУҲАРРИРЛАР – РЕДАКТОРЫ:

УСМАНОВА М.Н.
Халқаро Психология Фанлари Академиясининг мухбир аъзоси
Психология фанлари номзоди, доцент.

МУХТОРОВ Э.М.
Халқаро Психология Фанлари Академиясининг мухбир аъзоси.
Психология фанлари номзоди, доцент.

БАРОТОВА Д.Ш.
Халқаро Психология Фанлари Академиясининг мухбир аъзоси.
Психология фанлари номзоди, доцент.

СОБИРОВА Д.А
Халқаро Психология Фанлари Академиясининг мухбир аъзоси.
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,

ТЕХНИК МУҲАРРИРЛАР - ТЕХ.РЕДАКТОРЫ



ХУДОЙҚУЛОВА Г.Б.
БухДУ, Психология кафедраси катта ўқитувчиси.

ОСТАНОВ Ш.Ш.
БухДУ, Психология кафедраси ўқитувчиси.

ВОҲИДОВА Н.Н.
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, инглиз тили кафедраси ўқитувчиси.

РУСТАМОВ Ш.Ш.
БухДУ, Психология кафедраси магистранти.



Батафсил маълумотни журнал интернет саҳифасидан олишингиз мумкин:

http://psixologiyabuxdu.uz

https://buxdu.uz

Абдурахманов Фарход Рахимжонович - 1955 йил 27 августда Тошкент шаҳрида, зиёли оилада туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат университетининг Тарих факультети психология ихтисослиги бўйича тамомлаган. 1983 йилда Психология фанлари бўйича номзодлик, 1995 йилда “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида миллий манфаатлар муаммолари” мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлади. Психология фанлари номзоди, Фалсафа фанлари доктори, профессор.

1977 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.М.Мўминов номли “Фалсафа ва ҳуқуқ” институтида лаборант, кичик илмий ходим, аспирант, катта илмий ходим каби лавозимларда ишлаб келди. 1984 – 1987 йиллар давомида Тошкент Ирригация институти (ТИИИМСХ) фалсафа кафедраси ассистенти, 1987 – 1989 йиллар давомида Тошкент политехника институти фалсафа кафедраси доценти, 1989 – 1993 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фалсафа ва ҳуқуқ “ институтида катта илмий ходим, доктарант, 1994 – 1996 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фалсафа ва ҳуқуқ” институтида катта илмий ходим, 1996 – 2006 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазрлиги академияси “Фалсафа ва сиёсатшунослик” кафедраси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатди. Ички ишлар вазирлигидан нафақага чиқганидан сўнг, 2006 – 2008 йилларда Молия институти фалсафа кафедрасининг профессори лавозимида, 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Илмий-ўқув маркази “Фалсафа, миллий ғоя ва фан метадологияси” кафедраси мудири лавозимида ишлади. Айни дамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида кафедра профессори бўлиб ишлаб келмоқда.



Ҳозирда бу йўналишларда 250 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган. Тадқиқот мавзусига оид 100дан ортиқ мақолалар руспублика ва ҳалқаро журналларда нашр этилди. Бундан ташқари 50 дан ортиқ китоблар, монографиялар, ўқув қўлланмалар, услубий қўлланмалар нашр этилди. Абдурахманов Ф.Р. раҳбарлигида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Унинг “Мустақиллик ва миллий манфаатлар” монография (1994 й. 6.0 б.т), “Социология” маърузалар курси, (2000 й. 13.0 б.т. хам.) “Одамларни қандай фарқлаш ва мулоқатга киришиш мумкин” (1997 й. 2.1б.т.). “Маънавий камолат – мустаққил тараққиётимизнинг асосий омили”. (1999 й. 3.1 б.т.) “Балки, ноёб одамдирсиз”. “Психологиядан тестлар” (1999 й. 3.5 б.т.) “Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижи ва давлатнинг шаклланиши” (2004 й. 9.0 б.т.), ”Миллий манфаатлар ва миллий бирлик туйғуси” (1993 й. 3.0 б.т.), “Қадимги шарқ мамлакатларида психологик фикрлар тараққиёти” ўқув услубий қўлланма (1995 й. 3.5, б.т.), “Фалсафага янгича ёндошиш давр талаби” (1998 й. 3.5.б.т.), “Социология фан сифатида” (2007 й. 3.5 б.т.), “Социология” услубий қўлланма, (2008 й. 3.3.б.т. хам), “Психология” фанидан тест топшириқлари” услубий қўлланма (2008 й.3 б.т.), “Фалсафа фанидан семинар машғулотлари ўтказиш учун” методик қўлланма (2010 й.14,5 б.т.), “Дин психологияси” ўқув методик қўлланма (2011 й. 5.0 б.т), “Ўзингни бил ўзингни англа” психологиядан ўқув қўлланма (2013 й.8,0 б.т.), “Олий таълим педагогикаси” (2014 й. 15,7 б.т.), “Педагогик социология” (2015 й. 15,5 б.т.), “Педагогик жараёнларни бошқариш” ўқув услубий қўлланма (2015 й. 6,5 б.т.), “Педагогика. Психология” ўқув қўлланма (2015 й 17,0 б.т.), “Абдулла Авлонийнинг педагогик психологик қарашлари” (2016 й. 5,5 б.т.), “Фалсафа” фанидан семинар машғулотларини ўтказиш учун услубий қўлланма (2016 й 5,5 б.т.), “Мантиқ” ўқув қўлланма (2016 й 7,5 б.т.), “Нутқ маданияти” ўқув услубий қўлланма (2016 й. 10 б.т.), “Касб психологияси” ўқув қўлланма (2016 й 18 б.т.), “Педагогик ўқитишнинг ўйинли технологияси” ўқув услубий қўлланма (2017 й. 4,0 б.т.), “Касб психологияси” дарслик (2018 й. 20 б.т.), “Психодиогностика” ўқув қўлланма (2019 й. 18,0 б.т.) ва шу каби кўплаб асарлари мавжуд.



Таҳририятимиз аъзоси Ф.Р.Абдурахмановга юксак илмий парвозлар ва мустаҳкам соғлик тилаб қоламиз.

Журнал таҳририяти

https://buxdu.uz

YANGI LOYIHALAR

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада психология соҳасида кадрларни тайёрлаш ва психологик хизмат тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарор лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси регулатион.гов.уз (ҳттпс://регулатион.гов.уз/уз/документ/2657) порталига жойлаштирилди.

Қарор лойиҳасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

хорижий тажрибадан келиб чиқиб, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига ижтимоий психология, ёшлар психологияси, психологик хизмат фаолиятини бошқариш, оилавий консультация ва коучинг каби бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киритиш;

республиканинг чекка ҳудудларида амалиётчи психологларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб психология таълим йўналиши бўйича талабаларни давлат гранти асосида мақсадли қабул қилиш;

олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида психология бўйича мутахассисликлар квоталарини кескин ошириш;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида психология таълим йўналишларининг ўқув режаларида малакавий амалиёт давомийлигини 8 ҳафтадан 15 ҳафтага ошириш;

психология соҳасида кадрларни тайёрлаш режасини тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш чораларини кўриш вазифалари белгиланган.

Манба: Regulation.gov.uz

https://buxdu.uz

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тез суръатларда ривожланаётган ва малакали кадрларга эҳтиёж мавжуд соҳалар ҳамда улар учун зарур бўлган таълим йўналишлари аниқланди.

Вазирлик хабарига кўра, келгуси йилларда қуйидаги 8 та соҳа учун 72 та янги таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади:

1. Муҳандислик иши;
2. Ишлаб чиқариш технологиялари;
3. Архитектура ва санъат;
4. Психология, социология ва журналистика;
5. Соғлиқни сақлаш;
6. Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаси;
7. Балиқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси;
8. Педагогика ва гуманитар фанлар.

Республикада ривожланаётган ва малакали кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар учун келгуси йилларда кадрлар тайёрланадиган ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

№	Соҳа номи	Йўналишлар номи	№	Соҳа номи	Йўналишлар номи
1.	Муҳандислик иши	Тиббиёт тизимлари, асбоблари ва буюмлари Пайвандлаш технологияси ва жиҳозлари Совутиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш Ёғочни қайта ишлаш саноати машиналари ва жиҳозлари Озиқ-овқат саноати машина ва жиҳозлари Учувчисиз авиация комплексларининг техник ва технологик эксплуатацияси Электр тизимлари ва тармоқлари Нефть-газ саноати машина ва жиҳозлари Амалий космик технологиялар Учиш аппаратлари ва двигателларидан техник фойдаланиш Кўтариш-ташиш, йўл-қурилиш машиналаридан фойдаланиш Маҳсулот сифати менежменти Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш Стратегик объектларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси Темир йўл инфратузилмаси объектларини лойиҳалаш ва қуриш	5.	Соғлиқни сақлаш	Жисмоний реабилитация ва эрготерапия Аллергология ва иммунология Анестезиология-реаниматология Гематология Болалар кардиохирургияси Болалар онкологияси Болалар хирургияси Болалар эндокринологияси Болалар нефрологияси Болалар офтальмологияси Интервенцион кардиология Клиник радиология Тиббиёт генетикаси Косметология Психотерапия Пластик хирургия
	Ишлаб чиқариш технологиялари	Кукунли металлургия, композицион материалар, қопламалар Ёғлар, эфир мойлари ва парфюмерия-косметика маҳсулотлари технологияси Функционал овқатланиш ва болалар маҳсулотлари технологияси Консервалаш технологияси Нанотехнология (тармоқлар бўйича)	6.	Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаси	Саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви Рақамли иқтисодиёт Стратегик режалаштириш Реклама иши Туризм географияси ва экскурсиявий менежмент Жисмоний-соғломлаштириш ва туристик-рекреацион фаолият Соғломлаштириш ва адаптив жисмоний маданият Спортнинг техник ва амалий турлари Аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш Уй-жой, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари сервиси
3.	Архитектура ва санъат	Урбанистика, шаҳарсозликни режалаштириш Архитектура ёдгорликлари реконструкцияси ва реставрацияси Санъат соҳасида продюсерлик Архитектуравий муҳит дизайни Саноат дизайни Ландшафт дизайни			
4.	Психология, социология ва журналистика	Амалий психология Ёшлар психологияси Психологик хизмат фаолиятини бошқариш Ижтимоий психология Клиник психология Оилавий муносабатлар психологияси Касбга йўналтирув психологияси Ёшлар билан ишлашни ташкил этиш Оммавий коммуникациялар социологияси Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш Ҳарбий журналистика	7.	Балиқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси	Саноат балиқчилиги Балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси Табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан рационал фойдаланиш
			8.	Педагогика ва гуманитар фанлар	Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси Тарих ва экскурсия-ўлкашунослик иши Технология таълими (амалий ва ижодий кўникмалар) Синхрон таржима (тиллар бўйича) Маданиятлараро коммуникацияларнинг лингвистик таъминоти (тиллар бўйича) Ноширлик иши

https://buxdu.uz

АХБОРОТ ХАТИ

«Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари» мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чикаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2019 йил 25 февралда қабул қилинган №133-Ф рақамли фаромойиши асосида **2019 йил 25 апрель куни** илк бор Ўзбекистон халқаро ислом академиясида дин психологияси йўналишида **«Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари»** мавзусида дин психологияси соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларнинг долзарб муаммолари, эришилган ютуқлар ва қўйилган вазифаларни бажариш механизмларини муҳокама қилиш мақсадида Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилади.

Конференцияда қуйидаги масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган:

1. Дин психологиясининг умумпсихологик масалалари.
2. Диннинг ижтимоий ва этнопсихологик муаммолари.
3. Дин психологиясида шахс тарбиясининг педагогик-психологик асослари.
4. Диний девиациянинг психологик негизлари ва унинг олдини олиш имкониятлари.

Муаллифлар учун маълумот

Конференцияга топширилган маърузалар **мақолалар илмий тўплами** шаклида чоп этилади. Илмий мақола матнида келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгардир.

Мақола матнини расмийлаштириш талаблари:

1. Мақола матни MS Office дастурининг WORD 97-2003 муҳарририда, Times New Roman шрифти, 14 кегель катталиги, 1,5 интервалда бўлиши ва энг камида 5 бет ҳажмда тайёрланиши керак.

2. Мақола матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 ҳажмдаги қоғозга, юқоридан ва пастдан 2,5 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см жой қолдириб, 2 нусхада топширилади.

3. Маърузачининг исми шарифи, илмий даража ва унвони (ўнг юқори бурчак, курсивда, 12 кегель катталигидаги шрифт, 1 интервал), ташкилот ва шаҳар номи, e-mail ва жой коди билан мулоқот телефонлари (иккинчи қаторда) кўрсатилади. Сўнгра 1 интервал қолдириб, мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилади. Кейинги сатрдан 1 интервал қолдириб, мақоланинг қисқача аннотацияси ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилиши шарт. Асосий матн 1,5 интервалли қаторларда ёзилади.

4. Мақоланинг чоп этилган ва электрон нусхалари конференция ташкилий қўмитасига топширилади.

5. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.

6. Нашр харажатлари учун мақоланинг ҳар бир саҳифасига олдиндан 15 000 сўмдан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий, 11 (почта индекси 100011), Ўзбекистон халқаро ислом академияси, “Шарқ мумтоз филологияси” факультети, “Дин психологияси ва педагогика” кафедраси.

Телефон: (71) 241-20-26; e-mail: konf.akademiya2019@yandex.ru

https://buxdu.uz

ОАК ХАБАРЛАРИ

(ҚУТЛОВ)

O`zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining 2018-yil 29-dekabrdagi 260/1-sonli bayonnomasiga asosan
ZIYODAXON ABDUBORIYEVNA RASULOVAni
Psixologiya fanlari doktori (D.Sc) ilmiy darajasida tasdiqladi.

O`zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining 2019-yil 31-yanvardagi 261/1-sonli bayonnomasiga asosan
DILAFRUZ RUSTAMBOYEVNA TURAYEVAni
Psixologiya fanlari bo’yicha falsafa doktori (PHD) ilmiy darajasida tasdiqladi.

Журнал таҳририяти

https://buxdu.uz